

# **ХУДОНИНГ ИРОДАСИ**

Михаил С. Хейзер

## Ушбу муаллифнинг бошқа китоблари

*Supernatural: What the Bible Teaches about the Unseen World and Why it Matters*

*The Unseen Realm: Recovering the Supernatural Worldview of the Bible*

*Angels: What the Bible Really Teaches About God's Heavenly Host*

*Demons: What the Bible Really Teaches About the Powers of Darkness*

*I Dare You Not to Bore Me with the Bible*

*The Bible Unfiltered: Approaching Scripture On Its Own Terms*

*Reversing Hermon: Enoch, the Watchers, and the Forgotten Mission of Jesus Christ*

*Brief Insights on Mastering Bible Study (The 60-Second Scholar series)*

*Brief Insights on Mastering the Bible (The 60-Second Scholar series)*

*Brief Insights on Mastering Bible Doctrine (The 60-Second Scholar series)*

*The Façade (fiction)*

*The Portent (fiction)*

## Муқаддас Калом Китобларини қисқартмалари.

### Эски Аҳд

Ибт (Ибтидо)  
Чик (Чиқиш)  
Лев (Левилар)  
Сах (Сахрода)  
Қонунлар  
Ёшуа  
Хак (Хакамлар)  
Рут  
1 Шоҳ (1 Шоҳлар)  
2 Шоҳ (2 Шоҳлар)  
3 Шоҳ (3 Шоҳлар)  
4 Шоҳ (4 Шоҳлар)  
1 Солн (1 Солномалар)  
2 Солн (2 Солномалар)  
Эзра  
Нах (Нахимиё)  
Эст (Эстер)  
Аюб  
Заб (Забур)  
Хикм (Хикматлар)  
Воиз  
Қўшиқ  
Ишаё  
Ере (Еремиё)  
Мар (Марсия)  
Ҳиз (Ҳизкиёл)  
Дон (Дониёр)  
Хўш (Хўшея)  
Йўэл  
Амос  
Обод (Ободиё)  
Юнус  
Михо  
Нох (Нохум)  
Хаб (Хабакқук)  
Заф (Зафаниё)  
Хаг (Хаггей)  
Зак (Закариё)  
Мал (Малаки)

### Янги Аҳд

Матт (Матто)  
Марк  
Луко  
Юҳ (Юҳанно)  
Хав (Хаворийлар)  
Ёкуб  
1 Бут (1 Бутрус)  
2 Бут (2 Бутрус)  
1 Юҳ (1 Юҳанно)  
2 Юҳ (2 Юҳанно)  
3 Юҳ (3Юҳанно)  
Яҳ (Яхудо)  
Рим (Римликлар)  
1 Корн (1 Коринфликлар)  
2 Корн (2 Коринфликлар)  
Эфес (Эфесликлар)  
Филип (Филиппиликлар)  
Кол (Колосаликлар)  
1 Сал (1 Салоникаликлар)  
2 Сал (2 Салоникаликлар)  
1 Тим (1 Тимўтий)  
2 Тим (2 Тимўтий)  
Титус  
Филим (Филимўн)  
Ибр (Ибронийлар)  
Ваҳ (Ваҳий)

## **Бағишлов**

Бу китобни, яқинда Исо Масихга имон келтирганларга  
ва узоқ вақтдан буён Исо Масихга ишониб келиб хали  
хам руҳий ўсмаганларга бағишлайман.

# Мундарижа

Сўз боши

Кириш

## 1-қисм. Ҳикоя

1-боб. Худо оилага эга бўлишни хоҳлади

2-боб. Худо барибир оилага эга бўлишни хоҳлади

3-боб. Худонинг оиласи Худога хиёнат қилди

4-боб. Худо Ўзининг одамзот оиласига қўшилди

5-боб. Худо Ўз оиласига эришади

6-боб. Худо Ўз оиласи билан абадий бирга

*Биринчи қисмнинг умумий кўриниши ва кейинги қисмнинг қисқача таърифи*

## 2-қисм. Хушxabар

7-боб. Хушxabар нима дегани?

## 3-қисм. Исонинг ортидан эргашиб

8-боб. Шогирдлик нима дегани?

9-боб. Шогирд нима иш қилади?

*Муҳим исмлар ва атамалар (Луғат)*

*Ғайриоддий атамаларнинг қисқача талқини*

## СЎЗ БОШИ

### *ИЛТИМОС, УШБУ ҚИСМНИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРМАНГ*

Эътиборингизни жалб қила олдим деб умид қиламан. Ҳа, ҳа, биламан... Сўз бошини ўқиш, бу худди навбатда туриш ёки тирбандликда қолиб кетишдек гап. Ушбу муқаддима сизларни хайратлантиради деб ваъда бера олмайман, аммо уни ўқиб чиқишингиз жуда муҳим.

Ушбу китоб Муқаддас Китоб моҳиятининг кириш қисми ҳисобланади. Китоб Худо севгиси ҳақида бўлиб, сиз Худо билан абадий яшашингизни, шунингдек ушбу икки ҳақиқатни билиб олишда бошқаларга ҳам ёрдам беришингизни хоҳлайди. Чиндан ҳам шундай эмасми? Аммо, бу сиз кўникиб қолган нарсалар эмас. Қаршингизда масиҳийлик имонига тааллуқли навбатдаги китоб эмас. Эҳтимол, сиз ҳеч қачон эшитмаганларингиз ҳақида ўқирсиз ёки сизга маълум маълумотларни янгича талқинда кўришингиз мумкин.

Ушбу китоб икки тоифадаги ўқувчиларга мўлжалланган. Биринчиси, бу Исо Масиҳга яқинда имон келтирганларга. Агарда бу сизга тааллуқли бўлса, унда Муқаддас Китобни ўқиш аллақачон сизда айрим тушунмовчиликларни уйғотган бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, Муқаддас Китобда оддатдагидан ташқари ва унчалик ҳам тушунарли бўлмаган томонлар кўп. Ишонинг, сиз нимани ҳис қилаётганингизни мен жуда яхши биламан. Мен ўсмирлигимда Исо Масиҳга имон келтирган пайтда Муқаддас Китоб ҳақида деярли ҳеч нимани билмасдим. Билганларим эса – Исо Масиҳ, Нуҳ пайҳамбар, шунингдек Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳақида эшитганман, шулар холос. Мен имонга келиб Хушxabарни қабул қилган вақтимда олишни хоҳлаган китоб қаршингизда турибди. Бундай китоб менга Муқаддас Китоб ҳикояларининг мақсадини ва шунингдек, айрим муҳим моҳиятини тушунишга ёрдам берган бўлар эди. Умид қиламанки, ушбу китоб сизга ана шундай кўмак бера олади.

Иккинчи тоифадаги ўқувчилар, бу қайсидир пайтда Исо Масиҳни билган, аммо ўзларини йўлда “ушланиб қолган”дек ҳис қилган кишилардир. Сиз Исо Масиҳга ишонасиз, сиз аллақачон қайсидир вақтда маҳаллий имонлилар жамоатида иштирок этгансиз (эҳтимол, анчадан буён), аммо сизни – яна нимадир бўлиши керак, Муқаддас Китобда сиз олдин кўрмаган нимадир бор, деган ички туйғу азоблайди. Сиз Исо Масиҳга эргашиш нимани англатишини тўлиқ тушунмайсиз. Якшанба кунги йиғилишлар, масиҳий дўстлар билан учрашув, уй гуруҳларидан ташқари яна нимадир бўлиши керак. Ишонтириб айтаманки, ички туйғуингиз сизга панд бермайди. Ушбу китоб олға қадам ташлашингизга ёрдам беради.

Эҳтимол, мен ўзимга қарши чиқаётгандирман, лекин ушбу китоб ёрдамида ақл-идрокли одамларни таянч ва ўта муҳим ғоялар билан таништиришни истаيمان. Мен ҳар доим ўқувчим ақл-идрокли инсон деб ният қиламан. Бу китоб орангизда кимгадир ниманидир қайта ва янгича тушунишга ёрдам беради. Бошқаларга эса, яхши бошланиш бўлади, чунки биз ҳаммамиз қаердадир бошлашимиз керак.

Умид қиламан, бу китоб муштарийларни бошқа мен ёзган китобларни ўқишга етаклашига. Бу китобни ўқиб тугатганингиздан кегин, менинг Ғайритабийй: Кўринмас Олам ҳақида Муқаддас Калом нимани ўқитади ва бу жуда муҳим номли китобни ўқилишига маслаҳат бераман. Инглиз тилида амазон магазинида онлайн харид қилсангиз бўлади. Инглиз тиладан бошқа тилларда сўзлашадиганлар муштарийларга текин юклаб олиш имконияти <https://www.miqlat.org/translations-of-supernatural.htm> бор.

Ғайритабийй номли китобим ва бошқа мен ёзган китоблардан. Муқаддас Калом ва Худо ҳақида, сиз жамоат минбарларидан эшитганларингиздан ҳам кўпроқ нарса ўрганиш мумкинлигини билиб оласиз. Бундай китоблар таркибига: Муқаддас Каломни зериктирмасдан ургатаман, Муқаддас Каломни қандай бўлса шундайлигича урганимиз, Кўринмас Олам: Илохий олам ҳақидаги дунё қарашни тиклаш, номли китоблар ўрин олган.

Хаммаларингиз менинг Очiq Китоб номли эшиттиришимга кўшилдилар деб умид қиламан. Эшиттириш номидан кўриб турганингиздек, менинг мақсадим тингловчиларга соф, расмиятчиликларсиз Инжилда ёзилган нарсаларни сизлар билан бўлишаман. Мен қизиқтирган нарса Инжил каломи, расмийларнинг фикрлари менга қизиқ эмас. Хар куни, минглаб тингловчилар Муқаддас Каломни тўғри ўқишни ўрганмоқда. Бу завқни хар бир инсон қайта қайта ўз бошидан кечирмоғи керак. Мана шунинг учун бу ишларни мен қилмоқдаман.

Ушбу сўз бошини ўқиб чиққанингиз учун раҳмат!

## КИРИШ

Худо нимани хоҳлайди?

Бу шунчаки оддий саволдек эшитилади. Аммо бироз мулоҳаза юритсангиз, у қадар оддий савол эмас.

Нимага? Чунки биринчидан, бошланишига бу саволни айнан ким бераётганини билиб олиш лозим. Одамлар уни турли сабабларга кўра бериши мумкин. Балки бу кучли оғриқни бошдан кечираётган дарғазаб одамнинг ҳайқириғи бўлиши мумкин. Балки бу чуқур қайғунинг базўр эшитилаётган пичирлашидир? Балки бу қизиқувчанликдандир? Балки, бу савол ортида нима ҳақдадир чуқурроқ фикр юритиш истаги яширингандир? Бироқ, унинг жавоби саволни *нима учун* беришларига боғлиқ эканини фахмлаш унчалик қийин эмас.

Бизнинг вазиятда бу саволни мен беряпман, уни нима учун сўраганимни эса хурсандчилик билан тушунтириб бераман. Мен бу саволга жавобни билмаганим учун бераётганим йўқ. Жавоби менга маълум. Ҳақиқатда, бу саволнинг жавобини мутлақо барча одамлар учун биламан. Худо ҳар биримизга шундай жавоб берган бўлар эди. Ва бу саволни мен айнан шундай сўрайман. Бу савол орқали сизга ўта муҳим жиҳатлар ҳақида ўйлаб кўришингизга ёрдам беришни истайман. “Худо нимани хоҳлайди” деб сўраганимда, аслида “Худо ер юзидаги ҳар бир одам учун нимани хоҳлайди”, деб сўрайман. Гап мен ва сиз ҳақингизда, менинг ва сизнинг ҳаётингиз хусусида кетганида Худо нимани хоҳлайди?

Саволга жавоб беришимдан олдин, ушбу савол диний хусусиятга эга эканини таъкидлаш муҳимдир. Одатда, Худо ҳақидаги саволлар айнан шу тоифага киради. Мен ушбу саволни сўрайман ва унга жавоб бераман, чунки Худо мен учун аҳамиятли. Жамоат кўпчиликини қизиқтирмасада, Худо кўплаб одамларни қизиқтиради. Ҳечқиси йўқ, биз Худо ҳақида фикр юритишимиз учун, жамоат ҳақида гапиришимиз шарт эмас. Мен имонлилар жамоатининг чўпони ёки руҳоний эмасман, лекин шунга қарамай, Муқаддас Китобни ўрганиб муваффақиятга эриша олдим (ҳа, бу ҳақиқатан ҳам мумкин). Бу саволни мен берар эканман, унга Муқаддас Китобга асосланган ҳолда жавоб бераман. Демак, бутун диққат-этиборимизни Муқаддас Китобга қаратамиз. Менинг мақсадим “Худо нимани хоҳлайди?”, деган саволга Муқаддас Китобга асосланган ҳолда жавоб беришдир. Энди жавобга қайтсак. Жавоби жуда оддий. *Худо сизнинг Эгангиз бўлишни хоҳлайди.*

Эҳтимол бу сизни хайрон қолдирар, эҳтимол бунга иккиланарсиз. Ҳечқиси йўқ. Лекин, айнан шу жавоб тўғри. Аммо, тўғриси айтганда, бу ҳали *тўлиқ* жавоб эмас. Ушбу жавобнинг қанчалик ҳайратланарли ва теран эканини битта



гап билан тушуниш қийин. Унинг ортида турган чексиз севгини баҳолай олиш учун эса, бизга тўлиқ матн керак бўлади. Аслида ушбу жавоб ортида узок ва ажойиб ўтмиш ётади.

Бу китоб нафақат Худо нимани хоҳлаши ҳақида, шунингдек Худо сизнинг ҳамма нарсаларни билиб олишингизни хоҳлаши ҳақида ҳамдир. Ҳа, У сизнинг Эгангиз бўлишни хоҳлайди, аммо буни қадрлай олишингиз, шунингдек Унга ҳам муносиб жавоб қайтара олишингиз учун сизга биров тугал фикр – матн керак бўлади.

Албатта, менинг вазифам ҳам шундан иборат. Келинг, Худо ҳақидаги ҳикоядан бошласак. Бу ҳикоя фожиали воқеаларга тўла бўлсада, у Худонинг сиз ҳақингиздаги (ва мен ҳақимдаги, Худога шукур) мақсадини ўзгартирмади. Ушбу ҳикояни сўзлаб берганимдам кейин, унинг муҳим қисмларини тушунтириб ўтаман. Бунинг учун бутун китобни ўқишингиз шарт эмас. Шу сабаб, сиз ашаддий китобхон бўлмасангиз, демак у сиз учун. Агар сиз фақат ўша ҳикоя баён этилган қисмнигина ўқисангиз, кириш қисмининг бошида келтирилган саволнинг жавобини топа оласиз. Лекин, менга ўқишда давом этишни хоҳлаб қоладигандек туюляпсиз. Нима бўлганда ҳам, шунга умид қиламан. Жараён қизиқарли кечади.

Бошладан олдин баъзи нарсалар ҳақида огоҳлантирмоқчи эдим. Агар сиз кўп вақтингизни имонлилар жамоатида ўтказсангиз, бу ҳикоя аллақачон менга яхши танишқу деб ўйлашингиз мумкин. Албатта, сиз унинг айрим қисмларини биласиз. Аммо сизни ишонтириб айтаманки, сизни кўплаб ажойиб сюрпризлар кутмоқда. Афсуски, ушбу ҳикоянинг мўъжизаларини кўришда айнан диний қарашлар ҳалақит беради. Баъзида ҳикоянинг ўзидан кўра имонлилар жамоатидаги айрим таълимотлар анча муҳим бўлиб қолади. Ушбу китобда бундай вазиятлардан ҳоли бўлишга ҳаракат қиламиз.

Айрим ўқувчилар Муқаддас Китоб билан таниш эканларини тахмин қиляпман. Ишонаманки, сиз янги ҳақиқатлар билан танишасиз ва билганларингиз ҳақида янгича ўйлашни бошлайсиз. Агар сиз ҳеч қачон имонлилар жамоатига бормаган ёки Муқаддас Китоб ҳақида деярли эшитмаган бўлсангиз, унда сиз – идеал китобхонсиз. Қайта ўқишингизга хожат йўқ. Сиз учун ҳаммаси янги. Нима бўлганда ҳам, Худо нимани хоҳлаши ва нима учун эканлиги ҳақидаги мароқли очилиш сизни кутмоқда.

## **1-қисм. Ҳикоя**

## ХУДО ОИЛАГА ЭГА БЎЛИШНИ ХОҲЛАДИ

Мен Худо ҳақида ҳеч қачон самодаги кўринмас Ота деб ўйламаган эдим. Худо мен учун қандайдир узоқдаги қудратли Яратувчи эди. У мен ҳақимда, шунингдек ер юзидаги барча одамлар ҳақида билади деб ҳисоблаганман, лекин айнан У биз барчамиз ҳақимизда ўйлаганини ҳатто тасаввур ҳам қилмаганман. Мен ўз хонамда ёки шунга ўхшаш қаердадир Худонинг ҳузурини ҳис қилмаган бўлсамда, Унинг борлигига ҳеч қачон иккиланмаганман. Худо менга баъзи-баъзида эътиборини(балки қийин вазиятга тушиб қолганимда) қаратадиган қузатувчидек эди. Худо мени жазолашни хоҳлайди ёки Унга ёқмайман деган фикрга бормаганман. Умуман оlanda, Худонинг борлигига ишонардим, У менга ёмонликни раво кўради, деб ўйламасдим. Худо ҳақида билганларим шу эди, холос. Бу ҳақда чуқур ўйлаб ҳам кўрмаганман.

Менинг олдимда Худо ҳақида кўпроқ билиб олиш масаласи турарди. Мен Уни изламасам, У ҳам мени изламайди деб ўйлаганман. Ўша пайтда бу ҳақда сўрашганида, мен: Худонинг бунданда муҳимроқ иши бор, деб жавоб берган бўлардим. Мен диққат қаратишга арзигулик қандайдир ўзгача (яхши ёки ёмон) иш қилганим йўқ деб ҳисоблаганман.

Мен янглишгандим. Худо мени излаган. Шунчаки мен бу ҳақда билмаганман. Энди эса, Худо мени излаганини биламан, чунки бизни излаш – Унинг табиатига хос жиҳат. У бизларга *бағишланган*.

Худонинг шундай эканини қаердан биламиз? (бу саволни кўп маротаба сўрайман, шу сабаб унга диққат қаратинг). Келинг, ўзимиздан мисол олайлик. Ўзимиз яратганларимиз ҳақида ғамхўрлик қилиш – биз учун табиий ҳолат, яъни бу табиатимизнинг бир қисмидир. Айниқса, бу ижод маҳсулимиз жиддий куч талаб қилган ёки пухта ўйланган режанинг натижаси бўлса... Кимдир қилган ишимизни, эришганларимизни ёки ихтиро қилганларимизни масҳара қилса, камситса, барбод қилса ёки ҳақ-ҳуқуқ даъво қилса, жаҳлимиз чиқиши ёки ранжишимиз табиий, албатта. Аксинча, агар ўзимизни шундай ҳис қилмасак, нотабиий, ноодатий бўларди.

Биз аслида кимдир эканлигимиз учун ҳам ўзимизни шундай ҳис қиламиз. Биз ўз-ўзимизни англай оламиз. Ҳаммамизда ички ҳаёт – ақл-идроқка таянадиган ҳаётимиз бор. Биз ақл-идроқимизни оғриқ ёки йўқотишга сабаб бўладиган ишларга эмас, балки ўзимизга хурсандчилик олиб келадиган истакларимизга эришиш учун ишлатамиз. Биз тасодифан ёки бемақсад эмас, аниқ мақсад билан ҳаракат қиламиз. Биз ўз ички сезгимиз ва ақлимизга таянамиз.

Бунга сон-саноксиз мисолларни келтириш мумкин. Ҳатто атайлабдан энг аҳамиятсиз ишни қилсак ҳам бизда қандайдир сабаб бор. Биз тишларимизни тозалаймиз, чунки унга кариес тушишини ёки оғзимиздан ёқимсиз хид келишини истамаймиз. Биз эрта тонгдан уйғонамиз, чунки ишимизни йўқотишни хоҳламаймиз (ёки чунки бизга ўз машғулотларимиз ёқади). Биз ўнг томонга юриш ўрнига чапга буриламиз, чунки бизга айнан чап томон керак. Зеро, биз доимо ўзимиз хоҳлаган натижага эришишга интиламиз, бунинг учун ўзимизни ақлсизларча тутамиз. Ҳатто, ижтимоий тармоқларда ўзгаларга мағзава тўқишдан ҳам тоймаймиз, чунки уларнинг ақлини киритиб қўймоқчи бўламиз ёки бу ишга ўзимизни бошқалардан устун ҳис қилиш учун қўл урамиз. Ҳатто қандайдир нохуш иш қилганимизда ҳам, уни фикримизда фойдали бўлади деб ўйлаганмиз. Акс ҳолда парҳез қилишга хожат борми? Биз ўз табиатимизга кўра онгсиз жонзот эмасмиз, балки мақсад билан яшаш учун яратилганмиз.

Агар инсон ҳаётида ушбу жиҳатлар бўлмаса, бу меъёрдан ташқари рухий ёки хис-туйғули ҳолатдан дарак беради.

Муқаддас Китобдаги Худо – доим мақсад қўядиган Худодир. У нимадир қилса, У буни бажарилган ишдан мамнун бўлиш учун қилади. Худо одамзотни Унга нимадир етишмаётгани учун яратмаган. У кўпчиликни қўмсайдиган ёлғизликда эмас эди. Худо нимагадир муҳтож бўлмайди, чунки У – Худодир. Агар фикрни қуйидагича ифодалаш мумкин бўлса, У Ўз қўллари меҳнатидан завқланиш учун бутун борлиқни яратди. Ва Муқаддас Китобда ёзилганидек, Худо Ўзига ўхшаш бўлган – Унинг суратига кўра яратгани ҳақида ҳаммадан ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилади (Ибтидо 1:26). Яъни, бу ерда сиз билан биз ҳақимизда гапирилади.

*Бизнинг ҳикоямиз қаердан бошланади?*

Бизнинг ҳикоямиз бу Худога Яратувчи каби мурожаат қилинадиган Муқаддас Китоб ғоялари билан бошланувчи, яъни Худо нима сабабдан биз билан муносабатга киришишга интилиши ҳақидаги ҳикоядир. Гарчи биз буни тўлиқ англамасакда, моҳият шундаки, агар Худо шу ерда бўлишимизни истаганида, биз бу ерда бўлмас эдик. Худо тасодифий тарзда иш тутмайди. У аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилади. У одамзотни яратганида Ўзида етишмаган хислатнинг ўрнини тўлдиришга интилмади. Ушбу далилдан келиб чиқиб, Худо бизларга муҳтож бўлмаган, аммо барибир бизни яратди. Худо бизларни нима сабабдан яратгани тўғрисида фақат битта оқилона сабаб бор – У биз билан завқланишни (ва биз ҳам У билан завқланишимизни) хоҳлагани сабабли бизнинг мавжуд бўлишимизни истади.

Худо бизни яратгани сабабли, Муқаддас Китоб, Уни бизнинг Отамиз деб, Одам Атодан келиб чиққан одамзотни эса, Худонинг болалари дея

тарифляпти. Мана нима сабадан Муқаддас Китоб Худони ва У билан бизнинг ўзаро муносабатларимизни тасвирлаш учун оила тилидан фойдаланади. Бу тасодиф эмас.

Мен бироз олдинга илгарилайман. Муқаддас Китобдаги оила тили учун матнни ҳақиқатан тушуниб олиш учун, Худо ерни ва одамзотни яратган даврга қайтишимиз лозим. Балки бу сизни хайрон қолдирар, аммо Худо ўшанда ёлғиз эмас эди. У бизни Ўзидаги ёлғизлик ҳиссини тинчлантириш учун яратмади. Бу ишонч ҳосил қилишимиз учун яна бир асосдир.

Муқаддас Китоб шуни ўргатадики, Худо бизларни яратишдан олдин У бошқа ақлли мавжудотларни яратган. Бу мавжудотлар Муқаддас Китобда Худо ўғиллари деб аталади. Биз эса уларни фаришталар деймиз. Эски Аҳднинг Аюб китобида, Худо дунёнинг тамал тошини қўйганда, Самовий мавжудотлар “қувончдан ҳайқирган”, дея ҳикоя қилинади (Аюб 38:4-7). Улар аллақачон иштирок этишган ва содир бўлаётган ишларни кузатиб туришган.

“Худонинг ўғиллари” ибораси ҳақида фикр юритинг. “Ўғиллар” дея таржима қилинган ибронийча сўз янада кенг “болалар (фарзандлар)” деган маънога ҳам эга. “Худонинг болалари (фарзандлари)” деган ибора нимани назарда тутаяди?

Оилани.

Болалар сўзи оила мавзусида суҳбатлашилганда ишлатилади. Аюб китоби 38-боб, 4 – 7-оятдан олинган парчада самовий ёки ғайритабиий оила ҳақида гап кетади. Худо кўринмас оламда яратган ақлли мавжудотларнинг Отаси саналади.

Худо аллақачон ғайритабиий оилага эга бўлганини англаш лозим. Бу бизга Ибтидо китобида тилга олинган илк инсонлар – Одам Ато ва Момо Ҳавони яратганда, Худо нималарни бошқараётганини тушунишга ёрдам беради. Худо ғайритабиий оилага қўшимча тарзда *одамзот* оиласига эга бўлишни хоҳлади.

Хайрон қоларли томони шундаки, Адан боғи ҳикояси бизга Худо ҳар иккала оиласи ҳам Унинг ҳузурида бирга яшашларини истаганини маълум қилади. Бу эса, одамзот ҳам бошиданоқ фаришталар сингари Худо ҳузурида бўлиш учун яратилганини англатади.

Аммо буни қаердан биламиз? (Яна ўша саволимиз). Келинг, кўриб чиқамиз.

Муқаддас Китобнинг биринчи китоби Ибтидо – яратилиш билан бошланади. Ҳикояда одамлар эслатилган вақтда (Одам Ато ва Момо Ҳаво), Худо аллақачон кўп нарсаларни яратиб бўлган эди. Ибтидо китобида Худо ўсимликларни, ҳашаротларни, кушларни, жониворларни қандай яратгани ҳақида ҳикоя қилинади. Бироқ, уларнинг биронтаси Худо билан ўзаро муносабат ўрнатишга қодир қилиб яратилмаган эди. Улар Худо билан гаплаша

олмасди. Улар ўз фикрларини Худо билан бўлиша олмас ва миннатдорликларини ифодалай олишмасди. Оила аъзолари ақлий ва ҳистуйғуда ҳам ҳамкорликда ҳаракат қилиб, ўзаро муносабат ўрната оладилар. Улар дўстона алоқани шакллантирадилар. Ўсимлик ва жониворлар қанчалик улуғвор бўлишмасин, улар фарзанд бўла олмайди. Улар оила бўла олмайдилар. Худо эса, айнан шундай бўлишини истаган эди. У Ўзига ўхшаш кимнидир яратишни хоҳлади.

### *Худонинг суратида яратилган зотлар*

Худо ер юзини турли-туман ўсимлик ва жониворлар билан тўлдирганидан сўнг, яна бир юмуш қолган эди. Худо янги жонзотни – Ўз “сурати” ва Ўзига “ўхшаш” зотни яратишга қарор қилди (Ибтидо 1:27). Айнан улар Худонинг ердаги оиласи бўлишлари лозим эди.

“Худонинг сурати” Муқаддас Китобда муҳим аҳамият касб этади. Одамлар Худога ўхшаш бўлиш учун яратилган эдилар. “Сурат” сўзи ҳақида худди феъл сўз туркумидек ўйласангиз, асосий фикрни, мақсадни тушунишингиз осон бўлади. Биз Худони намоён қилиш учун, Унинг суратидек, яъни Унинг вакили бўлиш мақсадида яратилган эдик.

Одамзот қайси маънода Худони намоён қилиши лозим? Бунга Ибтидо 1:27 – 28-оятларда жавоб берилади:

Худо Ўз суратидай қилиб яратди инсон зотини,

Эркагу аёл қилиб яратди уларни.

Худо инсонларга марҳамат қилиб, айтди: “Ували-жували бўлинглар, ер юзини тўлдириб, итоат эттиринглар, денгиздаги балиқлар устидан, осмондаги қушлару ер юзида яшовчи ҳар турли жониворлар устидан ҳукмронлик қилинглар.”

Худо Ўз дунёси ҳақида аъло даражада ғамхўрлик қила оларди. Ахир У – Худоку. Унинг учун имконсиз нарса йўқ. Бунинг ўрнига У ерда оила барпо қилишга қарор қилди. Унинг болалари У яратганлари устидан ҳукмронлик қилиб, у ерда тартиб ўрнатувчи бўладилар. Улар ўз навбатида, Худонинг амалиёт ўтовчиси ва ҳамкоридирлар. Худони намоён этиш, Унинг суратидек бўлиш, бу Худонинг ердаги вакили бўлиш демакдир. Худо Ўзи аъло даражада уддалайдиган юмушни одамзотга топширди. Фарзандлари Унинг ишларида иштирок этишини хоҳлади. Худонинг ишлари – оилавий юмушга айланди. Адан боғи нафақат Худонинг уйи, маскани, балки Худонинг ишлаш хонаси – устахонаси ҳам бўлди. Бизлар Худо билан ҳамкор бўлиш учун яратилганмиз.

Инсон зоти Худо юклаган вазифани бажара олиши учун унга керакли ҳамма фазилату қобилиятларни берди. Демак, инсон Худонинг ер юзидаги сурати

бўла олади. У одамзотга Ўзининг ажралмас хусусияти (фазилати ва қобилияти)ни, яъни ақл-идроки ёки ярата олиш иқтидорини ато этди. Муқаддас Китоб шуни ўргатадики, одам – Худонинг кичрайтирилган инъикосидир. Худо бизни худди Ўзи каби бўлишимиз, Унинг янги дунёсини бошқариш ва ғамхўрлик қилишда У билан бирга иштирок эта олишимиз учун яратди.

Худонинг сурати бир неча сабабларга кўра муҳим аҳамиятга эга. Унда ҳар биримиз айнан ўхшаш эканимизга ишончли далилни кўрсата оламиз. Худо ҳар бир одам Унга фарзанд ва ҳамкор бўлишини ният қилган. У одамларни айнан шундай деб билади. Бу эса, биз ҳам одамларни шундай деб ҳисоблашимиз лозимлигини англатади. Худо ҳар бир одамда ака-ука ва опа-синглимизни кўришимизни истайди. Биз ҳаммамиз ўша статусга эгамиз, яъни Худонинг суратига ўхшашимиз ва ҳар биримиз Унинг оиласида бўлишимизни истайди. Ирқчилик, зўравонлик, алдов ва мажбурлаш ҳеч қачон Худонинг одамзот учун тузган режасининг бир қисми бўлмаган. Буларнинг ҳаммаси исён ва гуноҳнинг даҳшатли оқибатидир. Худо одамзотни *севгани* учун гуноҳнинг бу даҳшатли оқибатларидан нафратланади. Биз руҳан ёки бошқа томондан тушкунликка тушганимизда ана шуларни ёдга олишимиз лозим.

Биз Худонинг суратида яратилганимиз учун, маълум бир мақсадга интилиб яшашимиз керак. Бу мақсад ва вазифа Худо томонидан берилган. Ҳар бир одам, у қанчалик аҳамиятсиз – ожиз ва ўткинчи бўлишидан қатъи назар, бошқалар ҳаётидаги ўз ролини адо этиши керак. Худони улуғлайдиган, Худонинг суратидаги бошқаларга эзгулик бўлиб хизмат қиладиган ҳар қандай иш – *руҳий* чақириқдир. Худонинг назарида жамоат чўпонининг, хизматчи ёки руҳонийнинг роли бошқа чақириқлардан устун эмас. Бизнинг ҳаётимиз Худонинг суратида яратилган бошқа одамлар учун баракат, яъни Худо билан уйғунликда яшашнинг ёрқин бир мисоли бўлиши ёки уларга лаънатдек таъсир қилиши мумкин. Ҳар бир ҳаракатимиз ҳар доим атрофимиздаги одамларга таъсирини ўтказди, гарчи буни англамасак ҳам.

Мана нима сабабдан кириш саволига шу тарзда жавоб бердим. Худо нимани хоҳлайди? У сизнинг Эгангиз бўлишни хоҳлайди. У оилага эга бўлишни хоҳлайди. У сиз билан ҳамкорлик қилишни хоҳлайди. Сиз аслида ким эканингизни ва нима сабабдан ҳаётингиз Худо учун шунчалик қимматли эканини кўришингизни хоҳлайди.

Бу фақат бошланиши холос. Ҳикоя ҳали тугагани йўқ. Бу дунёдаги, эҳтимол шахсий оиламиздаги ҳаёт ҳам Худонинг мақсадига мос келмайди. Тартибсизлик ва вайроналик олиб келган нимадир содир бўлди. Муаммо шунчалик катта эдики, яна биров давом этганида, Худо балки одамзоддан воз кечган бўлар эди.

## 2-боб

### ХУДО БАРИБИР ОИЛАГА ЭГА БЎЛИШНИ ХОҲЛАДИ

Мен олдинги бобда Худо одамларни Ўзининг ердаги сурати бўлиш билан таъминлагани ҳақидаги фикрни айтиб ўтдим. У буни Ўзининг ажралмас хусусияти (фазилати ва қобилияти)ни одамзотга инъом этган ҳолда амалга оширди. Албатта, буларнинг ҳаммаси ажойиб. Аммо, айнан шу ерда ҳаммаси ўта қизиқ ва ҳатто кўрқинчли бўла бошлайди. Худонинг фазилятларидан яна бири, бу эркинлик. Биз бу фазилятни кўпинча ирода эркинлиги деб атаймиз. Агарда сиз қачонлардир дунёда ёвузликнинг мавжудлиги нима билан изоҳланади деб сўраган бўлсангиз, мана унга Муқаддас Китобдан жавоб.

#### *1-ИСЁН*

Худо Ўз фарзандларига Ўзининг ажралмас хусусиятларини ато этишга қарор қилганида, бу нимага олиб келиши мумкинлигини билган. Худо ҳамма нарсадан воқиф, шу сабабдан ҳам, У нима содир бўлаётганини аниқ билган. Худо Ўзининг самовий оиласини яратганида ҳам худди шундай қарор қилган. Уларда ҳам худди шундай ақл-идрок ёки эркинликка ўхшаш қобилиятлар мавжуд. Улар бу инъомларни ўзининг Яратувчисидан олишган.

Худо инъомларининг эртами-кечми нотўғри ишлатилишини билган. Фарзандлари Ўзига ўхшаш бўлишига қарамасдан, *улар кўп жиҳатдан Унга ўхшамаслигини* Худо жуда яхши билган. Улар мавқе жиҳатидан Худодан андек паст эди. Улар мукамал эмас, Худо эса комил. Қайсидир вазиятда болаларидан биттаси (эҳтимол, битта бўлмаслиги ҳам мумкин) Худо ундан истаган (ёки истамаган)ига қарши исён кўтариб, ё даҳшатли хатоликка йўл кўяди, ё ўйламасдан худбинларча иш тутади.

Бу айнан Адан боғида содир бўлди. Одам ва Ҳаво исён кўтарди. Улар Худонинг боғдаги битта дарахтнинг мевасидан ема деган амрини бузишди. Улар гуноҳ қилди ва Худонинг ҳузуридаги абадий ҳаётдан маҳрум бўлишди. Ҳозирга қадар ҳар бир одам Адан боғидан ташқарида – Худодан узоқда дунёга келади. Бундан ҳаворий Павлус яхши хулоса ясайди: “Гуноҳнинг эвази – ўлим” (Римликларга 6:23).

Бу фожиа анча қадимда бўлиб ўтган исён сабаб содир бўлди. Худонинг самовий ўғилларидан бири Унинг одамзот оиласини яратиш қарорига ҳурмат билан қарашдан бош тортди. Бунинг ўрнига, Худо Одам ва Ҳавони йўқ қилишига умид боғлаб, у Ҳавони васвасага солди. У Момо Ҳавонинг олдида илон қиёфасида келди (Ибтидо 3:1-7). Муқаддас Китобда бу илон иблис ва



шайтон деб аталади (Вахий 12:9). У Момо Ҳавони гуноҳга етаклашнинг уддасидан чикди-ю, аммо одамзотдан абадий қутилишни уддалай олмади.

Ушбу ҳикояда чуқур ҳақиқат ётади. Эҳтимол, улардан энг муҳими – биз ҳаммамиз ҳаётимизнинг қайсидир палласида “Нима учун бу дунёда ёвузлик мавжуд?”, деган саволимиздир. Худо Ўзига ўхшаш мавжудотларни яратишга қарор қилгани сабабли бу дунёда ёвузлик мавжуд.

Мен Худонинг ёвуз тарафи бор демоқчи эмасман. Мен Худо танадан ясалган робот ёки дастурлаштирилган компьютерни яратиш фикридан воз кечганини назарда тутяпман.

Охирги фикр жуда муҳим. Биз ҳақиқатан ҳам Худога ўхшаш бўлишимиз лозим эди. Чинакам эркинликка, реал қарорлар қабул қилишга лаёқатли бўлмай туриб, Унга ўхшаш бўла олмасдик. Чинакамига эркин бўлмай туриб, Худони чинакамига сева олмасдик ва Унга итоат қилмасдик. Дастурлаштирилган қарор ҳақиқатда ҳақиқий ҳисобланмайди. Севиш ва итоатда бўлиш қарори ҳақиқий бўлиши учун ҳақиқий танлаш имконияти бўлиши лозим.

Натижада, одамлар Худо инъом қилган мўъжизавий ҳадяни суиистеъмол қилганликлари сабабли, ёвузлик мавжуд бўлди. Улар ўзларининг худбин, қасос олиш ва ҳаёлий ўз-ўзини идора қилиш истакларини қондириш учун эркинликларидан фойдаландилар. Эркинликни суиистеъмол қилиш Адан боғида бошланган эди.

Лекин Худо буларнинг ҳаммасига тўсатдан дуч келмади. У ёвузликнинг пайдо бўлишига тайёр эди. У содир бўладиган воқеаларни кўра олди ва олдиндан тайёрланди. Исён қилишсада, Худо одамларни йўқ қилиб юбормади. Аксинча, У одамзотни кечириш ва сотиб олишни ният қилди. Муқаддас Китоб бизга Худо нималар содир бўлишини билганини ва исён бўлмасидан олдин одамзотни кечириш ва қутқаришни режалаштирганини очиб беради. Аниқ айтадиган бўлсак, режа “дунё яратилишидан олдин” тайёр эди (Эфесликларга 1:4; Ибронийларга 9:26, 10:7; 1-Бутрус 1:20).

Қутқариш режаси – Худо охирида инсон қиёфасида келишини назарда тутди. Тез орада ҳикоянинг анашу қисмига ўтамиз. Бироқ, ушбу ҳодиса содир бўлишидан анча олдин, Адан боғидаги воқеа учун тўлов тўланиши лозим эди. Худо Одам Ато ва Момо Ҳавони (демак, уларнинг авлодларини ҳам) Ўз ҳузуридан ҳайдади. Шу билан, Адан боғи барҳам топди. Одамзот отаси Худо билан бирга абадий яшаш ўрнига, ўлимга маҳкум бўлди (Римликларга 5:12). Бу ҳаёт манбаи бўлган Худодан узоқлашишнинг қатъий тўлови бўлди.

Оқибатда, Худо Ўз болаларини Ўз уйидан ҳайдади. Аммо бу шайтон эришишга умид қилган мақсад – одамларни йўқ қилиб юборишдан анча яхши эди. Худо оилага эга бўлиш режасидан воз кечмади. Бироқ, исён оқибатсиз

қолмасди. Худо шунингдек, шайтонни ҳам жазолади. Худонинг дунёсига ўлимни олиб кириб, у – кейинроқ дўзах деб аталадиган ўликлар шоҳлигига (дунёсига) ҳукмдор бўлди.

*“Б” режасини тузмасдан*

Эҳтимол, сиз Худо нима учун одамзод оиласига эга бўлиш режасидан воз кечмади, деб ўйлашингиз мумкин. Ахир Худо одамга, зеро у гуноҳга етаклашини ва минг йиллар давомида одамзотга қайғу олиб келган зўравонлик, манманлик, худбинлик ва бир-бирига зарар етказа оладиган кўрқинчли ишларга олиб келишини билса ҳам, эркинлик берган эди. Ўзингиз кийналаётганингиз ёки атрофингиздаги азоб-уқубатларни кўраётганингиз учун, Худо ҳаммасини шу заҳоти шунчаки йўқ қилиб юборишини хоҳласиз.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Худо сиз ўзингизни қандай хис қилаётганингизни тушунади. У сиз кўраётган ўша ёвузликни кўради ва ҳатто ортиғи билан. Худо дунёда ёвузлик бўлишини истамайди. “Балки”, сиз “- Ахир У Худоку”, дерсиз. Наҳотки, У ёвузликни йўқ қила олмаса? Ҳаммаси биз ўйлагандек оддий эмас. Ўйлаб кўринг. Худо ёвузлик қилаётганларнинг ҳаммасини кириб ташласагина, ёвузликни дунёдан йўқ қила олади. Бошқача айтганда, Худо биз ҳаммамизни йўқ қилиб ташласагина, ёвузликка барҳам бера олади. Ҳамма гуноҳкор (Римликларга 3:10-12) ва Муқаддас Китобда ёзилганидек, ҳамма “Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир” (Римликларга 3:23). Шу сабаб, албатта Худо ҳаммасини бекор қила *оларди*. Аммо У бундай қилмайди. У одамзодни ҳаддан ортиқ яхши кўради ва шу сабаб, бу вариантни қабул қилмайди.

Ҳаммаси ажойиб ҳақиқат туфайли: Худо одамзотни яратиш нималарга олиб келишини билсада, *одамларда умуман бўлмаган ҳақиқийликдан кўра Унинг учун охирги натижа афзал эди*. Худо бизнинг дунёдаги гуноҳ ва қайғуни кўради, У буларнинг ҳаммасининг сабабини ҳам билади. Булар Унга азоб беради. Худо Ўзининг одамзот болаларини шу қадар севадики, У ҳеч қачон Ўзининг илк мақсадидан воз кечмайди. Унда “Б” деган режа йўқ. Фақат “А” режа бор холос. Худо Адан боғида содир бўладиган исённи олдиндан кўрган бўлишига қарамай, унинг ортидан келадиган ўша бузилиш ва гуноҳни – сиз ва бизнинг гуноҳимизни ҳам олдиндан кўра олди. У барибир одамзот оиласига эга бўлишни хоҳлади.

Адан боғида содир бўлгани бу фақат ҳикоянинг бошланиши холос. Худо Одам Ато ва Момо Ҳавони Ўз уйидан чиқариб юборди (Ибтидо 3:22-24). У илонни лаънатлади (Ибтидо 3:14-15) ва Ўз ҳузуридан ҳайдаб чиқарди (Ишаё 14:12-15; Ҳизқиёл 28:16). Бу билан Худо одамларга исён жазосиз қолмаслигини уқтириб кўймоқчи эди. Ҳамма бундан сабоқ олиши лозим эди, аммо ундай бўлмади. Ҳаммаси фақат ёмонлашди.

## 2-ИСЁН

Эҳтимол, сиз Муқаддас Китоб одамзот Адан боғида гуноҳ қилганидан кейин дунёга ёвузлик кириб келди деб тушунтиради, деган фикрни эшитгандирсиз. Бу фақат қисман тўғри. Адан боғидаги фожиадан ташқари, одамзотни янада бузуқилик ва тартибсизликка ғарқ қилган яна иккита ҳодиса содир бўлди.

Улардан бири Ибтидо 6:1-4-оятларда тасвирланади. Буни кўпчилик бутун Муқаддас Китобдаги энг таажжубланарли парча деб ҳисоблашади. (Ишонаверинг, мен бутун бир китобларни ушбу парчага бағишлаганман). Бу ҳикоя қуйидагилар ҳақидадир: Худонинг айрим самовий фарзандлари (Худонинг ўғиллари) Худога тақлид қилишга қарор қилиб, ўзига ўхшаган болаларни дунёга келтиришни хоҳладилар. Улар шу мақсадда одамзот аёллари (одамзот қизлари)дан фойдаланишга аҳд қилдилар. Худонинг ўғиллари ўз самовий Отаси – Худонинг рақибига айландилар. Худонинг одамларни оилага киритиш истагини қувонч билан қабул қилиш ўрнига, улар ўзларининг шахсий одамларининг хўжайини бўлишни танладилар. Бу Худонинг режасига кирмас эди. У қулларни эмас, оилага эга бўлишни хоҳлади.

Ушбу “гуноҳ қилган фаришталар” (2 Бутрус 2:4) осмон ва ер орасидаги чегарани бузишди. Улар “ўз мавқеига яраша иш тутмадилар, балки маконини ташлаб кетдилар” (Яҳудо 6). Натижада, Худо уларни тубсиз чуқурликдаги зулматга занжирбанд қилиб қўйди (2 Бутрус 2:4-5; Яҳудо 6), бироқ бу иш аллақачон амалга ошиб бўлган ва ҳалокатли оқибатларга олиб келган. Ушбу исённинг таърифидан сўнг қуйида келтирилган Муқаддас Китоб оятларини кўриб чиқинг:

Эгамиз кўрдик, ер юзида инсон зоти қилаётган қабихликлар жуда ҳам кўп экан. Уларнинг кўнглида фақат қабих ният бор экан. Эгамиз ер юзида инсонларни яратганидан пушаймон бўлди, юракдан афсусланди (Ибтидо 6:5-6).

Ўйлаб кўринг, *ҳар бир* юракдаги барча фикрлар *фақат* қабихликдан иборат эди. Худо инсон зотини яратганидан афсусланди. Бу фикрлар Уни *қайғуга солди*.

Бу бузуқилик келтирадиган ўша қайғу ва бузуқликнинг таърифидир. Биринчи ғайритабиий исён одамзотни Худо билан абадий яшашдан маҳрум бўлишига олиб келди (бунинг ўзи даҳшатли). Иккинчи исён эса, инсон зоти ўзини йўқ қилишни тезлаштирган ҳолда, гуноҳнинг оқибатларини бутунлай янги даражага олиб чиқди. Худо ҳаммаси бундай тус олганидан қаттиқ пушаймон бўлди. Инсон зоти бутунлай бузилган.

Муқаддас Китобда айтилишича, Худо бу муаммога тўфон юбориб одамзотни ер юзидан қириб ташлашдан бошқа ечимни кўрмади (Ибтидо 6:17). Шуни

таъкидлаш жоизки, тўфон ҳикояси ғазабланган Худони тасвирламайди. Фақат, У содир бўлаётган воқеалардан қайғуга ботгани айтилган холос. Худо одамзотга эркинлик беришга қарор қилган эди. Бу эркинликни шунчаки олиб қўя олмасди, чунки одам Худонинг суратида яратилган. Худо эса эркиндир. Эркинлигидан маҳрум бўлган одам Худонинг суратини тўлиқ намоён қила олмайди энди. Ҳаммасини янгидан бошлаш ва Худонинг исёнкор ўғиллари қилган ишларига чек қўйиш – бунинг ягона чораси эди.

Худо олдида фақат битта – Нух солиҳ одам эди (Ибтидо 6:9). Яхшиямки, ҳеч бўлмаганда битта одам бўлган. Худо шунга ҳам хурсанд эди. Энди, У Ўзининг одамзот учун тузган режасини амалга оширишда давом этиши мумкин.

Худо Нухга ўзи ва оиласи, шунингдек кўплаб ҳайвонлар омон қолиши учун кема (катта кема) ясашни буюрди. Аммо Худо инсон зотининг ниҳоятда бузилганига қарамай, ҳали ҳам фарзандлари У билан бирга бўлишига умид боғларди. Худо тўфонга тайёргарлик кўриш (Ибтидо 6:3) ва одамларга кутилаётган хавф ҳақида гапириб бериш учун Нухга Ўз раҳм-шафқати билан 120 йил муҳлат берди. Худо: улар ўз ахлоқсизликларидан юз ўгириб, кечирим топишларини истарди (2 Бутрус 2:5).

Бироқ, одамлар тингламадилар. Улар Худонинг марҳаматли огоҳлантиришига қулоқ солишдан бош тортдилар. Худонинг фарзандлари яна Ундан юз ўгирдилар. Уларда бундай йўл тутиш учун эркинлик бор эди. Худонинг юраги эзилгани ажабланарли ҳолат эмас. Ҳеч бўлмаганда Нух ҳали ҳам оиласи билан бирга эди. Тўфон тугагандан сўнг, Худо одам Ато ва Момо Ҳавога берган ўша амрини такрорлади (“Ували-жували бўлинглар, ер юзини тўлдиринглар”. Ибтидо 9:1). Худо ҳаммасини қайтадан бошлади. У Нух билан бутун одамзотга тарқалган аҳдини тузди (Ибтидо 9:8-17). Аҳд бу ваъда ёки қасамдир. Ушбу аҳд бир томонлама тузилган эди. Бу Худонинг одамзотни энди йўқ қилиб юбормаслик ҳақидаги ваъдасига тааллуқли эди (Ибтидо 9:11). Жуда ажабланарли, аммо Худо барибир одамзот оиласини хоҳлади.

Одамлар Худонинг марҳаматларини суистеъмол қилишда давом этишлари унчалик ажабланарли эмас, бироқ эҳтимолдан ҳам узоқ эмас. Учинчи исён тўфондан кейин содир бўлди. Ушбу исён Муқаддас Китобдаги бошқа барча воқеалар учун ҳал қилувчи роль ўйнади. Худонинг кучли ва енгилмайдиган сабр-тоқати ҳамда севгиси яна бир бор намоён бўлди.

### 3-ИСЁН

Агар сиз Одам Ато ва Момо Ҳаво, шунингдек Нух ва тўфон ҳақида билсангиз, эҳтимол Бобил минораси ҳақида ҳам эшитган бўлсангиз керак. Эшитмаган

бўлсангиз ҳечқиси йўқ, чунки имонлилар жамоатига келадиганларнинг кўпчилиги у ерда аслида нима бўлганини тушунмайдилар.

Бобил минораси ҳақидаги воқеани Ибтидо 11:1-9 да ўқиймиз. Тўфондан кейин Худо Нухнинг авлодлари кўпайиб, ер юзини тўлдиришларини истади. Улар Одам Ато ва Момо Ҳаво сингари Худонинг ҳамкасблари бўлишлари – яратилганлар ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак эди. Бунинг ўрнига улар Бобил деб аталган жойга тўпландилар ва ном таратиш учун минора қуришни бошладилар (Ибтидо 11:1-4).

Ҳикоянинг бу талқини ҳаммага таниш. Аммо унинг маъносини Муқаддас Китобнинг бошқа китобидаги нотаниш оятлардан топиш мумкин. Мана ўша оятлар:

Худойи Таоло халқларга ерни бўлиб берганда,  
Одамзотни ер юзига тарқатганда,  
Халқларнинг чегараларини,  
Илоҳий зотлар сонига кўра, белгиланди.  
Ёқуб наслини эса Эгамиз Ўзига улуш қилиб олди,  
Исроилни Ўз насибаси қилди. (Қонунлар 32:8-9)

Ушбу оятларда Бобил минорасидаги одамларнинг бошига тушган ҳукмлардан бири – одамзотнинг бўлиниб кетиши ҳақида ҳикоя қилинади. Шу пайтга қадар Худо одамзот билан бир бутундек муомала қилди. Ҳаммаси Бобилда ўзгарди. Одамлар географик ва тил нуқтаи назаридан бўлинишни бошладилар.

Бундан ҳам ёмони, Худо одамзотдан узоқлашди. Иродаси доимо эътиборсиз қолдирилишидан чарчаган Худо ер юзидаги халқларни Худо ўғилларига – Ўзининг ғайритабиий оиласининг бошқа аъзоларига топширди. Худо ўғилларининг бу гуруҳи тўфондан олдин гуноҳ қилган ўғиллардан фарқ қилади. Худо инсон зотини Ўз уйдан ҳайдаб чиқара олмади. У Адан боғида шу ишни қилган эди. Шунингдек, тўфондан кейин У одамзотни бошқа йўқ қилмасликка ваъда берди (Ибтидо 9:11), шу сабаб бу фалокат такрорланмаслиги лозим эди. У бундан ортиқ нима қила оларди? Аслини олганда, У: “Етарли! Агар Мен сизнинг Худойингиз бўлишимни истамасангиз, Мен сизларни айрим самовий ёрдамчиларим қаторига тайинлайман”, деди.

Ушбу ҳукмнинг натижаси турлича. Бунга қанча вақт керак бўлгани бизга айтилмаган, лекин Муқаддас Китобда халқлар устидан тайинланган Худонинг самовий ўғиллари ўз вазифаларини уддалай олишмагани ҳақида маълумот берилган. Улар шу қадар бузилган эдики (Забур 81:1-5), Худо уларни ҳам ҳукм қилишига тўғри келди. Бир кун келиб, Худо уларнинг боқий яшашларини тортиб олади ва яна халқларни қайтаради (Забур 81:6-8). Буни қуйидагича ифодалаш мумкин: Худонинг ихлоси қайтганидан У фарзандсиз қолди. У

одамзот оиласидан айрилди. Тамом, етарли! Худо бу фикридан воз кечди. Шундайми? Йўқ, унчалик эмас.

*Худонинг ортга чекинмайдиган севгиси*

Бобил минорасидаги фалокатдан сўнг нима содир бўлганини тахмин қилиб кўрингчи?! Худо Иброҳим исмли (олдин у Ибром деб аталган) кекса одамга зоҳир бўлди. Иброҳим Сорай исмли аёлга уйланган бўлиб, у ҳам аллақачон фарзанд кўриш ёшидан ўтган эди. Худо Иброҳим билан аҳд тузди. Худо бу кекса одамларга ўғил фарзанд кўришларини ваъда қилди. Худо мўъжиза яратди. Уларнинг ўғли Худонинг ер юзидаги янги оиласининг боши – ибтидоси бўлади (Ибтидо 12:1-9; 15:1-6; 18:1-15).

Инсониятни Ўзининг самодаги аскарлари назоратига топшириб, Худо Иброҳим билан қайтадан Ўзининг шахсий оиласини яратишни бошлади. Иброҳим Худонинг ваъдаларига ишонди (Ибтидо 15:6). У Худонинг эътиборини ўзига жалб қилиши ёки меҳрини қозониши керакмасди. Иброҳимни Худо танлади. Худо билан инсон ўртасидаги муносабатларнинг ташаббускори Худо эди, Иброҳим эса, Худонинг ваъдаларига ишонди.

Худонинг чақируви ва Иброҳимнинг ишончи билан бошланган аҳд муносабати, кейинчалик жисмоний белги – суннат билан белгиланди (Ибтидо 17:1-14; Рим-га 4:1-12). Иброҳимнинг бутун оиласи унга эргашиб суннат бўлди (Ибтидо 17:23). Ушбу белги Иброҳимнинг авлодларини Худо Ўзининг оиласи бўлиши учун танлаган халқ сифатида белгилаб қўйди. Суннат Иброҳимнинг наслидан бўлган аёллар учун ҳам белги эди. Суннат белгиси уларга Иброҳим ва Сорадан келиб чиққан халқ Худо томонидан ғайритабиий тарзда яратилганини эслатиб турарди. Шу боис, улар фақат ўз халқидан бўлган эркаклар билан турмуш қуришлари шарт эди.

Худонинг Иброҳим билан тузган аҳдига Худонинг ваъдаларига ишониш асос бўлганини англаш муҳимдир. Худо Ўзининг ҳамма қоидаларига риоя қиладиган одамни топгани учун Иброҳимга келгани йўқ. Нажот – хулқ-атворга асосланмаган. Биз нажот топишга лойиқ бўла олмаймиз. Агар имкони бўлганида, унда Худо ажойиб хулқ-атворимиз учун бизга қарздор бўлар эди. Эришган ютуқларимизга жавобан, У бизга нимадир қарз бўларди. Бу қанчалик бемаъни эканини ўйлаб кўринг. Бунинг ўрнига Иброҳим ва унинг авлодлари аҳд белгисига риоя қилган ҳолда, Худонинг ваъдаларига бўлган ишончларини намоеън қилдилар. Суннат Худога бўлган садоқатнинг ташқи ифодаси эди.

Ҳаворий Павлус Иброҳим ҳақида садоқатли имон эгасининг намунаси сифатида ёзган (Рим-га 4:1-12). Иброҳим қоидаларга итоат этишдан олдин ҳам ишонган ва Худо томонидан қабул қилинганди. Қоидаларнинг моҳияти – у нимага ишонганини кўрсатиш бўлган. Улар имонни ўзгартирмадилар. Энг

асосийси ишонч – имон эди. Ушбу имонга ва Худога садоқат ҳақида сал кейинроқ гаплашамиз. Бугун биз буни шогирдлик деб атаймиз. Имон ва садоқат – иккита ҳар хил тушунча. Улар бир-бирига боғлиқ, аммо бир хил эмас. Бу қутқарилиш ва шогирдликка ҳам тааллуқли.

Иброҳимга ўғил ато қилиш ваъдаси (ўғил орқали буюк халқ барпо бўладиган янги оила) Адан боғида содир бўлган фалокатдан кейинги иккинчи аҳд эди. Биринчи аҳд Нуҳ билан тузилганди. Худонинг одамзот ҳақидаги орзусини сақлаб қолиш учун иккала аҳд ҳам зарур эди. Худо одамзотни тарк этмади, шу билан бирга бу аҳдлар орқали инсониятга абадий ҳаётни тақдим қилди. Худо ҳақиқатан ҳам инсон зотини тарк этмади. У одамзотни севишдан тўхтаёт олмасди. У ҳали ҳам одамзот оиласини хоҳларди.

Худо Иброҳимга берган ваъдасини бажарди. Унда ҳақиқатан ҳам Сорайдан ўғил туғилди (Исхoқ. Ибтидо 17:19-21; 21:1-7). Иброҳимнинг оиласи Исроил номи билан танилади. Бу ном кўпинча Эски Аҳдда Худонинг одамзот оиласини тасвирлаш учун ишлатилган (Ибтидо 32:28; Қонунлар 32:9; Ишаё 44:1). Аммо, бошқа халқлар, яъни Бобил минораси ёнидаги исёндан кейин Худо ўғиллари деб аталган одамлар ҳақида нима дейиш мумкин? Улар Муқаддас Китобда мажусийлар дейилади. Исроил халқидан бўлмаган барча халқ ушбу қисқа атама билан таърифланади. Бобилда содир бўлган воқеаларга қарамай, Худо бу одамларни унутмади.

Худо нафақат янги халқ билан қайтадан бошлади (Исроил), шунингдек У Иброҳимга, бир кун келиб унинг авлодлари Худо бир пайтлар ташлаб қўйган халқлар учун барака бўлишини айтди (Ибтидо 12:3). Орадан кўп йиллар ўтгач, Иброҳимнинг оиласидан бўлган Исо – ер юзидаги барча халқларни Худога қайта олиб келадиган ўзгача авлод вакили бўлади (Галат-га 3:16-18, 26-29). Исо қайтиб келгунига қадар мажусийлар бошқа худоларни рад этиб, ҳақиқат Худосига ишониш ва танасига Худонинг аҳд белгисини қабул қилиш орқали Худонинг оиласига қўшилишлари мумкин.

Иброҳим давридан Исо яшаган даврга қадар кўп йиллар ўтди. Исроил – “Худо Ўзига ажратиб олган халқ” ҳақидаги воқеа (Қонунлар 32:9) ҳеч қачон ибратли бўлмаган. Улар Худонинг халқи эдилар, бироқ афсуски бахтга қарши, улар ўз Худоларига қайта-қайта хиёнат қилишди. Бундан ҳам ёмони ҳали олдинда.

### 3-БОБ

## ХУДОНИНГ ОИЛАСИ ХУДОГА ХИЁНАТ ҚИЛДИ

Муқаддас Китобда ёзилган Исроил тарихи узоқ, қарама-қаршиликларга тўла, ғалаба ва фожиали воқеаларга бой. Буларнинг барчаси Худони ажаблантирмади. У одамлардан нимани кутиш мумкинлигини биларди. У ким билан иш қилаётганини биларди.

### *Мусофирчилик*

Худо Иброҳимга авлодларининг келажаги қийин кечишини маълум қилди. У ҳақиқатни айтди. Худо Иброҳимга шундай деди: “Шуни яхши билиб қўйки, сенинг наслинг бегона юртда мусофир бўлиб яшайди. Тўрт юз йил қул бўлиб, жабр-зулм тортади” (Ибтидо 15:13). Бу ёмон хабар. Аммо Худо шу билан бирга умид ҳам берди: “Лекин Мен сенинг наслингни қул қилган халқни жазолайман. Сенинг наслинг бегона юртдан катта бойлик билан чиқиб кетади” (Ибтидо 15:14).

Ва ҳақиқатан ҳам Иброҳимнинг авлодлари, энди аллақачон набираси – Худо унинг исмини Исроил деб ўзгартирган Ёқуб бошчилигида, охир-оқибат Мисрда фиръавннинг оёғи остига келиб қолишди (Чиқиш 1). Улар у ерга очликдан қочиб, Худонинг розилиги билан келишган (Ибтидо 45:5-11). Уларнинг хатоси шундаки, улар очлик тугаганидан кейин Худо берган ерга қайтмадилар. Улар Мисрда узоқ вақт қолиб кетишди.

Мисрда яшаганларида исроилликлар сон жихатдан шу қадар кўпайган эдики, фиръавн ўз тахтини йўқотишдан қўрқиб, саросимага тушиб қолди (Чиқиш 1:8-10). Фиръавн уларни ишлашга мажбур қилди ва янги туғилган ўғил бола чақалоқларни ўлдиришни буюрди (Чиқиш 1:14-16). Аммо Худо орага тушиб, Исроилликларни янада кучли қилди (Чиқиш 1:8-21).

Исроил Мисрда тўрт асрни жуда оғир шароитларда ўтказди. Охир-оқибат Худо орага тушди ва Мусо исмли чақалоқнинг ҳаётини сақлаб қолди. Худо вазиятларни шундай тўғриладик, ушбу чақалоқ фиръавннинг уйида, шундоққина ёнида тарбия топди (Чиқиш 2:1-10). Мусо Мисрдаги энг яхши ҳаётда яшади, лекин бир куни оғир жинояга қўл урди. Ҳимоясиз исроилликнинг ёнини олиб, мисрликни ўлдириб қўйди. Мусо қонун бўйича жазо олишдан қутилиш учун Мисрдан қочиб кетди.

Мусо Мидиён деган хароба жойда янги ҳаёт бошлади. Худо уни Синай тоғи ёнида ёнаётган бутанда қарши олади. Ушбу учрашув нафақат унинг халқи, балки бутун дунё тарихини ўзгартирди (Чиқиш 3:1-5). Худо Мусони фиръавнга қарши туриш учун қайтадан Мисрга юборади. У Худонинг халқини



озод қилишни талаб қилиши лозим эди. Худо Мусони ҳимоя қилишга ва куч ато этишга ваъда берди (Чиқиш 3:16-22).

Ҳикоянинг қолган қисми дунёдаги энг машхур ҳикоялардан биридир. Ҳатто сиз Муқаддас Китобни ҳеч қачон ўқимаган бўлсангизда, эҳтимол у ҳақда эшитган ёки фильмларини кўргандирсиз. Фиръавн исроилликларни озод қилишдан бош тортганда, Худо Миср ва унинг худоларига қарши жазо юборди (Чиқиш 7-12 б). Мусо орқали Худо кўплаб исроилликларни Миср қуллигидан чиқиб кетишга фиръавнни мажбур қилди. Уларни мисрликлардан қутқариш учун Қизил денгизни иккига ажратди, чунки мисрликлар исроилликларни ўлдириш учун саҳрода қувиб етишга қарор қилганди (Чиқиш 13:17 дан 14 бобгача). Қизил денгиздан ўтиш – Муқаддас Китобдаги энг кўзга кўринган мўъжиза бўлса керак. Аммо бу хўжақўрсинга қилинган иш эмас эди. Худо одамларнинг ҳаётини сақлаб қолмоқчи эди. Худо Ўз оиласини қутқаришни хоҳлади.

### *Қонун ва садоқат*

Натижада Худо Ўз халқини Мусо билан дастлаб гаплашган жойга олиб келди. У ерда исроил халқига Қонун – Ўнта амрни берди. Улар билан аҳд тузди. Шунинг эса тутиш лозимки, Худо уларга Ўнта амрни беришдан олдин ҳам Исроил Худонинг халқи эди. Мусо фиръавнга қарши чиққан пайтда ҳам Худо бу халқ ҳақида Ўзининг оиласидек гапирган (Чиқиш 3:7, 10; 4:23; 5:1; 6:7; 7:4). Қонун Худонинг оиласида муносиб ўринга эга бўлиши учун берилмаганди. Исроилликлар *аллақачон* Худонинг оиласи эди.

Бу ҳақда батафсилроқ гаплашишимиз лозим. Бу айниқса муҳим. Исроил халқи Унинг оиласида муносиб ўринни эгаллаши учун эмас, балки улар Худонинг *оиласи таркибида бўлишни хоҳлаганларини кўрсатиш* учун, Худо Ўз халқи Исроилга қонунлар берди. Худонинг қонунларини бажариш орқали исроилликлар хиёнат этмасликлари ва бошқа худоларга сажда қилмасликларини намоён қилдилар. Агар Исроил халқи садоқатли имонли бўлишса, бу Худо уларни қолган барча халқларга “руҳонийлар шоҳлиги” сифатида хизмат қилишда ишлатишига имкон беради (Чиқиш 19:5-6). Худо бутун инсоният Унинг оиласи аъзоси бўлишини хоҳлади. У буни битта гуруҳ – Исроилдан бошлади. Агар улар садоқатли имонлилар бўлишса, бошқа барча халқларга нисбатан барака бўлишади (Ибтидо 12:3).

Ушбу аҳдни тушуниб етишда яна бир жиҳат мавжуд. Худонинг қонунлари исроилликлар шу қадар яхши бўлганликлари ва натажада Худо уларни яхши кўриб қолгани учун ишлаб чиқилмаган. Худо аллақачон уларни севар эди (Қонунлар 7:7-8). Кейинчалик исроилликлар келиб чиқадиган халқни Худо кексайиб қолган Иброҳим ва Сорайга ғайритабиий равишда ҳомиладор бўлиш ва бола туғиш лаёқатини берди. Ҳамма гап оилада эди. Исроилликлар Унинг

оиласида иштирок этишга лойиқ бўлишлари учун Худо қоидалар рўйхатини тузмади. Улар аллақачон Унинг оиласи эди. Худонинг қонунлари Унинг марҳаматига сазовор бўлиш учун эмас, аксинча Худонинг фарзандлари бошқа худоларга хизмат қилишдан сақланишлари ва бир-бирлари билан тинч-тотув, бахтли яшашларига ёрдам бериш мақсадида тузилган.

Ҳар доимгидек, Худо исроилликларни ирода эркинлигидан маҳрум қилмади. У шунчаки бошқа худоларни қолдириб, Унга – Унинг Кимлигига, уларни севгани туфайли яратган Зотга ишонишларини сўради. Исроил халқининг исталган аъзоси агар хоҳласа, Худонинг севгисидан воз кечиши мумкин. Улар ишонмасликни танлашлари мумкин эди. Улар бошқа худоларга сажда қилишни танлашлари ҳам мумкин эди. Кўриб турганимиздек, уларнинг кўпчилиги шундай ҳам қилишди.

Исроилликлар Синай тоғини тарк этишганида (Худо уларга Қонунни берган жой), Худо уларни инсон (фаришта) қиёфасида ваъда қилинган ерга (Чиқиш 23:20-23; Ҳакамлар 2:1) олиб борди. У ерга боришда одамлар доимо сув ва озиқа етишмаслигидан нолишар эди (Чиқиш 15:22-27; 16:1-30). Улар ердаги ўлим келтирувчи душман билан ўз ҳаётлари учун курашишларига тўғри келди. Худо уларни ҳалокатдан қутқарди (Қонунлар 2-3б; Ёшуа 11-12б; Забур 136:10-24; Ҳавор-га 13:19).

#### *Пастга кетиш.*

Худо исроилликларни ваъда қилинган ерга олиб борганидан сўнг, улар Худонинг севгисига бурканган, Худога бўлган садоқатлари энг юқори чўққига кўтарилган бўлиши лозим эди. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Бунинг ўрнига улар ёвузликка тўлиб яшаш яхшидир, деган қарорга келдилар. Улар бутпарастларни (бутлар ясаб бошқа худоларга сиғинадиган одамлар) ваъда қилинган ердан ҳайдаб чиқаришдан бош тортишди. Исроилликлар худди итоатсизлик ўтмишда қандай фалокатларга олиб келганини эсламагандек эди. Уларнинг садоқатсизлиги ва Худони севмасликлари маънавий бузилишга (руҳий тушкунликни) олиб келди:

Эгамизнинг фариштаси Гилгалдан Боҳимга келиб шундай деди:

Мен сизларни Мисрдан олиб чиқдим. Онт ичиб ота-боболарингизга бераман деган юртга сизларни олиб келдим. Мен: сизлар билан тузган аҳдимни ҳеч қачон бузмайман“, деган эдим. Сизларга: “Бу юрт халқлари билан аҳдлашманглар, уларнинг қурбонгоҳларини вайрон қилинглар”, деб айтмаганмидим?! Лекин сизлар амримга итоат қилмай, тескарисини қилдингизлар. Бундай қилганингиз учун юртингизда яшаб юрган бу халқларни Мен энди ҳайдаб чиқармайман. Улар сизларга душман бўлиб, уларнинг худолари сизларга тузоқ бўлади (Ҳакамлар 2:1-3).

Худо Ўз халқини... яна ҳукм қилишига тўғри келди. Аслида У: “Мен бу ердан кетаман. Мен сизлар билан бирга бўлишимни истамас экансиз, ўзингиз мустақил эплай олармикинсиз, кўрамиз”, деган эди. Биз аллақачон буни ўргандик. Илгари кўрганимиздек, Худонинг халқи ўз Худосисиз ҳеч нарсани уддалай олмайди. Ҳикояни сўзлаб берар эканмиз, Худонинг жавоби ҳам танишдек туюлади: уларни мусибатлардан қутқариш учун, У Исроилга яна ва яна қайтди. Ҳаммамиз бундай одамларни биламиз. Эҳтимол, сиз – улардан биридирсиз. Баъзида мантиқсиздек кўринсада, сиз севганингиз туфайли кимгадир ёрдам беришда давом этасиз. Агар Худонинг ишларига назар ташласак, ҳақиқатан ҳам ақлсизликдек туюлади. Лекин, Худо одамзот оиласини хоҳлайди, ҳатто улар Худони истамасаларда. Унинг севгиси мантиқий тушунчаларга ён босмайди.

Биз юқорида парчалар келтирган Ҳакамлар китоби бошдан оёқ рухий кўзғолонлар, азоб-уқубатлар (ўша кўзғолонлар келтириб чиқарган), Худога ёрдам сўраб қилинган фарёдлар ва севгиси туфайли Ўз халқига такрор ва такрор қайтгани ҳақида тугамайдиган даврни ўз ичига олади. Бу давр бир неча юз йил давомида ҳам тўхтамади. Исроил халқи руҳоний ва пайғамбар бўлган Шомуилни ўзларига подшоҳ этиб тайинлашларини талаб этганларида, бу энг авжига чиққан палла эди.

Халқ танлаган Шоул – табиий мусибат бўлганига ажабланмаса ҳам бўлади. Тожни топшириш учун танланган подшоҳни яширинган жойидан судраб чиқарилиши (1-Шоҳлар 10:22) яхшиликдан дарак бермасди. Охир-оқибат, Худо Шоулнинг ўрнига Довудни танлади. Довуднинг ахлоқи ҳақида кўплаб саволлар туғилади, аммо у Шоулдан яхшироқ эди. У ҳар доим садоқатли бўлган ва доимо Худони севган. У Худонинг айрим ахлоқ қоидаларини бузган бўлишига қарамай, у ҳар доим қилган иши учун тавба қилган ва ҳеч қачон бошқа худоларга сажда қилмаган. Шу сабаб, Худо Довудга фақат унинг ўғиллари Исроилнинг қонуний ҳукмдорлари бўлишини ваъда берди.

Ушбу ваъда Довуд сулоласининг яратилиши ҳақида эди. Худо фақат Довуднинг авлодларини қонуний подшоҳлар деб ҳисоблайди. Афсуски, Муқаддас Китобдаги Исроил тўғрисидаги ҳикояларда қонунан тахтга чиқишга ҳуқуқи бўлсада, аслида шоҳликни бошқаришга лаёқатсиз бўлган кўплаб шоҳлар ҳақида гапирилади. Худо Довуднинг кўп авлодларини олиб ташлашига тўғри келди, чунки улар бошқа худоларга хизмат қилишни танлаб, Худога хиёнат қилишди. Тўғри насабномадан ташқари, Довуд авлодидан бўлган тахт ворислари Худони севишлари лозим эди. Шу сабаб, ҳар бир подшоҳ Худо қонунининг нусхасини ёнида олиб юриши шарт бўлган (Қонунлар 17:18; 4-Шоҳлар 11:12). У садоқатли имонлининг энг яхши намунаси бўлмоғи лозим эди.

Довуднинг ўғли Сулаймон Исроил тарихидаги энг буюк подшоҳ бўлган. Афсуски, унинг ҳақиқий Худога бўлган садоқатига путур етди. У бошқа худоларга қурбонликлар келтирди ва кўплаб сиёсий никоҳлар қурди. Бу эса, Исроилда бошқа худоларга сиғинишга сабаб бўладиган эшикларни очиб берди (3-Шоҳлар 11:1-8). Бошқача айтганда, Сулаймон охир-оқибат миллатни фалокатга олиб келадиган руҳий иродасизлик ва руҳий кўзғалон кетма кетлигини бошлаб берди.

### *Сўнгги хиёнат*

Сулаймоннинг вафотидан сўнг, ўн икки қабиладан ўнтаси унинг ворисига қарши бош кўтарди (3-Шоҳлар 11:41 – 12:24). Исроил шоҳлиги географик ва насл-насаб жиҳатидан икки қисмга бўлинди. Худонинг оиласи бузилган уйга айланди, деб айтишимиз мумкин. Ачинарлиси шуки, бу даврдаги кўплаб шоҳлар ҳеч қачон Худонинг Қонунини кўрмадилар (4-Шоҳлар 22:8-13).

Бўлинган халқнинг шимолий қисми (сиёсий кўзғалон кўтарган ўнта қабила) бирданига руҳий исёнга тўлиб тошдирлар (3-Шоҳлар 12:25-33). Уларни ғайритабиий равишда бунёд қилган ва ер-мулк берган Худога ишониб, садоқатли бўлиш ўрнига, Исроилнинг аксарияти Худога хиёнат қилишди. Шу сабаб, ўша пайтда бутун мамлакат бўйлаб ваъз қилган пайғамбарлар бу руҳий исённи фоҳишанинг хатти-ҳаракатига – руҳий зинога таққосладилар. Бу ёрқин ўхшатиш эди. Шоҳликнинг жанубий қисми (иккита қабила) руҳий исёнга анча секин кўшилди. Аммо, аста-секин қилинган гуноҳ ҳам – барибир гуноҳ.

Худодан юз ўгириш ҳеч қачон яхши оқибатларга олиб келмайди. Муқаддас Китобда айтилганидек, “Гуноҳингиз ўз бошингизни ейди” (Саҳрода 32:23). Бошқа ҳолатларда бўлганидек, Худо ҳам Ўз халқига ўз эркинликларидан фойдаланишга ва унинг оқибатини ўриб олишларига имкон берди. Милоддан аввалги 722-йилда шоҳликнинг шимолий қисмини оссурияликлар томонидан босиб олинди. Оссурияликлар ўзларининг ваҳшийликлари билан ажралиб турганлар.

Бу ўхшатишлар менга ёқади, сабаби оссурияликлар шафқатсизликлари туфайли бу эътиборга лойиқдирлар. Улар ўнта қабилани оилаларини бузиб, бутун мол-мулкни тортиб олиб, қадимги дунё бўйлаб тарқатиб юборишди. Жанубий қисмдаги қолган икки қабила юз йилдан сал кўпроқ вақт ўтгач (мил.авв. 586-йилда), бобилликлар томонидан босиб олинган. Минглаб Исроилликлар мажбуран Бобилга олиб кетилган.

Келинг, самимий ёндашамиз. Агар Худо ушбу вазиятда Ўз халқини унутган бўлганида, биз уни тушунган бўлар эдик. Улар Иброҳим давридан буён минг йил давомида қайта-қайта исён кўтаришди. Улар айнан ўзларига муносиб

жавоб олдилар, деган хулосага келиш тўғри бўлади. Аммо Худо бундай иш тутмайди.

Қўлини силташ ўрнига Худо ҳали ҳам оилага эга бўлишга қарор қилди. Аммо бунинг учун Ўз халқини ва шунингдек, бошқа барча инсониятни Ўз оиласига олиб келиш учун тактикани ўзгартириш лозим эди. Худо Ўз халқи билан бир қатор аҳдлар тузди. Аммо Унинг халқи турган гапки, одамлар эди холос. Улар хато қилишади... тахмин қилиш мумкин бўлган мунтазам равишда кўп хато қилишади. Самовий мавжудотларга топширилган қолган халқлар (Худонинг ўғилларига. Қонунлар 32:8), шу вақтга қадар ўзларининг яратувчиси, Исроил Худосига душман бўлиб қолишганди. Ҳаммаси жуда чигаллашди.

Худонинг қарори икки қисмдан иборат эди. Худонинг фарзандларидан сўнггиси асирга тушганида, улар бутунлай унутилмаслигини одамларга етказиш учун Худо иккита пайғамбарни ундади (Еремиё ва Ҳизқиёл). Худо Ўз фарзандлари билан “янги аҳд” тузади. Ушбу аҳд Рухнинг келиши билан белгиланади (Еремиё 31:31-34; Ҳизқиёл 36:22-28). Янги кун яқинлашмоқда.

Аммо ушбу янги кун Худо эски аҳдларни бекор қилмасдан ёки ўзгартирмасдан туриб қандай қилиб сақлаб қолиши мумкинлиги ҳақидаги саволга жавоб бермади. Кўплаб Исроилликлар Худодан юз ўгиришди ва бошқа худоларга сиғина бошладилар. Унинг қонунларини бузиш орқали Унга беписанд қарадилар. Бу Худони қайғуга солди. У Ўз ваъдасини амалга оширишни истаганди, аммо Унинг кўплаб болалари бошқа халқларнинг худоларига сиғиниб, йўлдан оздилар.

Бу йўл ўлимга етакларди. Эсингиздами, Адан боғида содир бўлган воқеа туфайли ҳар бир одам ўлимга маҳкум ва ҳақиқий Худога юз тутмагунига қадар ҳамда Унинг севгиси ва ваъдаларига ишонмагунча абадий ҳаётга эга бўлмайди. Жуда кўплаб исроилликлар буларнинг барчасини унутишди. Одам ўз қарашларига асосланиб, Худони шунчаки танлай олмайди. Улар ҳақиқий Худога ишонишлари ва ишонишда давом этишлари лозим эди.

Исроил подшоҳлари ҳақида гап кетганда, вазият айниқса муаммоли тус олди. Худо Довудга унинг авлодлари тахтга ворислик қилишларини ваъда қилган эди. Бирок, уларнинг кўпчилиги Худодан юз ўгирдилар. Худо хиёнат ва имонсизликни эътиборсиз қолдира олмасди. Аммо, шу билан бирга, У Ўз ваъдасини ҳам бекор қила олмади. Акс ҳолда, У бошиданоқ бу ёмон фикр бўлганини тан олишига тўғри келарди. Ва албатта, ҳамма нарсани биладиган Худо ёмон фикрларга эга бўла олмайди.

Худо қандай қилиб Ўзини рад этган ва Ундан узоқлашган халққа берган ваъдаларини бажариши мумкин? Бу халқ янги юракка муҳтож эди. Улар Худонинг ҳузури уларни етаклашига муҳтож эдилар. Охириги подшоҳ ва

Худонинг мукаммал суратини намоён қила оладиган Иброҳимнинг авлоди – Довуд насли керак эди. Шунингдек, бу насл эгаси одамзотга тегишли лаънат – ўлим лаънатини йўқ қилиши лозим эди. Аммо, оддий одам ўлимни қандай енгиши мумкин? Шу билан бирга, У Худо ҳам бўлиши керак эди. Булар қандай амалга ошади? Ҳеч қандай муаммо йўқ...

## 4-БОБ

### ХУДО ЎЗИНИГ ОДАМЗОТ ОИЛАСИГА ҚЎШИЛДИ

Масихийлар Исонинг келиши ҳақида ҳаммасини билишади. У ёш ва бокира қиз Марямдан мўъжизавий тарзда туғилганини ҳам билишади (Матто 1:18-19). Охурда ётган Чақалоқ Исо кенг жамоатчиликка, айниқса Мавлуд байрами безаклари орқали жуда таниш. Кўхна, аммо ҳали ҳам машҳур бўлган Мавлуд байрамига оид айрим қўшиқлар, Исо Эски Аҳднинг Масих ҳақидаги башоратларини қандай бажо келтирганини ҳикоя қилади.

*Нафақат хоч муҳим*

Одатда, Исо охир-оқибат хочда жон бериш учун дунёга келганига урғу берилади. У орқали гуноҳларимизга кечирим оламиз, демак У орқали Худонинг оиласига қайтишимиз мумкин (Юҳанно 3:16). Бошқача айтганда, кўпчилик масихийлар Исо ҳақида ўйлаганларида, бирданига хочни эслайдилар. Аммо бу ерда нимадир етишмаяпти.

хочга ҳаддан ташқари урғу берилгани туфайли Худо Исо тимсолида инсон бўлгани ҳақидаги ҳақиқат бироз аҳамиятини йўқотади. Кўпчилик масихийлар Худо кўп сабабларга кўра инсон бўлиши зарурлигини англаб етмайдилар. Биринчидан, Эски Аҳднинг барча шартларини бажариш, иккинчидан, биз даставвал айтиб ўтган ғайритабиий исёнларнинг оқибатларини йўқ қилиш лозим эди.

Худо одамзотни йўқ қилиш ёки Ўз режасини бекор қилишдан бош тортгани сабабли, бир кун келиб одамлар У билан абадий бирга бўлишига умидвор эди. У одамларга кечирим ва Ўзи билан муносабатда бўлишни таклиф қилган ҳолда, инсониятга қайтишда давом этди. Худо одамлар бир-бири билан ва Ўзи билан уйғунликда яшаб, ишонишлари ва имонларини намоён этишларини хоҳлади. Аммо ҳар сафар Худонинг болалари Уни рад этишарди. Худо ҳар сафар: “Сиз ҳали ҳам Мен билан яшашингиз мумкин. Ишонинг ва юрагингиз қаерда жойлашганини кўрсатинг”, деганида янада ёмонлашганини ҳис қилган холос. Муқаддас Китобда бу фикр чўпонсиз йўлдан адашган қўйларга ўхшатилади (Ишаё 53:6; Матто (9:36). Жуда аниқ тавсиф.

Ўткан бобнинг охирида таъкидлаганимдек, Худонинг фарзандлари янги юракка муҳтож эдилар, сабаби Худонинг ҳузури уларга ишонишларига ёрдам беради. Уларга ўзлигидан, шунингдек уларни севадиган Худо билан абадий яшаш учун жой бўлмаган тақдирларидан қутилиш учун восита бўла оладиган нимадир керак эди. Худо берган аҳд ваъдаларини бажариши, ўлим лаънатини орқага қайтариши ва Ўз халқи имонда қолишига ёрдам берадиган йўл бўлиши лозим эди.

Худо ушбу муаммоларни ўта қатъий равишда ҳал қилди. У инсон бўлиши лозим эди. У одамзот ирқига қўшилиши лозим эди. *Айнан шу ерда Исо тарих саҳнасида пайдо бўлади.* Исо, бу инсон қиёфасидаги Худодир (Юҳанно 1:1, 14-15; Колос-га 1:15-20; 2:6-9). У барча муаммоларнинг ечими бўлди.

Фақат ўлиш орқалигина бутун инсоният учун ўлим лаънати бекор қилиш мумкин эди. Бу албатта, бундай ўлимдан кейин тирилиш бўлиши кераклигини англатар эди – буни фақат Худо амалга ошира оларди. *Исо Адан боғида содир бўлган воқеанинг ечими бўлди.*

Худонинг Иброҳим билан тузган аҳдини эслайсизми? У Иброҳим билан Сорайга ўғил ато этиш учун ғайритабиий равишда орага тушди. Бу Исроил халқининг бошланиши эди. Худо Бобилда Ўзи рад этган халқларга Иброҳимнинг авлодларидан бири барака манбаи бўлишини ваъда қилган эди. Аммо, буни оддий одам қандай амалга ошира олади? Фақат Худонинг Ўзигина бошқа халқларга барака бўлиш тўғрисидаги аҳд ваъдасини бажара оладиган Иброҳимнинг содиқ авлодига айланиши мумкин эди. *Исо Иброҳимнинг авлоди эди* (Матто 1:1; Луқа 3:34). У рад қилинган халқлар (бутпарастлар) ҳам Худонинг оиласи билан бирлаша олиши учун, уларни бошқа худолардан озод қилувчи ваъда қилинган насл эди (Галат-га 3:16-18; 26-29). *Исо Иброҳим билан тузилган аҳднинг амалга оширувчиси бўлди.*

Исо, шунингдек Довуднинг ҳам авлоди эди. Демак, шоҳлик тахтига ўтириш ҳуқуқига ҳам эга эди (Матто 1:1; Луқа 1:32; Рим-га 1:3). *Исо Довуд билан тузилган аҳднинг амалга оширувчиси бўлди.* У тўғри шажарага эга эди ва У Худога тўлиқ бағишланди. У ҳеч қачон Худога итоатсизлик қилмади. У битта ҳам гуноҳ қилмади (2 Коринф-га 5:21; Иброн-га 4:5; 1Бутрус 2:22). Исонинг бирор марта гуноҳ қилмагани – Худонинг Қонуни ва Синай тоғида тузилган аҳднинг мукамал намунаси бўлганини англатади. Исо – Худонинг мукамал сурати (2Коринф-га 4:4; Колос-га 1:15). У – Худони қандай гавдалантиришнинг намунаси ҳисобланади. Худо Исо намунасида ўрнак олишимизни истади (2Коринф-га 3:18; Колос-га 3:10). Бу кейинроқ кўришимиз мумкин бўлган шогирдлик нимани англатишининг айнаи ўзидир (1Бутрус 2:21).

Худонинг инсон бўлиши – тушуниш мураккаб бўлган фикр. Худо биттадан кўп шахс бўлгани сабабли инсон бўла олишга қодир. Худо Ўз табиати бўйича тўлиқ бир хил бўлган учта шахсдир. Ушбу учта шахсни фарқлаш учун Муқаддас Китобда Ота, Ўғил, Муқаддас Рух атамалари ишлатилган. Масиҳийлар буни Уч бирлик деб атайдилар. Ўғил Худо Исо исмли инсон бўлди (Юҳанно 1:1; 14-15). Илоҳиётшунослар буни *муҷассамланиш* дейишади. Бу атама “танада” деган маънони англатади. Исо – Ота Худо Ундан аҳдларни бажаришини кутиши мумкин бўлган ягона одам эди.



Юқорида мен сизларга Худо “дунё яратилишидан олдин” одамларни Ўз оиласига қайтариш учун Ўғлини юборишини билганини эслатиб ўтгандим (Эфес-га 1:1-14; 1Бутрус 1:20). Ҳайратланарли томони шундаки, Ўғил – инсон бўлишга, азоб-укубатларни бошдан кечиришга ва Худонинг одамзот оиласига эга бўлиши учун ўлишга тайёр бўлган. Ушбу суҳбат Янги Аҳддан олинган парчада қуйидагича тасвирланган:

Шунинг учун Масих дунёга келганда Худога шундай деган эди:

Сен қурбонлигу назр истамадинг,

Куйдириладиган қурбонлик ҳамда

Гуноҳ қурбонлигидан мамнун бўлмадинг,

Итоат қилишим учун Менга бадан ҳозирладинг.

Ўшанда дедимки: - Мана Мен келдим.

Муқаддас Битикларда Мен ҳақимда ёзилган.

Сенинг хоҳишингни адо этиш учун келдим, эй Худойим (Ибр10:5, 7).

Ўғил Худо Исо бўлиб туғилишга тайёр бўлгани қандай яхши. Нафақат аҳдлар хавф остида эди, ғайритабиий исёнлар натижасида юзага келган азоб-укубатлардан халос бўлиш ҳам хавф остида эди. Ушбу исёнлар Худонинг мужассамлашишини тақозо қилганини англаб етишимиз лозим. Худо Ўзининг одамзот оиласига қўшилгани сабабли, энди Рух ҳам ер юзига туша оларди.

*Фақатгина гуноҳни йўқ қилди, балки бизни Худо билан яраштирди.*

Худо Исо тимсолида инсон бўлганлиги сабабли, У ўлишга қодир эди. Бу жуда муҳим, чунки ўлимни фақат тирилиш билангина енгиш мумкин эди. Ўлмайд туриб тирилиб бўлмайди. Исо ҳам Худо бўлганлиги сабабли, У Ўзини ўликдан тирилтириш кучига эга эди (Юҳанно 10:17:18). Исонинг ўлими Худо томонидан режалаштирилгани сабабли, У дунё яратилишидан олдин Исони ўликдан тирилтиришини билган (Ҳаворийлар 2:23-24, 32; 3:15;10:40; Галат-га 1:1).

Тирилиш сабаб биз билан Худо орасидаги масофа енгиб ўтилди. Ўлим устидан ғалаба қозонилди. Бу Адан боғидаги исённинг оқибатидир. Шайтоннинг васваси туфайли юзага келган Одам Ато ва Момо Ҳавони

нинг муаммолари ҳал этилди. Исонинг ўлгани ва қайта тирилгани туфайли гуноҳларнинг кечирилиши ва абадий ҳаётга эришилганига ишонган одамларнинг ҳаммаси Худонинг оиласида абадий бўладилар (Рим-га 4:16-25; 8:10-11; 10:9-10; 1Коринф-га 6:14).

Исо ўликдан тирилганидан сўнг осмонга кўтарилди. Исо самога кўтарилгач, Ота Худонинг ҳузуридаги тахтини эгаллади (Марк 16:19; Юҳанно 20:17; Колос-га 3:1; Иброн-га 12:2). Шундан сўнг, Муқаддас Рух имонлиларда яшаш учун тушиши мумкин эди (Ҳавор-га 2:33; Рим-га 8:9-11). Муқаддас Рух келиши учун Исо кетиши лозим эди (Юҳанно 14:25-26; 15:26;16:7; Луқо 24:49).

Еремиё ва Ҳизқиёл пайғамбарлар томонидан баён этилган Муқаддас Рухнинг келиши – Янги Аҳднинг амалга ошиши эди (Еремиё 31:31-34; Ҳизқиёл 36:22-28). Ушбу Рух бузуқлик устидан ғалабани таъминлайди (Галат-га 5:16-17) ва Унинг ишлари Исоникига қараганда “кўпроқ” бўлади. Исо Ўзининг ўлими ва тирилиши Янги Аҳднинг бажарилиши учун калит бўлишини билар эди. Шунинг учун, Исо охирги кечада шогирдларига Унинг қони улар учун тўкиладиган “аҳд қони” эканини айтди (Матто 26:28; Марк 14:24; Луқо 22:20). Исо осмонга кўтарилиб, Муқаддас Рух ерга тушганидан сўнг, инсоният бундан кейин бузуқликка қарши ожиз бўлмайди.

Хулоса шуки, Худо инсоният оиласи билан боғлиқ барча доимий бузуқлик ва қаршилиқ кўрсатиш каби муаммоларга ечим топа олиши учун, У инсон бўлиши ва аҳднинг барча шартларини бажариши лозим эди.

Ушбу китобдаги биринчи саволим ҳақида ўйлаб кўринг: Худо нимани хоҳлайди? У сизнинг Эгангиз бўлишни хоҳлайди. Гуноҳ ва ўлим муаммосини бартараф этиш, инсоният билан тузган аҳдларини рўёбга чиқариш ва сизни абадий уйингизга қайтариш учун, Исо шахсидаги ягона Ўғлини ер юзига юборди. Худо одамзот оиласига кўшилди. Бошқа йўл йўқ эди. Хушхабарнинг хулқ-атворга, Худонинг севгиси ва нажотига лойиқ бўлиш учун ҳаракат қилишга ҳеч қандай алоқаси йўқлигининг кўплаб сабаблари бор. Бу улардан энг муҳими саналади. Бизнинг мукамал бўлмаган хулқ-атворимиз талабга жавоб бера олади, деб ўйлаш ақлсизликдир. Агар биз нажотга лойиқ бўлсак, унда Исонинг келиши, ўлиши ва ўликдан тирилишига ҳожат йўқ эди.

*Шайтон ва унинг малайлари: ақлсиз ва янаям ақлсизроқми?*

Ушбу ҳикоядаги яна бир муҳим тафсилотни ўтказиб юборманг. Эҳтимол, бу саволни бергандирсиз?! Мен бу саволни бир неча маротаба сўраганман. Агар Масиҳнинг ўлими ва ўликдан тирилиши илон (*шайтон*) қилган ишнинг оқибатларини йўқ қилган, бу дунёни камраб олган ёвузликни тўхтатган, бошқа халқларнинг исёнкор худоларидан ҳокимиятни тортиб олган бўлса, *унда нега шайтон ва бошқа ёвуз руҳлар Исони ўлдирдилар?* Бу очикчасига қилинган аҳмоқона ҳаракатдек туюлади.

Ўйлаб кўринг. Худонинг ҳамма режаларининг калити – Исонинг ўлими эди. Негаки, ўлимни йўқ қиладиган тирилиш содир бўлиши учун ўлиш лозим эди.

Исо Ўз вазифасини адо этмагунча, Ота Худо олдига қайта олмасди, демак одамзотнинг бузуқлигини тартибга солиш учун Муқаддас Рух ҳам кела олмасди. Агар шайтон ва зулмат кучлари Исони шунчаки ўз ҳолига ташлаб кўйганларида, *Худонинг режаси амалга ошмаган бўлар эди*. Нима, улар ғайритабий аҳмоқларми?

Мен бу ҳақда кўп мартаба айтиб ўтдим. Бу ҳақиқатда қизиқарли савол. Унга Янги Аҳддан жавоб топамиз. Ҳаворий Павлус Исо Масих ҳақидаги Хушхабарни ваъз қилганда, шундай деган:

Биз Худонинг пинҳон тutilган сирли донолиги ҳақида гапирамиз. Бу донолиги билан Худо дунё бино бўлишидан аввалроқ биз учун нажот режасини тайёрлаб кўйган эди. Унинг мақсади бизни Ўз улуғворлигидан бахраманд қилиш эди. Бу дунёнинг ҳукмронлари Худонинг донолигини тушунмадилар. Тушунганларида эди, улуғвор Раббимиз Исони хочга михламаган бўлардилар (1Коринф-га 2:7-8).

Рухий оламдаги ёвуз мавжудотларни тасвирлаш учун Павлус бошқа қисмларда “ҳукмрон” сўзини ишлатган (Эфес-га 3:10, 6:12; Колос-га 1:16). Ушбу матннинг маъноси оддий: *шайтон, жинлар ва Худонинг исёнкор ўғиллари Худонинг режаси нимадан иборат эканини билишмаган*. Албатта, улар Исо хизматининг бошиданок, Унинг Кимлигини билишарди. Улар Исони “Худонинг Ўғли” ва “Улуғворнинг Ўғли” деб аташган (Матто 4:1-11, 8:29; Марк 1:12-13, 21-24, 3:11; Луко 4:1-13, 31-37, 8:28). Худо Адан боғида бўлгани каби, Унинг оиласи У билан бирга ҳукмрон бўлишини ҳали ҳам хоҳлагани Эски Аҳдда аниқ равшан кўрсатилган. Шайтон ва унинг шериклари Исо айнан шу мақсадда келган, деб фаҳмлаган бўлишлари мумкин. Аммо, улар Исо буни айнан қандай амалга оширишини тушунмадилар. Уларнинг фикрича, бу вазиятда Исони ўлдириш – мантиқан тўғри эди. Бироқ, ҳаммасининг калити ҳам шунда эди. Худо уларни аҳмоқ қилди.

Худо Ўзининг барча ғайритабий душманларига қараганда қанчалар доно эканига ҳозир кулиб кўйиш осон. Аммо, энг муҳимини унутмайлик. Худо шайтон ва жинларни аҳмоқ қилиш учун одамзот оиласига кўшилмади. Худо буни сиз ҳам Унинг оиласи аъзоси бўлишингизни хоҳлагани учун қилди. Худого бошқа сабаблар керакмас. Шу етарли.

Аммо бу ҳикояда яна нимадир бор. Исо Ўз вазифасини бажарди. Энди, Муқаддас Рухнинг вазифасини батафсил кўриб чиқишимиз лозим. Бу оддий, шу билан бирга ўта муҳим мавзу, яъни Худонинг оиласига иложи борича кўпроқ одамларни қайтариш бизнинг Худонинг ёрдамчилари сифатидаги вазифамизга боғлиқ.

## 5-БОБ

### ХУДО ЎЗ ОИЛАСИГА ЭРИШАДИ

Олдинги бобда таъкидлаб ўтганимдек, Муқаддас Рухнинг тушиши Еремиё ва Ҳизқиёл пайғамбарлар тасвирлаган Янги Аҳднинг амалга ошиши эди (Еремиё 31:31-34; Ҳизқиёл 36:22-28). Ҳар бир имонли кишидаги Муқаддас Рухнинг хизмати бузуқлик устидан ғалаба қозониш имконини берди. Бу ҳақда гўё, Худонинг бузилган ўғиллари юзига тарсаки туширилган, деб ўйланг. Буларнинг барчаси ғайритабиий ёвузларнинг бошқа гуруҳига қарши янада катта хужум эди.

Муқаддас Рухнинг бостириб кирган жой, Худо ажратиб ташлаган халқларни хукмрони бўлган илоҳ ўғилларининг худуди бўлиб – ғайритабиий худудга хужумкор ҳаракатни бошланишини англатади (Қонунлар 32:8). Улар Худога бўйсунидан бош тортган илоҳий мовжудодлар бўлиб, ўз хукмронлиги остидаги одамларга зулм қилишадилар (Забур 81).

Исо буларнинг ҳамасини билар эди. Тирилишдан кейинги воқеаларни тасвирлайдиган Янги Аҳд китобларини ўқиётганимизда (Ҳаворийлар китобидан Ваҳий китобигача) бу фикрни қайта-файта ўтказиб юборамиз.

*Интиҳонинг ибтидоси.*

Исонинг самога кўтарилиши Муқаддас Рухнинг тушишини англатган (Юҳанно 14:26, 15:26, 16:7; Луқо 24:49). Ўликдан тирилган Исо ҳали ҳам ер юзида бўлганида, У Ўз издошларига Муқаддас Рухнинг тез орада келишини айтади.

- Исо Ўз ҳаворийлари билан дастурхон атрофида ўтирар экан, уларга шундай амр берди: “Қуддусдан кетиб қолманглар, Осмондаги Отамнинг берган ваъдаси бажо бўлишини кутинглар. Бу ваъда ҳақида олдин ҳам сизларга айтган эдим. Яҳё одамларни сувга чўмдирар эди, сизлар эса яқин кунларда Муқаддас Рухга чўмдириласизлар... Аммо Муқаддас Рух сизларни қамраб олганда, куч-қудратга тўласизлар. Қуддусда, Яхудия ва Самарияда, ер юзининг ҳамма бурчакларида сизлар Менинг шохидларим бўласизлар” (Ҳавор-га 1:4-5, 8).

Ҳаворийлар китобини ўқишда давом этсак, Исо нима содир бўлишини олдиндан айтиб ўтгани аён бўлади. У кетганидан сўнг (Ҳавор-га 1:9-11), кейинги бобда Муқаддас Рух шон-шухрат оловида тушиб келади.

Ҳосил байрами куни келганда, ҳамма имонлилар бир жойда йиғилдилар. Бирдан осмондан шиддатли шамол эсанга ўхшаш овоз келиб, улар ўтирган уйнинг ичини тўлдирди. Улар тил шаклидаги алангани кўрдилар. Ўша аланга ёйилиб, ҳар бирининг устига тушди. Шунда ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлдилар, Муқаддас Рух берган қобилиятга кўра, улар бошқа тилларда гапира бошладилар (Ҳавор-га 2:1-4).

Кейинчалик, Муқаддас Рух Исонинг издошларига турли тилларда гапириш қобилиятини қандай бергани ҳақида гапирилади. Улар бутун дунёдаги яҳудийларга Исо тўғрисида, Унинг ўлими ва қайта тирилгани ҳақида гапириб бердилар. Дунё аҳолиси Эски Аҳд даврида тарқалиб кетган исроилликларни “Яҳудийлар” деб атардилар. Исонинг издошларининг ваъзларини ўз тилларида эшитган яҳудийлар Эски Аҳд давридаги исроилликларнинг авлоди эди. Улар қадимги Исроилнинг диний тақвими бўйича муқаддас байрамларни нишонлаш учун Қуддусга келгандилар.

Исонинг издошларини билган Қуддус аҳолиси содир бўлаётган воқеаларни мастликдаги жиннилик деб ўйлашди. Улар учун бу одамларнинг тўсатдан бошқа тилларда гапира бошлаши имконсиздек туюлди. Аммо кейин ҳаворий Бутрус ҳаммасини тушунтириб берди. Ҳатто кўпроғини ҳам – улар ҳақида ўйлаган ҳамма нарсани айтди:

...Эй яҳудий биродарлар, Қуддус аҳолиси! Гапимга кулоқ солиб, шуни уқиб олиглар! Бу одамларни сизлар маст деб ўйлаяпсизлар, аммо ундай эмас. Ахир эндигина эрталаб соат тўққиз бўлди-ку! Аксинча Йўэл пайғамбарнинг айтганлари бажо бўлмоқда: “Худо айтмоқда: Охирги кунларда, Ўз Рухимни ёғдираман ҳар бир инсон устига, Ваҳийлар келади йигитларингизга. Башоратлар қилар сизнинг ўғил-қизларингиз. Кароматли тушлар кўрар қарияларингиз. Ўз Рухимни ёғдираман ўша кунларда Ҳаттоки қулу чўриларингиз устига. Улар башорат қиларлар. Менинг буюк ва даҳшатли куним келишидан олдин, Мен осмонда мўъжизалар яратаман, Ерда аломатлар кўрсатаман: Қон, олов, қалин туман ҳосил қиламан. Қуёш қораяди, ой қон тусига киради. Раббимизга илтижо қилган ҳар бир инсон қутқарилади.” Эй Исроил халқи, бу гапларимни эшитиб олинглар: Носиралик Исо орқали Худо сизларнинг орангизда мўъжизалар ва аломатлар кўрсатади. Шу йўл билан Исода илоҳий ҳоқимият борлигини Худо тасдиқлади. Буни ўзларингиз биласизлар. Худо Ўзининг режаси бўйича Исони сизларнинг қўлингизга топширишни азалдан қарор қилган эди. Сизлар эса ғайрияҳудийларнинг қўллари билан Уни хочга михлатиб ўлдирдингизлар. Аммо Худо Уни тирилтириб, ўлим азобларидан озод қилди. Ўлим ўз кучи билан Исони ушлаб туришга қодир эмасди... Худо Исони юксалтириб, Уни тахтининг ўнг томонига ўтказди. Отаси Худонинг ваъдаси бўйича Исо Муқаддас

Рухни қабул қилиб, Уни бизнинг устимизга ёғдирди. Буни ўзларингиз кўриб ва эшитиб турибсизлар (Ҳаво-га 2:14-19, 21-24, 33).

Бутрус уларнинг кўзлари билан кўрганлари ва кулоқлари билан эшитганлари Худонинг Муқаддас Рухининг мўъжизавий келиши эканини айтди. У нима содир бўлганини айтиб бериш учун Худо Ўзининг Рухини юборганини айтди. Масиҳ келди, ўлдирилди, ўликдан қайта тирилди ва энди улар ишонишлари лозим. Бутрус тушунтирган гапларнинг таъсири ҳайратланарли эди. Уч мингта одам кечирим олиш учун “Раббимизнинг исмини чақиришди” ва нажот топишди (Ҳаво-га 2:41).

Айнан шу пайтда воизлар хоч ҳақида гапира бошлайдилар. Буларнинг ҳаммаси яхши албатта, хоч ва тирилиш шунга олиб келади. Лекин, биз ушбу ҳикоядаги энг муҳим жиҳатни яна бой беряпмиз.

*Ғайритабиий бостириб кириш.*

Эътибор қилинг! Ҳаворийлар китобининг 2-бобида содир бўлган воқеалар Муқаддас Рухнинг тушиши билан боғлиқ эди. Муқаддас Рухнинг тушиши Янги Аҳднинг муҳим таркибий қисми – Худо томонидан инсониятга берилган янги ваъдалар эди. Кўпчилик масиҳийлар Худо шу вақтнинг ўзида Исони рад этган яҳудийларнигина эмас, балки шунингдек, Бобил минораси ёнидаги воқеалардан кейин Худо рад этган халқлар – ғайрияхудийларни ҳам қайтариш учун рухий жанг бошлаганини англамайдилар. Унинг болалари қаерда бўлишлари муҳим эмасди, *Худо Ўз оиласини изларди*. Уларни топиб, қайтаришни хоҳларди.

Биз ҳозиргина ўқиган Ҳаворийлар китобининг 2-бобида Муқаддас Рухнинг шамол ва аланга билан тушиши ҳақида ҳикоя қилинади (Ҳаво-га 2:2-3). Эски Аҳдда Худонинг ҳузури ҳақидаги ваҳийда олов ва бир парча тутун тез-тез учраб туради (Чиқиш 13:21-22; Ҳизқиёл 1:4, 13, 27). Баъзида Худо “бўрон”да тушган (Ишаё 6:4, 6; Ҳизқиёл 1:4, Аюб 38:1, 40:6). Бутруснинг ваъзини эшитган ва Муқаддас Рухнинг тушиб келишини ўз кўзлари билан кўрган яҳудийлар кутқарилиш – нажот куни келганини билишди.

Ўша пайтда нима содир бўлгани ҳақида ўйлаб кўринг. Ота-боболари тарқалиб кетган халқлар орасида яшайдиган уч мингта яҳудий диний байрам туфайли Қуддусга келганди. Улар Муқаддас Рухнинг тушиб келганининг гувоҳи бўлдилар, Исо Масиҳ ва Унинг амалга оширган ишлари тўғрисида эшитдилар. Улар Исога имон келтирдилар. Улар масиҳий – Исонинг издошлари бўлдилар. Сизнингча, улар кейинчалик нима қилишди?

*Улар уйларига қайтишди*

Бу нима учун шу қадар муҳим? Чунки, ханузгача йўқолган халқлар орасида уч мингта Хушхабарчи пайдо бўлди. Улар душман худудига киритилган бошқа

худоларнинг назорати остидаги махфий айғоқчилардек эди, гўё. Улар одамзот оиласини кенгайтиришда Худонинг дастлабки воситачиси эдилар. Улар биринчи тўлқин эди. Уларнинг вазифаси нимадан иборат эди? Уларнинг вазифаси ҳам Исо Ўз шогирдларига берган топшириқ билан бир хил эди: Буюк топшириқ. Масиҳийлар қуйидаги оятларни яхши билишади:

Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдириглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Зотан, Мен ҳар доим, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан (Матто 28:19-20).

Аммо, яна нимадир етишмаяпти. Албатта, бу Буюк Топшириқ. Аммо, мен 18-оятни ўтказиб юбордим, бу бизнинг Хушxabарчилик вазифамиз ҳақида гап кетганида, одатда эътибордан четда қоладиган оят ҳисобланади. Мана, Исонинг ўша сўзлари (энг муҳими ажратиб кўрсатилган):

Исо келиб, уларга деди: **Еру осмондаги бутун ҳокимият Менга берилган.** Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдириглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Зотан, Мен ҳар доим, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан (Матто 28:18-20).

Тушуняпсизми? Исо *ердаги* ва осмондаги барча ҳокимиятни назарда тутяпти. “Осмондаги ҳокимият” иборасини тушуниш анча осон. Исо осмонга кўтарилди ва Худонинг ўнг томонига (Колос-га 3:1; Иброн-га 12:2). Аммо “ердаги ҳокимият” нимани англатади? Иборанинг манабу қисмини тушуниш унчалик осон эмас. Исонинг тирилганидан кейин самога кўтарилиши – шу кунга қадар ер юзида ҳокимиятга эга бўлганларнинг ҳокимияти тугаганидан далолат беради. Улар кимлар эди? Уларнинг ҳаммаси ўша – Худо уларни рад этганда халқлар устидан ҳоким қилиб тайинланган Худонинг бузилган ўғиллари эди (Қонунлар 32:8).

*Бу ерда бўлишга ҳаққингиз йўқ*

Буларнинг барчасининг маъноси қуйидагича: Исонинг ўликдан тирилиши ва осмонга қайтиши – Худонинг исёнкор ўғилларининг ҳокимияти энди йўқ қилинганини англатади. Уларда энди ушбу халқ одамлари устидан ҳукмронлик қилишга қонуний ҳуқуқ йўқ. Масиҳ Иброҳим ва Довуднинг авлоди бўлсада, нажот фақат Исроил халқига тегишли эмас. Исо – барча учун Масиҳдир ва барча халқлар учун қонуний Худодир. Тирилиш, осмонга кўтарилиш ва Муқаддас Руҳнинг тушиб келиши – Худонинг бузилган ўғиллари учун охиратнинг бошланганини англатади. Улар ўз ҳуқуқларидан маҳрум бўлишди.

Мана, нима сабабдан Янги Аҳд тирилиш ва осмонга кўтарилишни зулматнинг ғайритабiiй кучлари устидан ғалаба қозониш билан боғлайди. Худо “Исони ўликдан тирилтирганда” (Колос-га 2:12), нафақат бизнинг гуноҳларимиз кечирилди (Колос-га 2:13-14), шунингдек Исо ҳокимият кучларини ва ҳокимиятни олди, улар устидан ғалаба қозониб, уларни қатъият билан шармандаликка йўлиқтирди (Колос-га 2:12). Эски Аҳд даврида халқларнинг ёвуз худоларига айланган, Худонинг бузилган ғайритабiiй (самовий) ўғилларига нисбатан Павлус қўллаган “бошлиқлар ва ҳокимиятлар” атамалари эсланг (Рим-га 8:38; 1Коринф-га 15:24; Эфес-га 1:21, 2:2, 3:10, 6:12; Колос-га 1:13).

“Бошлиқлар ва ҳокимиятлар”, бу зулматнинг забт этилган кучини тасвирлашда ҳаворий Павлуснинг ишлатадиган севимли ибораси. Ўликдан тирилгандан сўнг “Осмонга кўтарилган, Худонинг ўнг томонида ўтирган, фаришталар, ҳокимиятлар ва кучлар таслим бўлган” Зот ўша – Исодир (1Бут 3:22). Худо Исони тирилтириб, Уни Ўзининг ўнг томонига ўтказганида, Исо нафақат бу асрда, балки келажакда ҳам бошлиқлар, ҳокимиятлар ва кучлардан “устун” бўлди (Эфес-га 1:20-21). Исо келгуси асрда “ҳар қандай ҳокимиятни, ҳукмронлик ва қудратни барбод қилиб, салтанатни самовий Ота – Худога топширади” (1Коринф-га 15:24).

Павлус тирилиш ва осмонга кўтарилишни бир вақтлар халқлар топширилган Худонинг бузилган ўғиллари учун гўё охиратнинг бошланиши деб билган. У шунингдек, бу фикрни шу халқдан бўлган мажусийларнинг нажот топиши билан ҳам боғлагани ажабланарли эмас. Исонинг тирилгани ва Муқаддас Рух – мажусийларни қийнаб қул қилган зулмат кучларининг ҳукмронлигидан озод қилади (Забур 81:2-5).

Бобилда халқлар бўлиниб кетганидан кейин Худо Иброҳимга қандай зоҳир бўлганини эсланг. У Иброҳимга бир кун келиб, у ва унинг авлоди орқали барча халқлар марҳаматга эга бўлишларини айтган эди. Ғайрияҳудийларнинг ҳаворийси Павлус ушбу ваъдани яхши билган. Павлус ғайрияҳудийлар Худо раҳм-шафқат қилгани сабабли Худони улуғлашлари учун Исо, Иброҳим ва унинг авлодларига – “ота-боболаримизга берган ваъдасини бажарди”, деб ёзади (Рим-га 15:8-9).

Аммо, Павлус ҳали тугатмади. Худо ғайрияҳудий халқлардан воз кечмаганини кўрсатиш учун, у Эски Аҳддан парча келтиришни ёқтиради. Павлус дастлаб, улар Худонинг оиласида бўлишларини истади. У Эски Аҳдда “Эссайнинг томири” (Эссай шоҳ Довуднинг отаси бўлган) деб аталадиган Масих “халқлар учун байроқ каби бўлади, (Унга) ғайрияҳудийлар мурожаат қилишини” билар эди. Павлус ташлаб кетилган



халқлар бир кун келиб ҳақиқий Худога сажда қилишларини билар эди (Забур 116:1).

Ёвуз кучларга қарши ҳарбий гуруҳ Муқаддас Рух тушиб келганда ва уч мингта одам Исога имон келтирганда бошланган эди (Ҳавор-га 2-боб). Ўша одамлар ўз юртларига қайтдилар. Ғайритабиий кучларнинг адовати ҳукмронлиги остида бўлган халқларга Исо ҳақида Хушхабар келди. Муқаддас Китобда, бу Худо Шоҳлигининг кенгайиши сифатида тасвирланади. Одамлар абадий ҳаётни таклиф қила олмаган ёвуз, бузилган худолардан қайтарилди, одамлар Худо оиласининг аъзоси бўлишганида Худонинг Шоҳлиги кенгайди. Бир шоҳлик борган сари кичрайиб, иккинчиси кенгайиб бормоқда.

Худонинг Шоҳлиги қайсидир маънода алақачон шу ерда... лекин бошқа маънода, у ҳали йўқ. Худо бир лаҳза ҳам Ўзи севган ва хоҳлаган болаларини излашдан тўхтагани йўқ. Унинг кўринмас қўли ҳамма жойда, ҳар қандай вазиятда ҳозир. У оиласи ўсиб бориши учун Ўз фарзандларига таъсир ўтказди ва куч беради. Бир кун Худонинг режаси тўлиқ амалга ошади. Ҳаммаси ижро этилади. Муаллифнинг бошиданок ўйлаган барча ниятлари ҳикоянинг охирида амалга ошади.

## 6-БОБ

### ХУДО ЎЗ ОИЛАСИ БИЛАН АБАДИЙ БИРГА

Олдинги бобни айрим аниқ ҳақиқатларни тушунтириш билан якунладим. Масиҳ тирилди. Унинг хочи ва тирилишини нажот топишнинг ягона йўли, деб ишонганларнинг барчаси абадий ҳаётга эга бўлади. Аммо, биз аллақачон Масиҳ Шоҳлигининг аъзоси бўлсакда (Колос-га 1:13), бу Шоҳлик ҳали тўлиқ ва тугалланган ҳолда келгани йўқ.

Шайтон мағлубиятга учради ва йўқ қилинди. Худонинг бузилган бошқа ўғиллари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ғалаба аллақачон рўёбга чиқмоқда, шундай бўлсада, у ҳали тўлиқ амалга ошмади. Шайтонда ҳуқуқ йўқ, Худо Шоҳлигининг фуқаролари устидан ўлим ҳоким эмас. Биз Исо орқали Худога тегишлимиз, Исо эса Ўзи ва Ота Худо билан абадий ҳаётда тирилишимиз учун ўлим устидан ғалаба қозонди (Рим-га 6:8-9, 8:11; 1Коринф 6:14, 15:42-49). Шунга қарамай, “ҳавода ҳукмронлик қилувчи ҳукмдор, ҳозирги кунда итоатсиз ўғилларда ҳаракат қиладиган рух” (Эфес-га 2:2) ҳали ҳам тирик ва соғлом.

Зулмат кучлари ҳам ўз тахтларидан ағдарилди. Аммо улар таслим бўлмадилар. Улар мағлубиятга учраган жангда курашяптилар, қаршилик кўрсатяптилар. Исо орқали Худо томонидан таклиф этилаётган нажотни қабул қилган ҳар бир инсон “зулмат ҳукмронлигидан қутқариб, севикли Ўғлининг Шоҳлигига қабул қилди” (Колос-га 1:13). Худонинг Шоҳлиги кенгайиши билан зулмат шоҳлиги кичраяди.

Келажакка интилиш ўрнига ҳали ҳам ер юзида мавжуд бўлган бу дунёнинг ёвузлиги ва азоб-уқубатларига берилиб кетиш осон. Исо “ҳозирги ёвуз замондан қутқарай деб, бизнинг гуноҳларимиз учун Ўзини фидо қилди. У шу йўсин Отамиз Худонинг иродасини адо этганини” эслаш баъзида қийин кечади (Галат-га 1:4).

Ушбу иккиланиш ҳақида Муқаддас Китобда рўйирост гапирилади. “Ишончим комилки, ҳозирги азоб-уқубатларимиз бизга зоҳир қилинадиган улуғворлик олдида ҳеч нарса эмас”. ...Худонинг фарзандлари... ким эканлигининг аён қилинишини бутун мавжудот “интизорлик билан кутяпти... Шундай бўлса-да, мавжудот чириб-битиш куллигидан озод этилиб, Худонинг фарзандлари билан бирга улуғвор эркинликдан баҳраманд бўлишига умид бор” (Рим-га 8:18-21).

*Ҳикоядаги ундов белгиси*

Энди, мен ҳикоянинг ҳайратланарли якунига эътибор қаратмоқчиман. Ҳар бир ҳикоянинг эса қоларли якуни бор. Муқаддас Китоб ҳикоялари ҳам бундан мустасно эмас. (Агар сиз мендан арфа ва булутлар ҳақида гапиришимни кутаётган бўлсангиз, унда ҳафсалангиз пир бўлиши аниқ).

Кўпинча, биз Муқаддас Китоб ҳикояларидан олинган парчадан ўрганганларимизнинг якуний ҳаракати ҳақида фикр юритамиз. Масалан, ўлим эмас, абадий ҳаётга эгамиз. Буларнинг барчаси ажойиб, аммо “абадий ҳаёт” ибораси бизга кўп маълумотни бермайди. Бу ибора ҳаётнинг ҳислатини эмас, давомийлигини таърифлайди.

Биз Адан боғидаги янги, глобал ҳаёт матнидаги ҳикоянинг якуний босқичини муҳокама қилганимизда, абадий ҳаётнинг ҳислати ҳақида гапирамиз. Биз ҳикоянинг якуний босқичи бўлган Адан боғидаги янги, глобал ҳаётни муҳокама қилганимизда, абадий ҳаётнинг ҳислати ҳақида гапирамиз. Муқаддас Китобнинг сўнгги Ваҳий китобида ҳикоя Адан боғи тасвири билан яқунланади (Ваҳий 21:22). У ерда Худо бор. Осмон ерга қайтган. У ерда Исо бор. Ҳаёт дарахти ўша ерда. Бу Адан боғи ҳақиқатан ҳам дастлабкидан яхшироқ. Энди азоб-уқубатлар йўқ. Дунёда ёвузлик бошқа таҳдид солмайди. Бутун жонзот фаоллашган. На одамзот оиласида, на жониворларда, на ўсимликларда бошқа касаллик ёки ўлим йўқ. Қонхўрлик ва зўравонлик йўқ. Биз ҳеч қачон бундай яшамаганмиз.

Адан боғи тушунчаси бизни Муқаддас Китобдаги ҳикояларнинг авж нуқтаси каби ифодалашга яқинлаштиради. Юқоридаги Римликларга 8-бобдан олинган парча бизда Худо режасининг юқори чўққиси ҳақида тасаввур ҳосил қилади: “Худо фарзандларининг ким эканлигининг аён қилиниши... Худо фарзандлари билан бирга улуғвор”. Ҳа, тезроқ янгилашиш учун нола қилади. Аммо борлиқнинг озод қилиниши Худонинг инсоният оиласининг улуғланиши билан боғлиқ.

Бошқача айтганда, биз – Худо бажарган ишнинг мақсади ҳисобланамиз. Бизни Худо ҳузурида абадий бўлишимизга қодир қила оладиган Худо фарзандларининг мавқеи, бу Муқаддас Китоб ҳикояларидаги энг асосий фикрдир. Шубҳасиз, биз зўр таассурот қолдирадиган жойда яшаймиз. Аммо, бу шу тарзда тасвирланган янги Адан боғи – Ваҳийдаги тугал очиқлик билан таққосланмайди.

Шундан кейин мен янги бир осмон ва янги бир ерни кўрдим. Аввалги еру осмон ғойиб бўлган эди, денгиз ҳам энди йўқ эди. Мен муқаддас шаҳар – янги Қуддусни кўрдим. Қуддус самодан, Худо ҳузуридан тушиб келаётган эди. У куёви учун безаниб олган келинчакка ўхшар эди. Мен тахтдан баланд бир овоз келганини эшитдим. Ўша овоз деди: **Худонинг маскани инсонлар орасидадир! У энди одамлар орасида яшайди,**

**улар Худонинг халқи бўладилар. Худонинг Ўзи улар билан бирга бўлади (Ваҳий 21:1-3).**

*Абадий ўзликка эга бўлиш.*

“Худо фарзандлари ким эканлигининг аён қилиниши” ва “Худонинг фарзандлари билан бирга улуғвор” иборалари бир кун келиб ўзгариб, Исо каби бўлишимизни назарда тутди. Ҳаворий Юҳанно айтганидек: Ҳа, азизларим, ҳозир биз Худонинг фарзандларимиз. Аммо келажақда ким бўлишимиз бизга ҳануз очилмаган. Фақат шуни биламизки, ўша пайт келганда, биз Худо сингари бўламиз, чунки Худонинг Ўзини кўрамиз (1Юҳанно 3:2). Ўша фикр куйида бошқача ифодаланган:

Худо уларни азалдан танлаб олган эди ва “Менинг Ўғлимга ўхшаган бўлсинлар”, деб олдиндан белгилаб қўйган эди, токи Ўғил кўп биродарлар орасида тўнғич бўлсин (Рим-га 8:29).

Бизнинг ватанимиз эса самодадир. Бизлар нажоткоримиз бўлган Раббимиз Исо Масихнинг ўша ердан келишини интизорлик билан кутяпмиз. Раббимиз бутун борлиқни Ўзига бўйсундириш кучига эгадир. Мана шу куч билан У бизнинг ожиз, фоний танамизни Ўзининг улуғвор танасига ўхшатиб ўзгартиради (Филип-га 3:20-21).

Бизнинг вазифамиз – Худонинг тўлақонли тимсоли, Худонинг мукамал суратига ўхшашган – Исодек бўлишдир. Бу жараён аллақачон бошланган: *Биз ҳаммамиз очиқ юз билан Эгамизнинг улуғворлигини кўриб турибмиз. Биз ўзгариб борар эканмиз, янада улуғвор бўлиб, Эгамизга ўхшаган бўламиз. Буларнинг ҳаммаси Эгамизнинг Руҳи орқали содир бўлмоқда.*

Муқаддас Китоб бизнинг ҳикоямизни тирилиш ва ўзгариш билан якунлайди. Биз абадий ҳаёт учун қайта тириламиз ва бизга худди Исонинг тирилгандан кейинги танаси сингари улуғвор тана берилади. Павлус бундай танани “самовий тана” деб атади (1Коринф-га 15:35-58).

Бизнинг якуний вазифамиз ва улуғворлигимиз ҳақидаги мен ёқтирган парча қанчалик аниқ ва равшан! Бу Ибронийларга йўлланган, яъни Исо бизни Худога ва Худони бизга таништирган сахна. Исо Худо ва “жамоа” – Худонинг самовий ўғиллари олдида туради. Биз Унинг биродари эканимиздан уялмаслигини У дадиллик билан очиқ айтади (Иброн-га 2:11). Кейин У Худога ва оиланинг ғайритабий аъзоларига шундай деди: “Биродарларимга Сен ҳақингда айтаман, жамоа орасида Сенга ҳамду сано ўқийман... Худо берган фарзандларим билан бирга Мен шу ердаман” (Иброн-га 2:12-13).

Бу сизнинг якуний вазифангиз – Худо оиласининг доимий, қонуний аъзоси бўлиш. Ахир сиз Худо оиласига тегишлисиз. У бошиданок шуни хоҳлаган эди. Бутун борлиқ шуни орзу қилади.

## *Абадий ҳамкорлик*

Сиз янги ижодда (самода) ҳаёт қандай бўлиши ҳақида ким биландир ҳеч гаплашганмисиз? Одатда, одамлар буни тугамайдиган топиниш хизмати ёки Исо билан тугамайдиган савол-жавоб имтиҳони ёки бўлмаса, имонлилар жамоатининг улуғвор танишув кечаси дея таърифлашади.

Мукаммал Адан боғида ҳаёт қандай бўлишини тасаввур қилиб, баъзи тахминларга боришимиз мумкин бўлсада, бу ҳақда Муқаддас Китобда кўп гапирилмайди. Аммо, унда айтилганлар биз юқорида келтирган рўйхатга зид келади. “Ғолиблар” – Исога ишонишда сабр-тоқат қилганлар “халқлар устидан ҳукмронлик қилишади”. Исо уларни тахтида Ўзи билан бирга ўтиришга ҳақли қилади (Ваҳий 3:21). Бир кун келиб биз “фаришталарни ҳукм қиламиз” (1Коринф-га 6:3).

Ушбу иборалар нимани англатади? Ҳозир халқларни ким бошқаради, деган саволдан бошлаш мумкинми? Жавоб шундай: Бобил минораси ёнида халқлар ишониб топширилган Худонинг бузилган ўғиллари. Бошқача айтганда, айтилган вақтда кўпчилик халқлар Худога қайтмаган. Худо Шоҳлигининг кенгайиши босқичма-босқичли, юқорида таъкидлаганимиздек, аллақачон бошланган, аммо бу жараён тўлиқ ниҳоясига етмаган. Охиратда бу жараён тугаганида имонлилар “фаришталарни ҳукм қиладилар” – биз Худонинг бузилган ўғилларининг ўрнини эгаллаб, уларни ҳукм қиламиз. Биз Подшоҳимиз ва биродаримиз Исо билан биргаликда халқлар устидан ҳукмронлик қиламиз.

Ҳар сафар шу ҳақда гапирганимда, албатта қуйидагича саволлар беришади: “У ерда нима билан машғул бўламиз? Баъзи имонлилар бошқаларга қараганда кўпроқ ҳокимиятга эга бўладиларми? Мен бошқа имонлига бошлиқ бўла оламанми? Қандай қилиб барчамиз ҳукмронлик қила оламиз? Бу бизнинг ҳозирги ишларимизга боғлиқ бўладими, ким кимдан устун бўлади?”

Бундай саволларнинг берилиши табиий албатта. Аммо, улар *номукаммал, бузилган дунёда яшаётган одамлардан* чиқади. Бизнинг нигоҳларимиз бузилган дунё томонидан хиралашган. Бирок, Муқаддас Китоб бизнинг якуний тақдиримизни хўжайин-бўйсунувчи муносабатлари билан таърифламайди. Бу ота-бола муносабати бўлади. Худонинг фарзандлари бўлган бизлар одамзот ёки самовий биродарларимиз билан бирга меҳнат қиламиз. Биз шу тарзда биргаликда худди режалаштирилганидек Худони акс эттираемиз. Ва ҳаммамиз йўналиш оладиган биродаримиз бу Исо. Худонинг барча фарзандлари Унга – Отанинг мукаммал суратига ўхшаш.

Гап шундаки, Жаннат боғида ким катта ёки ким кичик бўлишида эмас, бу *оилавий ҳамкорлик* масаласидир. Барча оила аъзолари улуғворликда бўлганида йўл йўриққа зарурат йўқолади.

Тўғриси айтганда, буни тасаввур қила олмаймиз. Биз бузилган дунёда яшаймиз. Худо сизнинг У билан бирга худди режа қилинганидек яшашингизни истади. Бир кун келиб шундай ҳам бўлади. Муқаддас Каломда шундай ёзилган:

“Ҳеч бир кўз кўрмаган, ҳеч бир қулоқ эшитмаган, Инсон ақли бовар қилмаган ажойиботларни Худо Ўзини севганлар учун тайёрлаб қўйган”  
(1Коринф-га 2:9).

## БИРИНЧИ ҚИСМНИНГ УМУМИЙ КЎРИНИШИ ВА КЕЙИНГИ ҚИСМНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

Энди сиз Муқаддас Китоб аслида нимани англатишини биласиз. Бу ажойиб ҳикоя.

Эҳтимол, энди нима ҳақда гаплашамиз деб ўйлаётгандирсиз. Муқаддас Китоб ҳикояларининг баъзи муҳим тушунчалари ҳақида сўз юритамиз.

Мен ҳикоянинг бошида Иброҳим ҳақида қуйидагиларни ёзган эдим:

Ҳаворий Павлус Иброҳимга садоқатли имонлининг намунаси дея таъриф беради (Рим-га 4:1-12). Иброҳим қоидаларга бўйсуннишдан *олдин ҳам* ишонган ва Худо томонидан қабул қилинган. Қоидаларнинг моҳияти у нимага ишонганини кўрсатиш эди. Улар имонни алмаштирмадилар. Энг муҳими имон эди. Шу имонга, Ўша Худога садоқат ҳақида кейинроқ гаплашамиз. Бугунги кунда биз уни шогирдлик деб атаيمиз. Имон ва садоқат, бу икки хил тушунча. Улар бир-бири билан боғлиқ, аммо бир хил эмас. Худди шу тушунча нажот ва шогирдликка ҳам тегишли.

Ушбу хатбоши китоб якунига қадар бизнинг йўл харитамиз бўлади. “Садоқатли имон” ибораси эса, йўл кўрсатувчимиз бўлади.

Шу ерда мисол келтириб ўтсам:

### “Имон”

Кейинги қисмда Хушxabар ҳақида гаплашамиз. Хушxabар нима экани ва нима эмаслиги ҳақида сўз юритамиз. Биз Хушxabарнинг маъноси, яъни Муқаддас Китобга кўра Хушxabарнинг таркибий қисми нимадан ибратлигини билиб оламиз. Бу жуда муҳим, сабаби Хушxabарга ишониш орқали Худо оиласининг аъзосига айланамиз. Шу тарзда нажот топамиз. Нажот имон орқали келади. Худо нажотга айнан шундай замин яратди, шу тарзда оилага йўл очди. Ҳамма диққат-эътибор Исо амалга оширган ишларга қаратилган.

### “САДОҚАТ”

Ушбу китобнинг охириги қисмида шогирдлик ҳақида гаплашамиз. “Шогирд” – “издош” деган маънони билдиради. Исонинг шогирди бўлиш – Унга ўхшаш ва Унга эргашишни англатади. Исо: Мени кўрган одам Отани кўрган бўлади (Юҳанно 14:7, 9). Исо шундай яшаганки, Унинг Худога бўлган севгиси аниқ-равшан кўриниб турган. У Отасига ва Унинг режаларига содиқ эди. Шогирдлик, бу Исони ва Худони севишимизни қандай кўрсата олишимиздир. Шогирдлик билан Худонинг севгисига лойиқ бўла олмаймиз. Нажот топишимизда Худонинг режасини амалга оширгани учун Исога шу тариқа

миннатдорлик билдирамиз. Бизнинг нажот топишимиз учун Исо амалга оширган ишларга ишонганимизни шу тарзда намоён қиламиз (Ёқуб 2:14-26).

Олдин айтганимдек, имон ва содиқлик бир-бири билан боғлиқ, аммо икки хил тушунча. Бу бир-бирининг ўрнини босмайдиган атамалардир. Бу нажот ва шогирдликка ҳам тааллуқли. Биз нажот топишимиз учун Хушхабарга ишонамиз. Биз Исо Масихга шогирд бўлиш орқали Нажоткоримизга садоқатимизни намоён қиламиз.



## **2-БЎЛИМ. ХУШХАБАР**

## 7-БОБ

### ХУШХАБАР НИМА?

Бу босқичда бундай савол бериш ғалати туюлиши мумкин. Биз Муқаддас Китоб ҳикояларини, яъни Худо бизни Ўзининг оиласида бўлишимизни хоҳлагани ҳақидаги ҳикояни тадқиқ қилиш учун етарлича вақт сарфладик. Биз бу оилага Хушхабарга ишониш орқали қўшиламыз.

Мен имонлилар жамоатига қатнайдиغان кўпчилик одамлар аслида Хушхабарга тушунмасликларини аниқладим. Баъзилар Хушхабарни тушунтириб бера олмайдилар. Тушунтира олганлар эса, кўпинча унинг соддалигига ўрганишлари қийин. Хушхабар бу абадий ҳаёт учун зарур бўлган барчасига ишониш – улар учун қийин.

Эҳтимол, орангизда кимдир мен нима ҳақда гапирётганимга тушунмаётгандир. Бироқ, нимани назарда тутаётганимни тушунтирганимда ёки ўзингизни, ёки танишларингиздан кимнидир билиб олишингизга аминман.

Хушхабарга таъриф беришдан бошласак. Шунингдек, мен аниқлик киритиш учун муҳим бўлган айрим саволларни бераман. Шу билан бирга, Хушхабар нима эмаслиги ҳақида гаплашишимиз ҳам зарур. Бу қисмга етиб келгуниimizга қадар, одамларда Хушхабар билан боғлиқ вазиятларда юзага келадиган қийинчиликлар ҳақида гапирганимда, мен нимани назарда тутганимни тушуниб оласиз.

*Хушхабар нима дегани?*

“Хушхабар” атамасига аниқлик киритиш жуда оддий. Муқаддас Китобдаги “Хушхабар” сўзи нажот ҳақидаги хабарни англатади. Рус тилидаги Хушхабар сўзи – юнонча (Янги Аҳд ёзилган тил) сўз бўлиб, эзгу хабарни келтиргани учун мукофот маъносини билдиради. Мана, нима сабабдан Хушхабар бу “эзгу хабар”, нажот ҳақида яхши янгилик эканини тез-тез эшитамиз.

Келинг, шу ҳақда фикр юритамиз. Биз ниманидир ўргангандек туюлиши мумкин. Балки шундай ҳамдир, лекин биз аслида билишимиз лозим бўлганини ўганмадик. Атамаларга аниқлик кирита олишимиз жуда яхши албатта. Бироқ, нажот ҳақидаги хабарнинг таркибий қисми ҳақида ҳеч нима гапирмадик. Биз фақат “Хушхабар” сўзининг маъноси ҳақида гаплашдик, бироқ Хушхабар аслида нима экани ҳақида ҳеч нима демадик.

Шу сабаб, келинг Хушхабар нимани англатиши ҳақида гаплашамиз. Худонинг нажот таклифининг мазмуни қандай? Эзгу хабарнинг қисмлари (тафсилотлари) нимадан иборат? Нега бу хабар эзгу дейилади? Янги Аҳдда

“Хушхабар” сўзини деярли 100 марта учратиш мумкин, шу сабаб унга аниқлик кирита оламиз.

Ҳаворий Павлус Хушхабар ҳақида Янги Аҳднинг бошқа муаллифларига караганда, эҳтимол кўпроқ гапиради. У Исо ҳақида ваъз қилган хабарини тасвирлаш учун “Хушхабар” сўзини ишлатади.

Биродарларим, мен ўзим сизларга етказган Хушхабарнинг моҳиятини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Сизлар бу Хушхабарни қабул қилдингиз, у имонингизнинг асосидир. Ўша Хушхабар орқали нажот топасиз, аммо сизлар мен айтган ўша Хушхабар орқали етишган имонингизда маҳкам туришингиз керак, акс ҳолда имонингиз бекор бўлади... Муқаддас битикларга мувофиқ, Масих гуноҳларимиз учун ўлган. Кейин У дафн қилинди, учинчи куни эса тирилди. Буларнинг ҳаммаси Муқаддас битикларга мувофиқ содир бўлди (1Коринф-га 15:1-4).

Павлус ўз хабари Хушхабарга бошқа жойда таъриф беради:

Мен ҳаворийликка даъват этилганман, Худонинг Хушхабарини ёйиш учун танланганман... Бу Хушхабар Худонинг Ўғли ҳақидадир. У жисман Довуд зурриётидан келиб чиққан эди. Худонинг Ўзи Раббимиз Исо Масихни ўликдан тирилтирди. Шу орқали Муқаддас Рухнинг кучига тўла бўлган Исо Масих Худонинг Ўғли эканлиги исботланди. Ана шу Исо Масих Худо менга иноят кўрсатиб, ҳаворий бўлиш вазифасини берди. Токи барча халқлар Худога ишониб, итоат этсинлар, шунда Исо Масихнинг номи улуғланади (Рим-га 1:1-5).

Келтирилган ушбу парчаларда Хушхабар – эзгу хабарнинг мазмуни аниқ кўринади. Мана Хушхабарнинг таркибий қисми:

- Худо Ўз Ўғлини юборди...
- У Довуд зурриётидан келиб чиққан...
- Исо Масих инсон сифатида...
- Бизнинг гуноҳларимиз учун жонини берган...
- Дафн этилган...
- Ва ўликдан қайта тирилган...

Ушбу бандлар эзгу хабарнинг мазмуни ҳисобланади. Олдин айтиб ўтганимиздек, уларни шу ерда Муқаддас Китоб ҳикояларининг умумий кўриниши асосида яна тасвирлаб беришга ижозат берсангиз:

Худонинг Ўғли инсон бўлди. Гуноҳларимиз энди Худо оиласининг бир қисми бўлишимизга бошқа тўсқинлик қилмаслиги учун, У хочда азоб чекди ва ўлди. Биз ҳам У каби ўлимни енгишимиз ва Отаси, бизнинг

Отамиз – ягона ҳақиқий Худо билан абадий бирга бўлишимиз учун, У ўликдан қайта тирилди.

Келинг, буни биров ўрганиб чиқамиз. Агар Хушхабар эзгу хабар бўлса, унда бу хабардаги айнан нима эзгу ҳисобланади? Жуда кўп жиҳатлар. Бу хабар эзгу, чунки бизнинг нажот топишимиз қилаётган ишларимизга боғлиқ эмас. Муқаддас Каломдан олинган ушбу парчада сиз ўзингизнинг хайрон қолдирадиган хизмат рўйхатингизни ёки жинсий жавобгарликка тортилмаганингиз тўғрисида ҳеч нарса топа олмайсиз. Хушхабарнинг моҳияти – нималар қилганингиз ёки нималар қилишингиз мумкинлиги ёки нималар қилишингиз лозимлиги ҳақида эмас. Хушхабар – кимдир сиз учун нимадир қилгани ҳақидадир. Бу эзгу хабар барчамиз учун, сабаби ҳеч биримиз мукамал эмасмиз. Ҳеч биримиз Худони доимо рози қила олмаймиз. Ҳеч қайси биримиз Унинг оиласида яшашга ва Унинг исми билан аталишга лойиқ эмасмиз. Биз Худога маъкул бўлишимиз лозим. Бу қандай содир бўлишини Хушхабар ҳикоя қилиб беради.

Эътибор беринг, Павлуснинг эзгу хабарни воизлик қилишидан мақсади – “барча ғайрияхудий халқларнинг имонга итоат этиши” эди. У айтган ваъзни эшитганларнинг барчаси, унинг айтганларини “маҳкам ушлашларини” хоҳларди. Хушхабарга “итоат этиш” қай тарзда амалга оширилади? Сувга чўндирилиш орқалими? Пул бериш орқалими? Тўғри хулқ-атвор орқалими? Камбағалларга ёрдам бериш орқалими? Буларнинг барчаси муҳим ишлар, аммо йўқ. Худо “имонга итоат қилишни” кутади. Сиз Хушхабарга ишонганингиз ҳолда, унга бўйсунасиз.

Шунингдек, Павлус “тушунишга итоат эт”, демаганига эътибор бердингизми? Эҳтимол, биз Худо қандай қилиб Исо қиёфасида инсон бўлганини ёки тирилиш қандай содир бўлганини тўлиқ тушунмасмиз. Бунинг кўрқинчли жойи йўқ. Худо биздан ҳамма нарсани тушунишимизни ва Унинг олдига имтиҳон топширгани келишимизни талаб қилмайди. У имонни кутади. Ақл идрокка асосланган жиҳатлар иккинчи даражали эканини тушуниб этишимиз лозим.

Хушхабарнинг мазмуни Худо сизни кечириши ва сизга Ўз оиласидан доимий жой бериши ҳақидаги Худонинг таклифидир. Бу таклиф Унинг севгиси ва меҳрибонлигини намоён қилади. Ушбу атамалар ўрнига Муқаддас Китобда баъзида “иноят” сўзи ишлатилади. Зеро, Худодан кучлироқ ҳеч ким йўқ экан, У мажбурлигидан бу таклифни бергани йўқ. Ҳеч ким Унинг қўлларини сиқиб кўя олмайди. Сиз ҳам Унинг оиласида бўлишингизни хоҳлагани учун, У қутқарилишни таклиф қилди. У сўрайдиган ягона нарса – сизнинг ишонишингиз.

Ана шу Хушхабарнинг эзгу хабаридир.

*Биз нима учун Хушхабарга муҳтожмиз?*

Эҳтимол, мен бу саволга жавоб берганман, деб ўйлаётгандирсиз. Қайсидир маънода ҳақиқатан шундай. Мен бу ҳақда қисман гапирдим. Бироқ, масиҳийлар доирасидаги тажрибамни инобатга олсак, буни тўғридан-тўғри айтишим керак.

Биз нима учун Хушхабарга муҳтожмиз? Чунки биз Хушхабарсиз Худо билан абадий яшашга умидвор бўла олмаймиз. Заррача бўлса ҳам. Биз гуноҳ туфайли Худодан узоқлашганмиз. Хушхабарга ишониш – ушбу вазиятдан чиқиш йўлидир.

Бизнинг мушкул аҳволимиз Муқаддас Китобда турлича тасвирланган. Исо “йўқолганни излаб топиш ва уни қутқариш” учун келганини айтади (Луқа 19:10). Биз “гуноҳларимиз туфайли руҳан ўлик” (Эфес-га 2:1, 5) ва “бетавфик” эдик (Рим-га 5:6). Биз “Худо берадиган янги ҳаётга бегона” (Эфес-га 4:18) ва “Худога душман” эдик (Колос-га 1:21), биз Унинг душмани эдик (Рим-га 5:10). Ёқимсиз кўриниш.

Биз ўрганган Муқаддас Китоб ҳикояси нима сабабдан бундай бўлиб қолганимизни тушунтиради. Биз Худонинг оиласида дунёга келмаймиз. Биз унга бегонамиз. Шундай бўлишига қарамасдан, Худо Унинг оиласида бўлишимизни хоҳлади. Бошқаларга зарар етказган ҳолда хоҳлаган нарсамизга эга бўлиш учун, Худонинг табиатисиз ўз ақл ва эркинлигимизни суистеъмол қиламиз. Биз ўз-ўзини йўқ қилиш йўлидан кетяпмиз. Агар Худони акс эттирмасак ва Унинг қонунларини бузсак, манипуляция қилсак, бошқалардан ўз манфаатимиз йўлида фойдалансак гуноҳ қилган бўламиз.

Биз табиатан гуноҳкор, муккасидан кетган исёнкормиз. “Ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир” (Рим-га 3:23).

Буларни ўқиганимизда тушқунликка тушиш ёки ғазабланиш осон. Аммо Хушхабарнинг эзгу хабари шундаки, Худо буларнинг ҳаммасини билгани ва шундай бўлса ҳам бизни севишидадир. Аҳволимиз ҳақида билишимиз сиз ўйламаган яна бир сабабга кўра фойдали. Бу ўша бошқа барча диний таълимотларга мутлақо ўхшамаган нажот ҳақидаги Хушхабар. Бошқа барча динлар гуноҳнинг муаммо эканини инкор этади ёки инсоний ишларни, яъни маросимларни, диний кунларга риоя этишни ёки бошқа хайрли ишларни бажаришни гуноҳ муаммосининг ечими деб билишади.

Очиқ айтадиган бўлсак, фақат Хушхабар инсониятнинг аҳволи ва бу борада ҳеч нарса қила олмаслиги ҳақида рўйирост хабар беради. Бошқа динлар аслида алдашади, улар – Худодан узоқлашиш муаммосини ўзингиз ҳал қила оласиз ёки бўлмаса, сизда ҳеч қандай муаммо йўқ дейишади.

Фақатгина Хушхабар инсониятнинг гуноҳи муаммосини ёлғиз Худо ҳал қила олишини ва Худо уни ҳақиқатан ҳам амалга оширгани ҳақидаги ҳақиқатни етказди. Хушхабар мутлақо чин. У оғрикли бўлса ҳам ҳақиқатни гапирди. Мана бу севгидир. Ёлғон, бу севги эмас.

*Нажот топишнинг бошқа йўллари борми?*

Бу саволга аллақачон жавоб бердим. Аммо, энди унга бошқа томондан ёндашмоқчиман.

Худо мутлақо текинга – кечирим, нажот ва Ўзи билан абадий яшашни таклиф қилди. Булар лойиқ топилиб ва меҳнат қилиб қўлга киритилмайди. Аслида, унга сазовор бўлиш ёки уни ишлаб топишнинг иложи йўқ. Ягона талаб қилинадигани, бу имон, Худонинг ваъдаларига ва Исо Масиҳнинг мукамал (тарзда амалга оширган) ишига ишонишдан иборат.

Хушхабарга ишониш – демак, нажот топиш ҳақидаги бошқа таълимотлар ва ғояларга ишомасликдир. Шу ҳақда ўйлаб кўринг. Агар осмонга кўтарилишнинг бошқа усули бўлганида, унда нима учун Ота Худо ўғли Исо Масиҳни хочда даҳшатли ўлим топишга юборди. Ўғил инсон бўлиши ва ўлим устидан ғалаба қозониши лозим эди. Бу ягона йўл эди. Ва Худонинг ушбу режасига ишониш – нажот топишнинг ягона йўлидир. Исо Масиҳдан бошқа ҳеч ким қутқара олмайди (Ҳавор-га 4:12). Бунини Исо Масиҳнинг Ўзи аниқ-равшан айтади: “Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ” (Юҳанно 14:6).

Бу ерда ҳеч қандай ноаниқлик, мужмаллик йўқ. Ҳеч ким Исо Масиҳ амалга оширган нажот йўлидан бошқа йўл билан Худонинг оиласига аъзо бўла олмайди. Хушхабарга ишонишда унга яна ниманидир кўшиб бўлмайди. Хушхабарга ишониш – бошқа нарсаларга ишонишдан юз ўгиришни англатади. Муқаддас Китобда бу жиҳат тавба қилиш деб аталади. Бошқа жиҳатлар ҳам бор, улар ҳақида суҳбатимизнинг бошқа қисмида гаплашамиз.

*Хушхабар нима ҳисобланмайди*

Хушхабарнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги мулоҳазаларимиз бизни Хушхабар, бу Исо Масиҳ бизни деб амалга оширган ишлардир, деган хулосага олиб келади.

Маданиятимиз бизни бу аниқликдан маҳрум қилади. У ўзини ўзи мукаммаллаштиришга ёки ўрнини боса оладиган қандайдир ноаниқ “маънавийликни” таклиф этади. Аммо Хушхабарнинг Муқаддас Китобда келтирилган таърифи шунга ўхшаш нарсаларга қарши чиқади. Хушхабарнинг (ва нажот топишнинг) “ички оламингизга назар солиб”, ўзликни англаш йўлидаги шахсий маърифат билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Хушхабар “швед дастурхонидаги” руҳий тадқиқот ғояларига боғлиқлик томони йўқ. Бу каби барча ғоялар интеллектуал ёки психологик зўр бериш ва ҳаракат билан боғлиқ. Бу асло Хушхабар эмас.

Ушбу “бир-бирига зид хушхабарлар”ни аниқлаш ва йўқ қилиш осон. Бироқ, Худо таклиф этадиган нажотнинг соддалигида таскин топишда кўпчиликка тўсқинлик қиладиган анча мураккаброқ тўсиқ бор.

Айтиб ўтганимдек, имонлилар жамоатидаги кўплаб одамлар Хушхабар билан боғлиқ қийинчиликларга эга. Бунинг сабаби, улар юмушлар тузоғига илинганлар. Сиз ёки сиз танийдиган кимдир “хушхабар” атамасига таъриф беришга ва эҳтимол, ҳатто таркиби ва моҳиятини тушунтириб беришга кодирдир. Аммо, абадий ҳаётга эга бўлишда Исо Масих сиз учун амалга оширган ишларга ишониш зарур, деган фикр сизга нотўғридек туюлар. “Албатта биз нимадир қилишимиз лозим! Акс ҳолда, қандай қилиб абадий ҳаётга лойиқ бўламиз?”, дерсиз.

Агарда сиз Муқаддас Китоб ҳикоялари ва Хушхабарнинг моҳиятини англаб етсангиз, унда Худо берадиган таклифга лойиқ эмасмиз деган фикрга кўшила оласиз. Кўплаб одамлардаги муаммо ҳам ана шунда. Биз эга бўлган неъматларга лойиқ эканимизни ҳис қилишни истаймиз. Биз саҳоват объекти бўлишни хоҳламаймиз. Ҳеч бўлмаганда оз бўлса ҳам уни ишлаб топмаган бўлсак, нимадир яхши нарса олиш биз учун нотўғридек туюлади.

Айбдорлик ҳисси фикримиз ва тафаккуримизни янада нозиклаштириб бузиб кўрсатади. У Хушхабарга шартсиз совға сифатида қараш лаёқатимиздан маҳрум қилиши мумкин. Айбдорлик ҳисси – айрим кишилар ўзларини гўё – совға уларга бирон хизмати учун берилгани, қачонлардир ўша одамга қилган ишларининг эвази, деб ишонтиришга мажбур қилади. Улар ўзларини бунга ишонтира олмасалар, ўзларини совғага муносиб деб ҳис қилишлари учун, совға берган одамга кейинчалик нимадир қилишга қарор қилишади.

Айб бизни сўқир, Худонинг Хушхабарда намоён қилган севгисини кўришга лаёқатсиз қилади. Бундай фикрлаш қанчалик худбинлик ҳисобланишини охир-оқибат англаб етишимиз лозим.

Бу кўпол эшитилиши мумкин, лекин менга кулоқ тутинг. Бошқалар сиз ҳақингизда қадрли деб ўйлашлари учун бор кучингиз билан ҳаракат қилсангиз, турган гапки, бутун эътиборни ўзингизга қаратишингизга тўғри келади. Агар мақсадингиз одамлар сизни ўзларининг эътибори ва севгисига лойиқ деб ҳисоблашларидан иборат бўлса, бошқаларга эътибор қарата олмайсиз. Ўзимиз ҳақимизда яхши фикрлар билдиришни хуш кўрамиз (масалан, асосли равишда нимагадир лойиқмиз, шу сабаб ўзимизга тегишли

бўлмаганини олмаймиз). Шунингдек, бошқалар ҳам бизга худди шундай муносабатда бўлишини истаймиз (яъни, биз бошқаларнинг ўзимизга нисбатан илиқ муносабатига лойиқ бўлганимиз сабабли, улар бизга нимадир беришларини хоҳлаймиз).

Хушxabар буларни биздан тортиб олиб, четга улоқтиради. У бизни фoш этиб, шаффофлик ва камтарликни талаб этади. У диққат-эътиборимизни ёлғиз Худо ва Исо Масихга қаратишимизни сўрайди. Шу сабаб, кўплаб одамларга бу “ҳапдори”ни ичиш жуда қийин. Хушxabар бизни мактовлардан маҳрум қилади.

Буларнинг ҳаммаси Хушxabар сиз қила оладиган ишлар ҳақида эмаслигига олиб келади. У – сиз аллақачон ким ҳисобланишингиз ҳақида. Сиз – инсонсиз. Сиз – Худо севгисининг объектисиз. Худо сизни аввал бошиданоқ режалаштирган. Буларнинг биронтаси сиздан нимадир қилишингизни талаб қилмайди. Ҳаммаси мана шундай оддий.

Модомики, гуноҳкор ва бузилган дунёда яшар эканмиз, ҳеч ким бизни севмаган бўларди, деган фикр тарк этмасди. Демак, Худо бизни севиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмаймиз. Ахир, бирор нарса ҳам Унинг эътиборидан қочиб қутула олмайди. У бизнинг ҳар бир фикримизни, ҳар бир сўзимизни, барча ниятларимиз ва ишларимизни билади. Ва булар бизда айбни келтириб чиқаради. Ушбу айб шунингдек, “сен-менга, мен-сенга” қабилдаги муносабатимиз туфайли, Хушxabарда акс этган Худонинг соф севгисини қабул қилишимиз қийин кечади. Бизнинг нуқтаи назаримизда бундай севги ҳеч қандай маънога эмасдек.

Шуни таъкидлашим керакки, Хушxabарни чинакамига эшитган ва уни чин дилдан қабул қилган одамлар нажот топмаган деб ҳисобламайман. Улар ҳақиқатан ишониб, Худонинг оиласида бўлишларига чин юракдан ишонаман.

Мен кўпчилик имонлилар ҳали ҳам бошдан кечираётган ички азобларни тасвирлайман. Уларнинг гуноҳи Хушxabарнинг севгиси ва иноятини пул топиш ва мартабага кўтарилишга лиммо-лим тўлган ҳаётга айлантириб юборади. Худо ҳозир ҳам уларни олдингидек, худди Хушxabарни тушунган ва Унга ишонганларида севганидек севишига шубҳа қилишади. Улар имонли бўлган вақтларида қилган гуноҳларини худди – Худо уларга нисбатан бир хил муносабатда бўлмаслигининг сабаби деб билишади. Улар Худонинг умидларига мос кела олмасликларига аминлар. “Балки мен етарли даражада ишонмаётгандирман? Балки мен умуман ҳақиқатан тўлиқ ишонмагандирман?”



Ачинарли томони шундаки, кўплаб ҳақиқий масиҳийлар Хушхабар туфайли эмас, балки гуноҳ уларнинг Хушхабар ҳақидаги тушунчаларини бузиб кўрсатгани сабабли юракларида азоб ва жароҳат билан яшяптилар. Улар Муқаддас Каломни ўқиганларида фақат ўзларининг гуноҳ ва муваффақиятсизликларини кўрадилар холос. Ҳар бир ваъз айбловдек қабул қилинади (ва айблаш учун ваъз қилаётган ваъзхонга уят). Хушхабар ҳикояларининг ажойиб мўъжизалари йўқолиб ва унутилиб бормоқда.

Нажот топишнинг моҳияти амалларда эмас. Ҳеч қачон шундай бўлмаган, ҳеч қачон бундай бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Худонинг даражасига кўтарилиш, Унинг ҳузурига лойиқ бўлиш учун биз ҳеч нарса қила олмаймиз. Бизда Худонинг мукамал табиати йўқ. Биз Худога ўхшашмиз, Уни акс эттириш учун яратилганмиз, бироқ аниқлик борасида Худодан каммиз ва У буни билади. Шу сабабдан ҳам, биз ўзимиз эмас, балки Исо бизнинг муаммоларимизда Худонинг ечими бўлди.

Худо билан орамиздаги жарликни енгиб ўтиш ёки қалбимиздаги бўшлиқни бирон ишни қилиш ёки қилмаслик билан тўлдира оламиз, деб ўйлаш бемаънилиқдир. Худо учун сизнинг муваффақиятсизлигингиз қутилмаган совға эмас. У сизни шу вақтга қадар билган ва нима бўлишидан қатъи назар барибир севган. Бу фикр Римликларга ёзилган мактубда жуда яхши ифодаланган: “Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масиҳ биз учун ўлди. Шу йўсинда Худо бизга бўлган Ўз меҳр-муҳаббатини намоён қилди”. Тушуняпсизми? Биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда! Худо сизни севиши учун амалларингиз билан ҳаракат қилишингиз шарт эмас. Агар бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўрсангиз, унда бу ҳақиқий эзгу хабар эканини англаб етасиз. Сиздан ҳеч қачон Худонинг ҳафсаласи пир бўлмаган, чунки Унда хатти-ҳаракатларингиз ҳақида сохта, ёлғон умид йўқ. У сизни доимо севган. “Зеро, Худо оламини шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди. Токи Унга ишонганлардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин” (Юҳанно 3:16).

Биз буни икки фикрга олиб келишимиз мумкин. Нажот топишга – Худонинг оиласига аъзо бўлишга – эришишнинг ёки жаннатни сотиб олишнинг иложи йўқ. Уни фақат имон билан қабул қилиш мумкин. Худо раҳмдил ва меҳрибондир ва шу сабаб У нажот беришни таклиф қилади. Бундан бошқа сабаб йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

**3-БҮЛИМ**  
**ИСОНИНГ ОРТИДАН ЭРГАШИБ**

## 8-БОБ

### ШОГИРДЛИК НИМА ДЕГАНИ?

Хушхабар қайта ўзгартирадиган бўлиши лозим. Хушхабарни қабул қилган ҳар бир киши “янги ижоддир. Эски ҳаёт ўтиб кетди, янгиси эса бошланди” (2Кор-га 5:7). Бу аслида қандай кўринишга эга?

Эҳтимол, бу саволнинг жавобини эсларсиз. Олдин айтиб ўтганимдек, шогирд бу издош, Исонинг изидан бориш. “Изидан бориш, эргашиш” атамасига таъриф бериб ўтган эдим. Изидан бориш, эргашиш – Исога ўхшаш ёки Уни акс эттиришдир. “Масихга ўхшаган бўлиш” бу, бизнинг охирги белгиланган бурчимиздир (Рим-га 8:9; 2Кор-га3:18; Колос-га 3:10).

Худо бизни жаннатга киритиши учун, Исога эргашиш важи, бу У бизни севишига кўндиришга уриниш эмас. Худо ҳар биримизни “ҳали гуноҳга ботган чоғимизда” (Рим-га 5:8) ва “душманлари бўлган пайтимизда”ёк (Рим-га 5:10) севган эди. Агар Хушхабарга ишонсак, жаннатга ҳам тушамиз, Худо оиласининг аъзоси ҳам бўламиз. Биз ўз ҳолимизча йўқолганмиз, Нажот берувчига муҳтожмиз (Луқо 19:10), Худо берадиган янги ҳаётга бегонамиз (Эфес-га 4:18). Шундай аҳволда бўлишимизга қарамасдан, Худо бизни севди. У бизни севиш учун аввало хатти-ҳаракатларимизни тўғрилаб олишимизни кутмади.

Шунингдек, Худо бизни севишда давом этиши ва охирида нажот топишимиз учун Исога тақлид қилмаймиз. Ҳаракат қилиб эришиш мумкин бўлмаган нарсани, ҳаракат билан йўқотиб ҳам бўлмайди. Нажот бизнинг баҳойимиз ёки ҳаракатимизга боғлиқ эмас. У бошқа кимдирнинг – Исонинг биз учун амалга оширган ишига тегишли. “Ахир, Худо бизни Масих орқали оқлаш учун, бегуноҳ Масихни гуноҳқорни жазолагандай жазолади” (“Кор-га 5:21). Биз нажот топганимиз билан мақтана олмаймиз. Барча мақтовларга Исо Масих сазовор.

*Шогирдлик тўғрисида аниқ-равшан фикрлаш*

Биз шогирдликка алоқадор барча жиҳатлар ҳақида эътибор билан ўйлаб кўришимиз лозим.

Сал олдинроқ айтиб ўтганимдек “иш тузоғи” туфайли нажот ва шогирдлик бир хил тушунча эмаслигини, айниқса аниқ-равшан англаб етишимиз керак. Кўпчилик имонлилар гуноҳлари учун айбдор бўлишгани сабабли, ўзлари билмаган ҳолда ишларини Хушхабарга кўшишни бошлайдилар. Натижа эса – Исо биз учун хоҳлаган мўл-кўл ҳаётга эмас, рухий қулликка олиб келади (Юҳанно 10:10; 2Кор-га 1:5; Эфес-га 3:20).

Нажот – Хушхабарга ишонганимизда Худо томонидан бериладиган тухфа ҳисобланади. Бу тухфага сазовор бўлинмайди. Уни бизга Худо Ўзига қарши қилган гуноҳ ва адоватимизга қарамасдан таклиф қилади. Шогирдлик эса, Хушхабарга ишониш натижасида амалга оширадиган ҳаракатимиздир.

Биз Худога ва Исога бўлган севгимизни намоён қилиш учун Исога тақлид қиламиз. Исо – Худонинг мукамал инъикоси. Шунинг учун, биз ҳам шундай яшашни истаймиз.

Исо каби муқаддас ҳаётда яшашимиз учун кўплаб сабаблар бор. Улардан бири Худонинг севгисига эришиш эмас. Нажот бизга ҳеч қанчага тушмайди. У Хушхабарга ишонган барча учун текин. Шогирдлик бошқача айтганда, қийматга эга. Исога эргашиш доим ҳам осон эмас. Шогирд бўлиш – Худони севиш ва қадрлаш танлови демакдир. Бу Худо севган ва Хушхабар орқали Ўз оиласига олиб келишни хоҳлаган Худонинг суратига яратилган инсонларни ҳам севиш ва қадрлаш демакдир.

Исо Масихнинг ҳаёти ҳақида ўйлаб кўринг, у осон кечмаган. Муқаддас Китобда айтилганидек, “Масих сизлар учун азоб чекиб, намуна бўлди. Унга тақлид қилинглари” (1Бутрус 2:21). Исо қурбонлик бўлиш ҳаётида яшади. Унинг ҳаётида Худо биринчи ўринда турган, кейин унинг “яқинлари” (қолган барча одамлар):

“Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан севинг”. Бу биринчи ва энг буюк амр. Иккинчиси эса шунга ўхшашдир: “Ўзгани ўзингизни севгандай севинг”. Бутун Таврот ва пайғамбарларнинг ҳамма битиклари мана шу икки амрга таянади (Матто 22:36-40).

Исо, Худо Уни севиши ёки Ундан рози бўлиши учун шундай яшамаган. Худо Исони ер юзига Ўша бўлиб келиши ва аҳдни бажариш йўлидаги ишларини амалга оширишидан анча олдин севган. У Исони “оламни яратмасидан олдин” севган (Юҳанно 17:24).

Исога эргашиш қийин бўлиши мумкин. Ҳеч бир имонли ишониши билан бирданига Исога ўхшаб қолмайди ва доимо Исодек яшаш қийин бўлгани учун, ҳар бир шогирдга ўз хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ қалб ўзгариши (Муқаддас Китобда “тавба” деб аталадиган) керак.

Менга шундай ўзгариш керак эди. Мен баъзи ишларни қилишни тўхтатишим, айрим ишларни бажаришга киришишим лозим эди. Аммо буларнинг ҳеч қайси бири Худо мени севишига мажбур қила олмайди. У аллақачон мени севган эди.

Исо Худони севгани учун Худо каби яшади. Биз ҳам шундай иш тутишимиз лозим. Исо Ўзига ва Худонинг режасига ишонишлари учун бошқаларга

ёрдам бериш мақсадида белгиланган тарзда яшади. Ва биз ҳам ана шундай йўл тутишимиз керак. Исо нима учун ер юзида эканини, биз учун қандай кўрқинчли ўлим топишини биларди. Шу билан бирга, У Худонинг режаси ва кудратига ишонди. У ўликдан қайта тирилади ва яна Ота билан бирга бўлади.

Бизда ҳам ўша абадий келажак бўлиши лозим. Бу дунё бизнинг ҳақиқий уйимиз эмас, вақтинчалик турар жой. Кейингиси абадий бўлади. Исо уни амалга оширгани сабабли, у дунёдаги абадий ҳаётни мерос қилиб оламиз, бунисини эса ортда қолдирамиз. Ҳаётимизнинг мақсади – бизни қутқарган Зотга содиқ қолиб, миннатдор бўлиш, шунингдек бошқалар ҳам Худонинг оиласига киришига ёрдам беришдан иборат.

Аммо уддасидан чиқа олмасакчи? Агар гуноҳ қилсакчи? Агар иккаласи ҳам содир бўлсачи? Худо бу ҳақда билади. У инсонни жуда яхши билади. У бизнинг ким эканимизни билади. Аммо, Уни жавоб тариқасида севишимиз учун, бизда заррача бўлса ҳам қизиқиш пайдо бўлишидан олдин У бизни севди. У бизни душмани бўлган – “ҳали гуноҳга ботган чоғимизда” (Рим-га 5:8) севарди. Наҳотки, энди Унинг оиласи аъзоси бўлганимизда Худо бизни камроқ севса ёки умуман севмай қўйса? Гуноҳ қилсак ёки уддасидан чиқа олмасак, У бизни кечиради. У бизнинг ушбу ҳақиқатга ишониб яна Исога тақлид қилишни бошлашимизни истайди.

*Нима сабабдан Исо сингари яшаш керак?*

Ҳозир айтиб ўтганимдек, нима учун Исога ўхшаб яшашимизнинг жуда кўп сабаблари бор, аммо улардан бири Худонинг севгисини қозониш эмас. Хўш, улар қандай сабаблар?

Биринчидан, гуноҳ ўз-ўзини барбод қилишга олиб келади ва у нафақат бизга, балки атрофимиздаги инсонларга ҳам зарар етказади. Мен узоқ қариндошларим орасида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва эр-хотин хиёнатини кўрдим. Шубҳасиз, буларнинг барчаси ҳаётни барбод қилмоқда. Шубҳасиз, бу дунё, Худосиз маданият бизга завқ-шавқ ва ҳузур-ҳаловат кўринишида тақдим этадиган барча нарсалар вақтинчалик ҳамда доимий қадр-қимматга эга эмаслиги бирдек ошкор бўлиши лозим. Бу дунёнинг маданияти – ўзимизни мамнун қилишимиз, қийинчиликлар ҳақида ўйламасдан, ўз қарорларимизнинг натижаси бўлган (қўштирноқ остидаги) “бахтга” интилиб яшашимизга руҳлантиради. У бизни шу ерда ва ҳозирги вақтда яшашга чақиради. Муқаддас Китоб бундай дунёқарашни қоралайди:

“Дунёга ва ундаги нарсаларга кўнгил боғламанглар. Дунёни севган одамда Отамиз Худонинг севгиси бўлмайди. Зеро, дунёдаги бор нарса – инсон табиатининг хоҳишлари, нафс ва бойлик билан мағрурланиш

Отадан эмас, балки дунёдандир. Дунё ҳам унинг нафси ҳам ўтиб кетади. Худонинг иродасини бажарган одам эса абадий яшайди” (1Юҳанно 2:15-17).

Иккинчидан (ва бу биринчи сабабнинг иккинчи томони), Худо билан кечадиган ҳаёт бошқаларни ҳам баракалайди. Ҳақиқат шуки, бизнинг яшаш тарзимиз ва фикрларимиз бошқаларга ё барака келтиради, ё уларни лаънатлайди. Исо Масих одамларга хизмат қилди ва улар учун барака манбаи бўлди. Завқланиш учун худбин истаклар билан бошқариладиган ҳаёт ҳақиқий қониқишни ҳосил қилмайди. Супермаркетлардаги реклама бунинг исботидир. Биз бошқаларга барака бериш орқали нафақат Исони акс эттирган бўламиз, балки у бизни тўла-тўқис ҳаётга етаклайди. Агар бошқаларга хизмат қилиб яшасангиз, ҳаётингиз аҳамиятга эга бўлади.

Учинчидан, Худо билан ҳаёт кечириш Хушхабар ҳақида доимий равишда гувоҳлик бериш имконини беради. Агар одамлар ҳаётимизга назар солиб имонга эга бўлмаган дунё билан фарқини, бошқаларга хизмат қилиш ҳаётини кўрмасалар, уларнинг Хушхабарга ишонишлари қийин (ёки хижолат чекишади). Улар ҳаётимизда Исо ҳақидаги эзгу хабарга тўғри келмайдиган тесқари ҳаётни кўришади. Бошқача айтганда, одамлар биздан Исодек, яъни ўзимизнинг сўзларимизга кўра уларни яхши кўрадиган Исо каби яшашимизни кутишади. Мазмун-моҳият ҳам шунда. Буларга тўғри келмайдиган тесқари ҳаёт – иккиюзламачилик ҳисобланади. Иккиюзламачиликни эса, ҳеч ким хушламайди.

Худо билан ҳаёт кечириш жаннатга жойни ишлаб топишни англатмайди. Мазмун-моҳият биз тўплаган руҳий баҳолар туфайли Худони қарздор қилиб қўйишдан иборат эмас. Муқаддас Китобдан олинган шунга ўхшаш парчалар умуман бошқача қарашга эга:

“Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳаққи сизларга ёлвораман. Ўз танангизни тирик, муқаддас ва Худога манзур бўладиган қурбонлик сифатида бағишланг. Худога лойиқ бўлган асл хизмат мана шудир” (Рим-га 12:1-2).

Аммо Худонинг мустаҳкам пойдевори шундай муҳрга эга: “Бу пойдевор устига шундай сўзлар битилган: “Эгамиз ўзиникиларни билади” ва “Эгамизнинг номини тилга олган ҳар бир одам ёмонликдан узоқлашсин”. Катта бир уйда нафақат олтин ва кумуш идишлар, балки ёғоч ва сопол идишлар ҳам бор. Олтин ва кумуш идишлар хўжайинга шараф келтиради, қадрсиз идишлар эса унинг обрўйини тўқади. Ким ўзини мен айтган ёмонликлардан покласа, Эгаси учун шараф келтирадиган идишдай бўлади. Бундай одам Эгасига хизмат қилишга бағишланган, ҳар бир яхши иш қилишга тайёр бўлади” (2Тимў-га 2:19-21).

Масихга тегишли бўлганингиз сизларга далда беряпти, Унинг севгисидан тасалли топяпсиз, Муқаддас Рух билан мулоқотдасиз, юракларингиз меҳр-шафқатга тўла. Шундай экан, менинг шодлигимга шодлик қўшиб, бир хил фикр қилинг, бир-бирингизга меҳр-муҳаббат кўрсатинг, яқдиллик билан ҳамфикр бўлинг. Ҳеч бир ишни худбин ниятда қилманг, шуҳратпараст бўлманг, аксинча, камтарлик билан бошқаларни ўзингиздан юқори деб билинг. Фақат ўзингизни эмас, балки бошқаларнинг ҳам манфаатини кўзланг. Фикр-зикрингиз Исо Масихникидай бўлсин. Исо Масих Худонинг табиатига эга эди, шунда ҳам У Худо билан тенглигини маҳкам тутмади. Аксинча, У бу улуғворликдан воз кечиб, қул табиатига кирди, инсон бўлиб туғилди. У инсон қиёфасида яшаб, Ўзини паст тутди. Итоаткор бўлиб, ҳатто ўлимга, хочдаги ўлимга ҳам рози бўлди (Филип-га 2:1-8).

Муқаддас Каломдан олинган ушбу парчаларда қандай яшашимиз лозимлиги ҳақида гапирилган. Биз ҳали шогирдликнинг тафсилотларига етиб келмадик. Шогирд қандай яшайди? Шогирд нима иш қилади? Бу саволларга Исо Масихнинг илк шогирдлари – илк масихийлар жавоб бериб кетишган. Исо Масих Ўзи қилмаган ишни шогирдларидан бажаришни талаб қилмаган. У шогирдларига қандай яшаш лозимлигини кўрсатиб берди. Улар ўз навбатида, Исо кўрсатган намунага эргашишди ва худди шундай қилишни ёш имонлилар жамоатининг дастлабки кунлариданок бошқаларга ҳам ўргатишди.

## 9-БОБ

### ШОГИРД НИМА ИШ ҚИЛАДИ?

Эҳтимол, бу савол сизни ажаблантирар, аммо Исо Масих Ўз шогирдларидан кўп ишларни бажаришни талаб қилмаган. У ўрнатган мақсад, Худони ва бошқаларни севиш, қийин иш эмас эди. Бироқ, У бажаришни амр этган ҳар бир иш чуқур маъно касб этади ва у амалда қўлланилса, ҳаётни ўзгартиришга қодир. Биз шогирдликнинг энг муҳим бандидан бошлаймиз.

*Шогирдлар Худони, ўз яқинини ва бир-бирларини севадилар*

Исо Худога бағишланган ҳаётни қандай таърифлаганини биламиз. Мана ўша буюк амр:

“Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан севинг”. Бу биринчи ва энг буюк амр. Иккинчиси эса шунга ўхшашдир: “Ўзгани ўзингизни севгандай севинг”. Бутун Таврот ва пайғамбарларнинг ҳамма битиклари мана шу икки амрга таянади (Матто 22:36-40).

Исо Масих ана шундай яшади. У Ўз шогирдларига шундай деди: “Лекин дунё билсинки, Мен Отани севаман, Ота Менга неки буюрган бўлса, худди шуни бажараман” (Юҳанно 14:31). Исо Масих Худони, Ўз Отасини севишини қандай намоён қилди? У Худонинг Ўз ҳаётига нисбатан тузган режасини бажарди. У шунингдек, уларга деди: “Осмондаги Отам Мени қандай севган бўлса, Мен ҳам сизларни шундай севдим” (Юҳанно 15:9). Юқорида келтирилган иккита амрдан аён бўлдики, Исо Масих шогирдлари ҳам айнан шундай йўл тутишларини хоҳлаган.

Исо Масих Ўзидан мисол келтиришда давом этди. У шогирдларига, Мен сизларни қандай севган бўлсам, бир-бирларингизни шундай севинглар, деди. Шундай йўл тутиш орқали шогирдлар Исога бўйсундилар ва Худога манзур бўладилар. У шогирдларига деди:

Ким ўз жонини дўстлари учун фидо қилса, бундан ортиқ севги йўқ. Агар сизлар амрларимни бажо келтирсангизлар, Менинг дўстларим бўласизлар. Мен сизларни энди қул деб атамайман. Қул хўжайини нима қилишини билмайди. Сизларни дўстларим дейман, чунки Отамдан эшитган ҳамма нарсани сизларга айтдим. Сизлар Мени эмас, Мен сизларни танладим. Мен сизларни: “Бориб ҳосил берсин, ҳосили боқий бўлсин”, деб танладим. Шунда Менинг номимдан Отадан нима сўрасангизлар, У сизларга беради. Хуллас, сизларга амрим шу: бир-бирингизни севинглар! (Юҳанно 15:13-17)



...Мен сизларни қандай севган бўлсам, сизлар ҳам бир-бирингизни шундай севинглар. Агар бир-бирингизни севсангиз, сизлар Менинг шогирдларим эканингизни ҳамма шундан билиб олади (Юҳанно 13:34-35).

Исонинг сўзларига кўра, Худога ва бир-бирига бўлган севги, Исо шогирдларининг муҳим ва бажариши лозим бўлган белгиси ҳисобланади. Исо бу икки амрда бир-бирига қарши жиҳатни кўрмади. Улар бир-бирига тескари эмас. Бу танганинг икки томони холос. Улар бир-биридан ажралмас, узвий боғлиқдир.

Бироқ, одамларни қандай сева оламиз? Жонини фидо қилиш – севгининг буюк ифодасидир. “Ким Ўз жонини дўстлари учун фидо қилса, бундан ортиқ севги йўқ” (Юҳанно 15:13). Исо ҳам биз учун айнан шундай қилди.

Солиҳ инсон учун ҳам ўлишга рози бўладиган бирорта инсонни топиш кийин. Эҳтимол, кимдир ҳимматли инсон учун ўлишга журъат қилар. Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масиҳ биз учун ўлди (Рим-га 5:7-8).

Севгининг энг яхши таърифи 1 Коринфликларга ёзилган мактуб 13:4-7 да келтирилган. Унда барча зарур хислатлар айтиб ўтилади. Қуйидагилар ушбу парчадан олинган севгининг айрим хусусиятларидир:

- Севги сабр-тоқатли;
- Севги меҳрибондир;
- Севги ҳасад қилмайди;
- Севги мақтанмайди;
- Севги кеккаймайди;
- Севги одобсизлик қилмайди;
- Севги худбинлик қилмайди;
- Севги аччиқланмайди;
- Севги кек сақламайди;
- Севги ноҳақликдан севинмайди;
- Севги ҳақиқат қарор топганда шодланади;
- Севги ҳар нарсани кўтаради;
- Севги ҳеч қачон ишончини йўқотмайди;
- Севги ҳар қандай шароитда умид сақлайди;
- Севги ҳар нарсага тоқат қилади

Ушбу бандларни одатда Муқаддас Валентин кунига аталган табрик хатларида кўриш мумкин. Бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Биз турмуш ўртоғимизни ёки умр йўлдошимизга айланиши мумкин бўлган инсонни севишимиз лозим. Бироқ, 1 Коринфликларга 13:4-7-оятлар романтик

муносабатлар ҳақида эмас. Биз барча одамлар билан ана шундай севгига асосланган муносабат қуришимиз лозим. Улар бу севгини тан олиши ёки олмасликлари муҳим эмас. Худо ҳаммасини кўриб ва билиб туради.

Баъзи фикрларни матндан, бошқа фикрларни эса ўз кетма кетлигида кўриш керак. Масалан, “севги ҳеч қачон ишончини йўқотмайди” ибораси “севги ҳақиқат қарор топганда шодланади” ибораси билан мувозанатлашади. Биз “севги ҳеч қачон ишончини йўқотмайди” иборасини алоҳида ажратиб кўриб чиқа олмаймиз, акс ҳолда у бизни севги ёлғонга ёки ёлғон таълимотга ишонади, деган хулосага олиб келиши мумкин. Худди шундай, “Севги ҳар қандай шароитда умид сақлайди” дегани, ким биландир ёмон ҳодиса юз беришига умид қилишини англамайди. Шунга қарамай, ушбу рўйхатни тушуниш осон, лекин уни ҳар куни бажариш қийин.

Давом этишдан олдин яна бир тафсилотга тўхталсак. Шунинг англаш лозимки, нимаики шогирдлик ҳисобланса, деярли барчаси Исо Масиҳнинг куйидаги амрига асосланган: “Бир-бирингизни севинглар. Мен сизларни қандай севган бўлсам, сизлар ҳам бир-бирингизни шундай севинглар. Агар бир-бирингизни севсангиз, сизлар Менинг шогирдларим эканингизни ҳамма шундан билиб олади” (Юҳанно 13:34-35). Бир-бирини севиш, одамларни севиш – шогирдлар қолган бошқа ишларни бажаришда (ибодат, рўза тутиш, хайр-эҳсон, мулоқот ва бошқаларда) марказий нуқта ҳисобланади. Буларнинг барчаси асосий амрнинг амалдаги ифодасидир.

### *Шогирдлар бир-бирларига ғамхўрлик қиладилар*

Шогирдликнинг ушбу таркибий қисми бир-бирини севишнинг натижаси ҳисобланади. Бир-бирига ғамхўрлик қилиш жамоанинг ўсиб боришида иштирок этишни тақозо қилади.

Ҳосил байрамидан кейин (Ҳавор-га 2:1-4), Хушxabарни қабул қилган кўплаб одамлар кейинчалик имонлилар жамоати деб номланган (ўша даврдаги Қуддусдаги жамоат) ўсиб бораётган жамоанинг бир қисмига айландилар. Янги Аҳдда бу атама бино-иншоот ёки расмий ташкилот билан боғлиқ эмас. Янги Аҳдда Қуддусдаги имонлилар жамоати ниҳоятда камбағал бўлгани ҳақида маълумот берилган. Уларда йиғилиш ўтказадиган бино бўлмаган (у ерда минглаб янги имонлилар бўлган (Ҳавор-га 2:41, 47; 5:14)). Уларнинг қонуний, расмий ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган. Шу сабаб, имонлилар қувғинларни бошдан кечирдилар (Ҳавор-га 3:11 – 4:31; 5:17-42).

Агар имонлилар жамоати қонуний ҳуқуққа эга бўлган бино ёки ташкилотга боғлиқ бўлмаса, унда жамоатнинг маъноси нимадан иборат эди? Исо Масиҳнинг издошлари ўзларини қандай қўллаб турдилар? Улар ўзларини қурбон қилишга тайёр бўлган қалин жамоани шакллантирдилар. Биз

кўпинча замонавий имонлилар жамоатида умумий қизиқишлари бир-бирини боғлаб турган инсонлар гуруҳини тасвирлаш учун “жамоа” сўзини ишлатамиз, масалан спортчилар жамоасининг мухлислари ёки бир мақсадни кўзлаган грух. Аммо бу Янги Аҳддаги жамоатдан бутунлай фарқ қилади. Янги Аҳддаги имонлилар жамоаси бир оиладек бўлишган.

Оила билан умумий қизиқишлари боғлаб турган одамлар гуруҳи ўртасидаги фарқ нимада? Жуда кўп нарсада. Кимдир сизга ижара ҳақини тўлашингизга ёки фақатгина ўша баскетбол жамоасининг мухлиси бўлганингиз сабабли озиқ-овқат учун пул беришини кутишингиз мумкинми? Кимдир сизга ўша номзотга овоз беришингиз ёки у билан бирга 5 км.га югурганингиз сабабли хайрли ишга пул жамғаришингиз учун сизни иш билан таъминлаши ёки автомобилнингизни таъмирлатиб бериши мумкинми? Албатта, йўқ. Аммо, биз оила аъзоларимиздан ёрдам кутишимиз мумкин (қон қариндошлардан таркиб топган соғлом оила ана шундай шаклланиши лозим).

Имонлиларнинг илк жамоати айнан шундай бўлган. Мана унинг бир мисоли:

Шундай қилиб, Бутруснинг айтган хабарига ишонганлар сувга чўмдирилди. Ўша куни имонлилар сони уч мингтага кўпайди. Улар ҳаворийларнинг таълимотини ўрганишга, биродарликка, Раббимиз Исони хотирлаб, нон синдиришга ва ибодатга ўзларини бағишладилар. Ҳаворийлар орқали Худо кўплаб мўъжизалар ва аломатлар кўрсатарди, бундан эса ҳамма ҳайратга тушган эди. барча имонлилар тез-тез йиғилишиб турар эдилар. Улар ҳамма нарсада ҳамжихат эдилар. Мол-мулкларини сотиб, пулини ҳар кимнинг эҳтиёжига қараб тақсимлаб берардилар. Имонлилар ҳар куни Маъбадда йиғилардилар. Бир-бириникига меҳмонга борганда эса Раббимиз Исони хотирлаш учун нон синдирардилар, соддалик билан, юракдан севиниб овқатланишарди. Худога ҳамду-санолар айтардилар, халқнинг ҳурмату эътиборидан баҳраманд эдилар. Ҳар куни Эгамиз нажот топаётганларни имонлиларнинг қаторига кўшарди (Ҳавор-га 2:41-47).

Муқаддас Китобдан олинган ушбу парчада коммунизм ёки социализм тасвирланмаган. Унда қайсидир сиёсий тузум гавдалантирилмаган. Бу ерда кўрсатмалар берадиган ёки одамлар ўзини худди парчада ёзилганидек тутишлари учун мажбурлайдиган ҳукумат ёки давлат ҳақида биронта гап айтилмаган. Ҳамма ишлар ихтиёрий равишда бажарилган. Келтирилган парчада табиий ва соғлом оила гавдалантирилади. Оилада оила аъзоларининг муҳтожликлари тўлдирилган. Фақат бу оила минглаб одамлардан иборат бўлган.

Бу парчада шогирдлар ўзини қандай тутишгани тасвирланган. Улар жамоани ўстиряптилар. Улар бир-бирларини севадилар ва худди бир оиладек бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар. Бу мол-мулкларидан биргаликда фойдаланишни англатади. Айрим имонлилар учун бу пулни, бошқа бировлар учун вақтни ёки хизматни ёки малакани англатиши мумкин. Натижада, жамоа ўз аъзолари учун барча зарурий ишларни бажаради.

Эҳтимол, сиз шундай жуда кўп сонли жамоада одамлар бир-бирини қандай танийдилар, деб сўрашингиз мумкин. Имонлилар бирга Маъбадда (бу одатда, яхудий етакчилари билан келишмовчиликларга сабаб бўлган, аммо Хушxabар айтиш учун қулай эди), шунингдек “хонадонларда” йиғилишган (Хавор-га 2:46; 5:42). Бу Қуддусдаги “имонлилар жамоати”, масихийларнинг илк жамоаси, аслида кичик жамоанинг бир тармоғи бўлган. Кичик жамоа янги имонлиларга ғамхўрлик қилиш ва мадад бўлишнинг дастлабки йўли эди.

Бу жамоалар энди имонга келганлар учун кириш нуқтаси бўлган. Масихийлар жамоаси Хушxabарни қабул қилган инсонларга хизмат қилишган. Ҳар бир жамоа ўз аъзосининг Масихнинг шогирди сифатида ўсиб бориши жараёнида иштирок этган ва жамоадаги имонлиларга кенг маънода таъсирини ўтказа олган. Бу қандай кўринишга эга бўлган?

Одатда, биринчи галда янги имонга келганлар сувга чўмдирилган (Хавор-га 2:41; 8:12-13; 10:47-48; 16:15). Сувга чўмдирилиш – ўзларини Исо Масих ва Унинг издошлари билан бир хил деб ҳисоблаганларининг ошкора ҳаракати эди. Сувга чўмдирилишда гувоҳлар, яъни бошқа жамоа аъзолари иштирок этишган. Бу икки нарсани англатади, яъни Исо Масихнинг хочдаги ўлими орқали сизнинг гуноҳларингиз кечирилди, шунингдек энди сизлар янги ҳаётга эга бўлдингизлар деган маъноларни англатган (Рим-га 6:1-4; 2Кор-га 5:17). Сувга чўмиш жамоа ҳаётига кириб боришдаги биринчи кадам эди. Сувга чўмаётганлар Исога ишонишларини эълон қилишган, гувоҳлар эса уларнинг бағишланишларини тан олишган.

Имонлилар жамоа бўлиб йиғилганларида муҳтожликлар аён бўлган. Бу муҳтожликлар кичик жамоанинг кўмаги билан қопланса, албатта ёрдам берилган. Муҳтожларга ёрдам кўрсатган имонлиларга бу Исога тақлид қилиш имконини берган. Ёрдам олган одамни Исо каби “реал вақт” тартибида яшашга ўргатганлар. Агар муҳтожликларни тўлдиришга кичик жамоанинг кучи етмаса, бошқа жамоа ёрдам берган. Хаворийларнинг айнан шундай ўзаро мувофиқлашган хизмати учун Исо Масихнинг илк шогирдлари – Қуддусдаги ёш имонлилар жамоатининг етакчилари ёрдамчилар (“дьяконларни”) тайинлашди. Дьяконлар бутун жамоа бўйлаб

“ҳар кунлик тарқатиш” (эҳтимол, озиқ-овқат бўлиши мумкин) ишларини йўлга қўйишган (Ҳавор-га 6:1-7).

Илк имонлилар жамоатининг амалларидан бири “Қутлуғ кеча” билан боғлиқ байрам ўтказилган (1Кор-га 11:17-34). Исо Ўз шогирдларига Унинг танаси ва қони тез орада улар учун қурбон бўлишини айтган ўша Яширин кечликда “Қутлуғ кеча” нишонланган. Исо уларга “Янги Аҳд”нинг амалга ошиши учун Ўз ҳаётини қурбон қилишини айтди (Луқа 22:20). “Қутлуғ кеча”ни нишонлашга таъриф берилганда ҳам шу ҳақда айтилади (1Кор-га 11:25). “Қутлуғ кеча”да Исо Масих амалга оширган иш ёдга олинади. Исо Ўз шогирдларига: Кечликни тановул қилганда “Мени хотирланглар”, дея амр берган. Кечлик жамоадаги камбағалларга ғамхўрлик қилишда ҳам ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилган.

### *Шогирдларнинг мулоқоти*

“Мулоқот” – Янги Аҳдда имонлилар жамоасининг ҳаракатини таърифловчи сўздир. Бир-бирига ғамхўрлик қилиш Муқаддас Китобдаги мулоқотнинг бир қисми ҳисобланади, чунки имонлилар бир жойга йиғилганларида муҳтожликлар маълум бўлиши ва ёрдам кўрсатилиши мумкин. Шунга карамай, шогирдларнинг бошқа фарқли ҳислатлари ҳақида гаплашишимиз учун мулоқот тушунчасини қисқача муҳокама қиламиз.

Бугунги кунда кўплаб масиҳийлар “мулоқотни” бирга кўнгилдан вақт ўтказиш билан тенглаштиришади. Албатта, биргаликда вақтичоғлик қилиш муносабатни янада мустаҳкамлайди. Инсонлар кўпчилик йиғилган давраларни хуш кўрса, бу ўрталаридаги ўзаро алоқани мустаҳкамлайди. Аммо, Муқаддас Китобдаги шогирдлик билан боғлиқ мулоқотнинг моҳияти бунда эмас.

Ўртоқлик учрашувлари билан Муқаддас Китобдаги мулоқот орасидаги асосий фарқ шундаки, Каломдаги мулоқот бу шунчаки бирга вақт ўтказиш эмас. Унда муайян мақсад бор. Мулоқотдан кўзланган мақсад – “ҳамфикр” бўлишдир, токи биз ўзаро Масихнинг фикрига эга бўлишимиз учун, Унинг марказида Исо Масих туради. Бошқача айтганда, мулоқот қилишдан мақсад – шогирдликдир. Бу фикр Филиппиликларга ёзилган мактубда куйидагича ифодаланган:

Нима бўлишидан қатъи назар, Масих Хушхабарига лойиқ тарзда ҳаёт кечиринглар. Шундай яшангларки, мен сизларни кўришга борганимда Хушхабарнинг самараси бўлган имон учун яқдиллик билан курашиб, бир руҳда мустаҳкам турганингизни кўрай! Аммо сизларни кўришга боролмасам, шундай хабар эшитай (Филипп-га 1:27).

Масихга тегишли бўлганингиз сизларга далда беряпти, Унинг севгисидан тасалли топяпсиз, Муқаддас Рух билан мулоқотдасиз, юракларингиз меҳр-шафқатга тўла. Шундай экан, менинг шодлигимга шодлик қўшиб, бир хил фикр қилинг, бир-бирингизга меҳр-муҳаббат кўрсатинг, яқдиллик билан ҳамфикр бўлинг... Фикр-зикрингиз Исо Масихникидай бўлсин (Филип-га 2:1-2, 5).

Имонлилар жамоаси учун Исо Масихникидай фикрга эга бўлиш ва шунингдек, ҳамфикр бўлиш нимани англатади? Бу барча икир-чикирларигача ҳамма ишонган фикрга ишонишми? Йўқ. Муқаддас Китобда ҳамфикр бўлиш ҳақида гапирилади, бир хиллик ҳақида эмас. “Ҳамфикр бўлиш” жамоанинг ҳар бир аъзоси битта мақсадга – Исо Масихга ўхшашга интилиши лозимлигини англатади. Исо Масихга ўхшашга ҳаракат қилишда, шунингдек имонлилар жамоасининг ҳаётида мақсад – уйғунликдир, асло бир хиллик эмас.

Имонлиларнинг илк жамоаси ушбу мақсадга эришиш йўлида турли усуллардан фойдаланишган. Улар ибодат қилишган, рўза тутишган, топинишган ва Муқаддас Битикларни ўрганишган. Буларнинг барини шогирдлар ўзлари алоҳида ва шунингдек биргаликда бажаришган, шу сабаб, уларнинг ҳар бирига тўхталиб ўтишимиз лозим.

### *Шогирдлар ибодат қилишади*

Содда қилиб айтганда, ибодат – Худо билан гаплашишдир. Бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўришга тўғри келади. Наҳотки, Худо бизнинг ўй-фикрларимизни билмаса? Билади. Хўш, унда нима учун ибодат қилиш керак? Ибодат Худони хабардор қилиш учун керак эмас. Ибодат орқали биз Худога тобе эканимизни Унга (ва бошқаларга) намоён қиламиз. Шу йўл билан Худо ҳаракатга келишни бошлаши учун ўз хоҳиш-иродамизни ифода этамиз, биз ўз кучимизга суянмаслигимизни ва муаммоларимизга Худосиз ечим топа олмаслигимизни кўрсатамиз. Ибодат ҳис-туйғуларимизни Худога тобе қилади. Хавфсизлигимиз фақат Унда эканини ибодатда тан оламиз. Шу маънода ибодат, бу топинишдир. Бу биргаликда ибодат қилишга ҳам тааллуқлидир.

Луқо 11:1 да шогирдлар Яҳё чўмдирувчи ва унинг издошлари ҳақида гапириб, Исодан сўрашди: “Ҳазрат! Яҳё ўз шогирдларига ибодат қилишни ўргатганди. Сиз ҳам бизга ибодат қилишни ўргатинг”. Ҳаммамизга таниш бўлган “Раббимизнинг ибодати”(Осмондаги Отамиз) Исонинг жавоби эди (Луқо 11:2-4; Матто 6:9-15). Шуни таъкидлаш керакки, “Раббимизнинг ибодати”да Исо шогирдларига айнан қайси сўзларни ишлатиб ибодат

қилишлари кераклигини айтмади. У “шундай” ибодат қилинглари деди (Матто 9:9), яъни У ибодатнинг намунасини берди. Биз Худо билан гаплашишимиз учун албатта шартли ифодалар ёки махсус сўзлардан фойдаланишимиз шарт эмас. Шунчаки У билан гаплашинг. Бундан ташқари, ибодат хўжақўрсинга, яъни кўрсатиш учун мўлжалланмаган (Луқо 18:9-14).

“Раббимизнинг ибодати”да Худога маълум бўлмаган ҳеч нарса йўқ. Яна бир бор таъкидлаймизки, ибодатнинг моҳияти Худонинг билимидаги бўшлиқларни тўлдиришда эмас. Аксинча, “Раббимизнинг ибодати” Худога топиниш ва эҳтиром кўрсатиш (“Сенинг муқаддас исминг улуғлансин”), Худонинг иродасига бўйсунуш (“Сенинг ироданг бўлсин”), кечириш (“бизга гуноҳ қилганларни биз кечираётгандек, Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин”) каби сўзлар билан суғорилган. Ушбу ибодатда васваса ва ёвузликдан халос бўлиш учун илтижо қилинади (“бизни васвасага дучор қилмагин, аммо ёвуз шайтондан халос қилгин”).

Ибодат – юракларимизни ҳаётимиздаги Худонинг ҳукмронлиги билан уйғунлаштириши ва бизда Унга боғланиш муносабатини яратиши лозим.

Муқаддас Китоб яқка ҳолдаги ва биргаликдаги жамоавий ибодатларга тўла. Агар уларни ўқисангиз, ибодат ёрдамида Худога ғазаб, қайғу, севги ва шунга ўхшаш ҳис-туйғуларимизни тўкиб солиш воситаси ҳам эканини билиб оласиз. Биз шундай қилганимизда Худо ниманидир ўрганмайди. Аксинча, биз Худонинг меҳрибон ва бизга нисбатан эзгу мақсадга эга эканига ишониб, Ундан ёрдам сўраб, Унга итоат этишни ўрганамиз. Исо Худо ҳақиқатан ҳам Ўзининг доно иродаси бўйича жавоб беришини ваъда қилган. Бошқача айтганда, Худонинг жавоблари ҳар доим ҳам биз хоҳлагандек бўлмаслиги мумкин. Бироқ, Худо одамзот тажрибаси ва хулқ-атвори ортидаги ҳамма нарсани билади ва Ўзининг буюк режасини амалга ошириш устида ишлайди. Шунингдек, Худо биз кутмаган тарзда жавоб бериши ҳам мумкин.

Шу билан бирга, Муқаддас Китобдаги ибодатлар худбин эмас. Уларнинг аксарият қисми бошқаларни марҳаматлашга ёки бошқаларга Худодан раҳм-шафқат сўрашга қаратилган. Павлуснинг мактублари одатда, у ёзаётган одамларга қаратилган ибодатларни ўз ичига олади. Асосийси, ибодат бизнинг шахсий муҳтожликларимиз ва истакларимизни айтишимизни кўзда тутмайди.

Исо мунтазам равишда ибодат қилган. У Ўзининг доимо ибодатда бўлиш керак деган таълимотига амал қилди (Колос-га 4:2-6; Луқо 18:1-8). Исо ҳар бир ибодатига жавоб олмаган. Бу Уни ранжитмади, У кўпроқ Худонинг иродаси амалга ошиши пайдан бўлди (Матто 26:36-46). Бу биз учун муҳим

эслатмадир. Исо бизга, агар ибодат қилсак Худо ибодатларимизга жавоб беради, деб ўргатган (Луқо 11:9-13). Бироқ, Худодан хоҳлаганимиздай жавоб беришни кутмаслигимиз керак, айниқса Унга итоатсиз ёки иродасига мос келмасак (Ёқуб 4:3; 1Юҳанно 3:22, 5:14).

### *Шогирдларнинг рўза тутиши (ёки Шогирдлар рўза тутди)*

Эҳтимол, рўза тутиш кўп ўқувчиларга нотаниш тажриба бўлиши мумкин. Одатда, “рўза тутиш” нимадандир тийилишни англатади. Овқатдан “рўза тутиш” – овқатланишдан тийилишни билдиради. Муқаддас Китобда айнан шу рўзани бошқаларига қараганда кўп учратамиз. Исо рўза тутди (Матто 4:2). Шогирдлари Ундан ўрнак олиб эргашадилар, деб ҳисоблаган ва уларни рўза тутадиганларида иккиюзламачи бўлмасликлари учун огоҳлантирган (Матто 16-18). Рўза тутишнинг маъноси ўзига кўпроқ эътиборни жалб қилиш эмас. Рўза тутиш – сиз ва Худо ўртасидаги нимадир.

Рўза – шунчаки овқатланишдан тийилиш эмас. Сиз хоҳлаганча турли нарсалардан рўза тутишингиз мумкин. Исо бизга озиш учун формула бермаган. У рўза тутганида ва рўза тутиш ҳақида таълим берганида, бошқа жиҳатни назарда тутган. Муқаддас Китобда рўза тутишнинг кўплаб ҳолатлари тасвирланган бўлсада, унинг аниқ қоидалари мавжуд эмас. Масалан, Павлус ибодатга алоҳида эътибор қаратиш учун, эр-хотин жинсий яқинликдан ўзларини тийишлари мумкинлигини айтиб ўтган (1Кор-га 7:1-5).

Аmmo нима учун рўза тутиш керак? Павлуснинг Коринфликларга ёзган биринчи мактуби 7-боб, 5-оятда эр-хотинлар маълум муддат жинсий яқинликдан тийилишга рози эканликларининг сабабини қуйидагича изоҳлайди: “Бир бирингиздан бош тортманглар. Фақатгина ўзаро келишган ҳолда, ўзингизни ибодатга бағишлаш учунгина жинсий алоқадан ўзингизни тутиб турунг”. Рўза тутиш, бу ибодатга диққат қаратишимизда бизга ёрдам берадиган руҳий амалиёт ҳисобланади. Бу қандай содир бўлади? Эҳтимол, мисоллар ёрдам бериши мумкин. Агарда сиз кун давомида овқатланишдан тийилишга қарор қилганингизда очликни ҳис қилсангиз, бу ибодат қилишга эслатмадир. Тутган рўзангиз эслатма ҳисобланади ва диққатингизни рўза тутишга қарор қилган сабабга қайтаради.

Рўза тутишни бошқача тарзда кўриб чиқиш ҳам мумкин. Агар, нима бизни ибодат қилишдан ёки умумий маънода, Худо билан юришимиздан чалғитади, деб сўрасак, унинг жавоби телефонимиз, телевизор ёки ёқтирган бошқа машғулотибиз бўлиши мумкин. Ақлимизни Худога ва ибодатга қайтаришимиз учун, буларнинг барчасини биров вақтга қолдиришимиз мумкин (улардан “рўза” тутган ҳолда).



Дастлабки имонлилар жамоасининг барчаси аъзоси диққат-эътиборларини ибодатга қаратиш учун биргаликда рўза тутдилар (Ҳавор-га 13:1-3; 14:23). Эски Аҳдда биргаликда рўза тутиш орқали гуноҳлари учун қайғураётганларини ёки тавба қилиб мотам тутганларини намоён қилганлар (Еремиё 36:6; Йўэл 2:12).

### *Шогирдлар сажда қиладилар*

Эҳтимол, топинишни аниқлаш ёки тушуниш осон деб ўйларсиз. Бир томондан қараганда шундай, амма бошқа томондан қаралса, ҳаммаси ҳам унчалик оддий эмас. Биз деярли доимо топинишни имонлилар жамоатидаги хизматларда асосан мусиқа билан куйланадиган жараён билан тенглаштирамиз. Мусиқа ва кўшиқлар масиҳийлар йиғилишининг бир қисми бўлишига қарамай (Эфес-га 5:19; Колос-га 3:16), булар Муқаддас Китоб таърифига биноан топиниш ҳисобланмайди. Топинишни ички тасаввурга асосланган ҳиссиёт ёки ташвиш деб ўйлаш – маданиятимиздаги мавжуд мойилликдир. Бу ҳам топинишга кирмайди. Мулоҳаза юритишимиз мумкин бўлган Муқаддас Китобдан олинган кўплаб парчалар бор, аммо келинг шулардан иккитасига тўхталиб ўтамиз:

Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳаққи сизларга ёлвораман. Ўз танангизни тирик, муқаддас ва Худога манзур бўладиган қурбонлик сифатида бағишланг. Худога лойиқ бўлган асл хизмат мана шудир (Рим-га 12:1-2).

Аммо шундай вақтлар келадикки, ҳақиқий сажда қилувчилар Отага Рухда ва ҳақиқатда сажда қиладилар (Юҳанно 4:23).

Биз муқаддас ҳаёт ҳақидаги мунозарамизда биринчи келтирилган матндаги парча ҳақида гаплашган эдик. Худога қандай топиниш лозим? Исо каби яшаб. Дунёга, унинг қадриятларига, худбинларча завқланиш иштиёқига уйғунлашманг. Мана шу топинишдир. Шу тарзда, ҳақиқий, чин топиниш қалб – юрак билан боғлиқ.

Иккинчи келтирилган парча аниқ сабабга кўра қизиқарлидир. Исо аёлга, Худо Ўзига топинадиган инсонларни қидираётганини айтади. Шу сабаб, топиниш биздан чиқадиган нимадир эмас. Бизни Худонинг эзгулиги ва севгисига жавоб қайтаришга чақиришади. Буни қандай ва қаерда бажаришимиз турлича бўлиши мумкин. Буни яқка ўзимиз мусиқа билан ёки мусикасиз, жамоат хизматлари вақтида ёки ундан ташқарида қила оламиз. Шунингдек, уни бошқа имонли биродарлар билан муносабат қилганимизда ҳам адо эта оламиз.

Имонлилар бирга йиғилганларида, улар “бир-бирларини меҳр-муҳаббатга ва хайрли ишларга чорлайдилар” (Иброн-га 10:24-25). Бошқача айтганда, улар Исога тақлид қилиб, бир-бирларини руҳан топинишга ундайдилар. Улар Худонинг меҳрибонлиги, севгиси ва ҳаётларини олдиндан кўра билгани учун улуғлайдилар (Хавор-га 2:46-47; Ёкуб 5:13). Топиниш (мадҳ этиш) – кўшиқ куйлаш, мусиқани ўз ичига олади (Матто 26:30; Эфес-га 5:19; Колос-га 3:16), у муқаддас ҳаёт билан доимий боғлиқ бўлган: “...чунки мен сизларнинг аъло нарсаларни танлашингизни, Масих келадиган кунда пок ва айбсиз бўлишингизни истайман. Токи сизларнинг ҳаётингиз Исо Масих кучи орқали солиҳлик самарасига тўлиб, Худога шараф ва мактов келтирсин” (Филип-га 1:10-11).

Бизнинг Худога бўлган “руҳий топинишимиз” ҳаёт тарзимиз билан чамбарчас боғлиқлигини назаримиздан четда қолдира олмаймиз (Рим-га 12:1-2). Топиниш, бу уйда ёки имонлилар жамоатидаги ўттиз дақиқалик кечинмаларимиз эмас. Гап, Худо томонидан бошқариладиган ва Худога қаратилган ҳаёт ҳақида бормоқда.

*Шогирдлар гуноҳларини эътироф этади ва Худонинг кечиримини қабул қиладилар*

Шогирд Исога эргашиш йўлида муваффақиятсизлик ва тушкунликка дуч келади. Исодан бошқа ҳеч биримиз гуноҳсиз эмасмиз (2Кор-га 5:21; 1Бутрус 2:21-22; 1Юҳанно 3:5). Ундан ташқари, биз ер юзида ҳеч қачон гуноҳсиз бўлмаймиз. Бу ҳақда Муқаддас Китоб аниқ таълим беради. Шогирдлар гуноҳ қилишди (Марк 14:30, 68, 72). Улардан бири Юҳанно шундай ёзади:

Борди-ю, Худо сингари нурда яшасак, биз биродарларимиз билан уйғунликда яшаймиз ва Худо Ўз Ўғли Исонинг қони орқали бизни ҳар қандай гуноҳдан поклайди. Агар гуноҳимиз йўқ десак, ўзимизни ўзимиз алдаган бўламиз ва бизда ҳақиқат бўлмайди. Борди-ю, гуноҳларимизни эътироф этсак, содиқ ва адолатли бўлган Худо гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ёмонликдан фориғ қилади. Агар гуноҳ қилганимиз йўқ десак, Худони ёлғончига чиқарган бўламиз. Демак, Унинг каломи қалбимиздан жой олмаган бўлади (1Юҳанно 1:7-10).

Худо оиласининг аъзоси бўлишимиз амалларимиз билан боғлиқ эмаслигини англаб етиш ёқимлидир. Бизнинг хайрли ишларимиз Худони қарздор қила олмайди. Унинг олдидаги хизматларимиз туфайли, У бизга абадий ҳаёт беришга қарздор эмас. Амалларимиз (ёки уларнинг етишмаслиги) Уни биздан совутмайди. Худо бизни “ҳали гуноҳга ботган чоғимизда”ёқ севган (Рим-га 5:8). Шундай экан, баркамол ахлоқ билан

нажотга эришиб бўлмайди ва уни ахлоқий ноқислик туфайли ҳам йўқотиб бўлмаслигини ёдда тутишимиз лозим.

Мукамал эмас эканмиз, Исонинг ҳақиқий шогирди ўз диққатини Худонинг меҳри ва севгисига қаратиши лозим. Юҳаннонинг мактубидан олинган парчага яна бир бор кўз югуртиринг. Худога панд берганимизда, Исога эргашиш истагимизга ҳадеб нимадир зид келаверганида ёки бажаришимиз лозим бўлган ишни қилмаганимизда, у қандай йўл тутишимизни аниқ айтиб ўтган: “Борди-ю, гуноҳларимизни эътироф этсак, содиқ ва адолатли бўлган Худо гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ёмонликдан фориғ қилади”.

Гуноҳ қилсак ёки тушкунликка тушсак, уни тан олишимиз керак. Бу эътироф этишни англатади. Биз гуноҳимизни яшириб, уни оқлай олмаймиз. Худо гуноҳ қилганимизни тан олишимизни истайди. Нима сабабдан? Чунки биздан итоат қилиш талаб этилади. Нажотни биз учун бошқа кимдир – Исо амалга оширганини ва нажот биз ишлаб топадиган нимадир эмаслигини эсда сақлашимиз лозим. Эътироф этиш орқали биз Исо Масих туфайли Худонинг фарзандлари эканимизни тан оламиз. Гуноҳимиз бизни Худодан ажратмаслигига амин бўлишимиз мумкин; биз оиладан ҳайдалмаймиз (Рим-га 8:31-39). Худо камчиликларимиз борлигини Хушхабарни қабул қилишимиздан олдин ҳам билар эди. Бу Худо учун сюрприз эмас. Ва бу, Унинг бизга бўлган муносабатини ўзгартирмайди.

Ундай бўлса, мантиқий савол туғилади: нега шунчаки хотиржам бўлиб гуноҳ қилмаймиз? Янги Аҳд шогирдлари ана шундай муносабатга дуч келишди. Ҳаворий Павлус буни Римдаги масиҳийларга ёзган мактубида муҳокама қилган эди:

Хўш, нима дейлик? Иноят кўпаяверсин деб, гуноҳ қилишда давом этаверамизми? Йўқ, асло! Биз гуноҳ учун ўлганмиз. Энди қандай қилиб гуноҳ қилиб яшайверамиз?

Шундай қилиб, энди гуноҳ сизларнинг фоний таналарингиз устидан ҳокимлик қилмасин, худбин истақларингизга итоат этманглар. Танангизнинг ҳеч бир аъзосини ёмонлик қуроли қилиб, гуноҳнинг измига топширманглар. Аксинча, ўзингизни Худонинг измига топширинглар, чунки сизлар олдин ўлик эдингизлар, энди эса янги ҳаётга эгасизлар. Сизларнинг танангиз Худонинг солиҳлик қуроли бўлсин. Гуноҳ сизларнинг устингиздан ҳукмрон бўлмайди, чунки сизлар энди қонун остида эмас, иноят паноҳидасизлар. Хўш, буёғи энди нима бўлади? Қонун остида эмас, балки иноят паноҳида бўлганимиз учун гуноҳ қилаверайликми? Йўқ, асло! Биласизлар-ку, сиз ўзингизни итоаткор қул қилиб кимнинг измига топширсангизлар, ўшанинг қули

бўласизлар. Сизлар кимга бўйсунасизлар? Ўлимга олиб борувчи гуноҳгами ёки солиҳликка етакловчи итоаткорликками? (Рим-га 6:1-2, 12-16)

Эътибор беринг, Муқаддас Китобда: “Қаранг, гуноҳ қилманг! Акс ҳолда, Худо сизни бошқа севмайди”, деб ёзилганми? Йўқ! Муаммо ўз-ўзини йўқ қилиш қуллигига қайтишда эди. Демак, бир томондан қараганда биз гуноҳ қиламиз, аммо бошқа томондан гуноҳдан сақланишимиз керак. Павлуснинг ўзи ҳам ҳаёти давомида бу курашни бошдан кечирган (Рим-га 7:7-25). Аммо, шунга қарамай, у Исонинг ажойиб издоши бўлган. Янги Аҳд бизни ичимизда уруш авжига чиқиши ҳақида кўп маротаба огоҳлантиради.

Юрагимиз Исога эргашишни хоҳлайди, аммо номукамал “нафсимиз” хузурланишни ва худбин ҳаётни истайди (1Бутрус 2:11; Ёқуб 4:1).

Исога эргашишга интилар эканмиз, ўз хатоларимизни тан олиб, кечирим бераётгани учун Худога миннатдорчилик билдиришимиз лозим. Бизнинг гуноҳимиз Исога қанчага тушганини ёдда тутишимиз зарур. Биз Худони садоқат ила севиб, Исога эргашишда давом этишимиз, Исонинг ука ва сингиллари бўлишимиз учун, “биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда” хочдаги ўлимга боргани учун миннатдор бўлишимиз керак.

### *Шогирдлар Муқаддас Китобни ўқиб-ўрганадилар*

Дастлабки имонлилар жамоатидаги масиҳийлар ҳаворийларнинг таълимотини тинглашиб, Муқаддас Битикларни ўрганишган. Павлус ва бошқа миссионер ҳаворийлар жамоат очганларида ҳам шу тамойилга амал қилишган (Ҳавор-га 2:42; 4:2, 5:42. 17:10-11, 18:11, 20:20). Бу Янги Аҳд даврида Муқаддас Китобни ўрганишнинг энг кенг тарқалган усули эди, чунки кўпчиликда Муқаддас Китобнинг нусхаси бўлмаган. Шунингдек, кўпчилик имонлилар ўқишни билишмаган. Биз юқори даражадаги маорифга эга маданиятнинг бир қисми бўлишимизга ва Муқаддас Китобдан фойдалана олишимизга қарамасдан, Каломни жамоада ўрганиш биз учун фойдали бўлади.

Исо Масиҳга эргашиш учун Худонинг Каломини ўрганиш муҳимдир. Гуноҳ (ўзимизни четга олишимиз лозим бўлган хулқ-атвор ва муносабат) ва Муқаддас Рухга тўла ҳаёт (ўзимизни қандай тутишимиз лозимлиги) ҳақида яна қандай билиб олишимиз мумкин? Муқаддас Битиклар бизни “олдинги яшаш тарзингизга тобе бўлманг, эски ўзлингиздан воз кечинг, чунки у алдовчи эҳтирослар туфайли бузилиб кетган. Янгичасига фикр-зикр қиладиган бўлинглар. Худонинг суратида яратилган, ҳақиқий солиҳлик ва муқаддасликдан иборат бўлган янги табиатга бурканинглар” (Эфес-га 4:22-24). Хушхабарга ишониш орқали Худо оиласининг аъзоси

бўлганимизда, Муқаддас Рух бизда яшай бошлайди (1Кор-га 3:16-17; 6:19-20; 2Кор-га 6:16; Эфес-га 2:22) ва самарали ҳаёт кечиримизга ёрдам беради.

Аммо Рух сизни бошқарса, сиз қонуннинг амри остида эмассиз. Худбин истакларга эрк бериш қуйидагиларни келтириб чиқариши ҳаммага аён: фахш-зино, ҳаром-ҳаришлик, ахлоқий бузқлик, бутпарастлик, фолбинлигу иссиқ-совуқ қилишлар, душманлик, жанжалкашлик, рашк, жаҳлдорлик, ғаламислик, низолау ҳар хил гуруҳларга бўлиниш, бахллик, ичкиликбозлик, айш-ишратга берилиш ва шуларга ўхшаш ишлар. Сизларни олдин огоҳлантирдим, яна огоҳлантиряпман: бундай ишларни қилувчилар Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайди. Рухнинг самараси эса қуйидагилардир: муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат, меҳрибонлик, эзгулик, ишонч, мулойимлик ва ўзини тута билиш. Бу хислатларга қарши бирон қонун йўқ. Исо Масихга тегишли бўлганлар ўзларининг худбин истакларини ва эҳтиросларини хочга михлаб қўйганлар (Галат-га 5:18-24).

Шогирдлар Худонинг Каломини ўргандилар ва унинг асосида яшайдилар. Исо Масих Худони севишини қай тарзда намоён қилди? У Худонинг иродасига итоат қилди. Бунда жамоа катта ёрдам бериши мумкин. Жамоада биз кўп йиллар давомида Исога эргашаётган етук имонлилар билан учрашамиз. Улар қандай қилиб “эскисидан воз кечиш ва янгисига бурканиш”ни ўрганганларида ҳаётлари қандай ўзгарганини билиб оламиз. Исога ўхшашга интилишда тўсиқ ва қийинчиликларга дуч келсак, қўллаб-қувватлашлари учун уларга мурожаат қилишимиз мумкин. Улар бизга Худонинг севгиси ва кечирими ҳақида эслатишлари мумкин. Улар бизни тушунишади, чунки ҳар бир масихий гуноҳдан юз ўгириб, Худога маъқул келадиган ишларни қилишга интилганларида, қийинчиликларни бошдан кечирадилар (1Юҳанно 1:5-10). Ҳатто ҳаворийлар ҳам гуноҳга қарши курашиш ва адолатли ҳаёт кечиринида қийинчиликка дуч келганлар (Рим-га 7:7-25; Галат-га 2:11-14). Биз Исо кўрсатган намунага янада кўпроқ тақлид қиламиз ва жамоа бу борада мажбурият, ҳамдардлик ва мададни назарда тутуди.

### *Шогирдлар азоб чекишади*

Эҳтимол, ушбу қисм сизни ҳайрон қолдирар, аммо у Янги Аҳдда яққол кўринади. Исо Ўз шогирдларига шундай деди:

Агар дунё сизлардан нафратланаётган бўлса, билингки, сизлардан илгари Мендан нафратланган. Сизлар бу дунёга тегишли бўлганингизда эди, дунё сизларни ўзиники каби севар эди. Сизлар эса, бу дунёга тегишли эмассизлар. Мен сизларни бу дунёдан танлаб олдим. Ана шу

сабабдан дунё сизлардан нафратланади. Кул ўз хўжайинидан устун эмас деган сўзимни эсланглар. Агар Мени қувғин қилган бўлсалар, сизларни ҳам қувғин қиладилар. Агар Менинг сўзларимга риоя қилган бўлсалар, сизларникига ҳам риоя қиладилар (Юҳанно 15:18-20).

Бу ерда бағишланган имон ҳақиқатан ҳам синовдан ўтказилади. Ҳаёт тарзимизга мос равишда юрагимизни ўзгартиришимиз лозимлигини англаш бир хил, аммо Исога эргашиш билан Унинг учун азоб чекиш – бошқа-бошқа тушунча. Ҳаворийлар Исога эргашганлари учун азоб чекишди (Ҳавор-га 5:41, 9:16, 21:13; 2Кор-га 11:22-29). Мустаҳкам имон мавзуси Янги Аҳд саҳифаларида қайта-қайта учрайди (Рим-га 8:17-18; 2Кор-га 1:3-7; Филип-га 1:27-30; 1Бутрус 3:13-17). Ўн иккита ҳаворийдан бири Бутрус Исонинг қандай азоб чекканини кўрган. Охирида у имони туфайли камоққа олинган (Ҳавор-га 12:1-19). Бутрус қувғинлар натижасида юртидан қувилган ва бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетан имонлиларга шундай ёзади:

Борди-ю, қилган гуноҳингиз учун таёк еб чидасангиз, бу сизга шараф келтирармиди?! Аммо яхшилик қилиб туриб, ноҳақ азобларга чидасангиз, Худонинг мақтовига сазовор бўласиз. Ҳатто азоб чекканингизда ҳам Худо сизларни яхшилик қилишга даъват этган. Масиҳ сизлар учун азоб чекиб, намуна бўлди. Унга тақлид қилинглар. Ахир, У ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, оғзидан бирон ёлғон сўз чиқмаган. У ҳақорат қилинганда ҳеч кимга ҳақорат билан жавоб қайтармади, азоб чекканда ҳеч кимга таҳдид қилмади. Фақат одилона ҳукм қиладиган Худога Ўзини топширди (1Бутрус 2:20-23).

Агар азоб-укубатларни шараф билан бошдан кечиришни истасак, Хушхабар бу ҳаётда ҳаммаси осон ва содда кечишини ваъда бермаганини ёдда тутишимиз лозим. Хушхабар охиратда Худонинг оиласидаги абадий жойни ваъда қилади. Бу дунё бизнинг ҳақиқий уйимиз эмас.

*Шогирдлар янги шогирдлар тайёрлашади.*

Худога, яқинларимизга ва бир-биримизга бўлган севги – шогирдликнинг асосий жиҳати ҳисобланади ва шу билан бир вақтда, шогирдлар – бошқа шогирдларни тарбиялайдилар. Исо шогирдларига осмонга кўтарилишидан сал олдин шу вазифани берган эди. Шунинг учун у Буюк Топшириқ деб номланади:

Исо келиб, уларга деди: Еру осмондаги бутун ҳокимият Менга берилган. Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдиририллар. Мен

сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Зотан, Мен ҳар доим, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан (Матто 28:18-20).

“Барча халқлардан шогирд орттиринглар”. Муқаддас Китоб ҳикояларининг асосий қисми ушбу топшириқдан ташкил топган. Халқларни қулга айлантирган ғайритабиий кучларнинг ҳокимияти улардан тортиб олинди. Худо Ўз болалари, Унинг шериклари – Ўғли Исо Масихнинг шогирдлари Хушxabарнинг эзгу хабарини ҳамма жойга ёйишларини хоҳлайди. Худо Ўз оиласида иложи борича кўпроқ одамлар бўлишини истайди. Бизнинг вазифамиз – эзгу хабарни айтиб бериш, бошқаларнинг кўз ўнгида эзгу хабар асосида яшаш, уларни Худонинг оиласига олиб келиш ва уларга ҳам бу ишларни ўргатишдан иборат.

Буни қандай амалга оширамиз? Биз ўз имонимиз ҳақида гапириб берамиз. Ахир, ўзимиз ҳам шу тариқа имонга келмадикми? Ҳаммаси ҳайратланарли даражада оддий.

Биринчидан, сиз одамларга Хушxabарга ишонганингиздан ва Исо Масих орқали Худонинг кечиримини қабул қилишингиздан олдин қандай яшаганингизни айтиб беринг. Одамлар ҳикояларни, айниқса бошқа одамлар ҳақидаги ҳикояларни хуш кўрадилар. Нимага? Бошқа бир одамнинг ҳикоясида доим ўзимизнинг ҳикоямиз билан боғлиқ нимадир бўлади. Кимгадир Хушxabарни қабул қилишингиздан олдинги ҳаётингиз ҳақида гапириб берганингизда, ундаги айрим тафсилотлар суҳбатдошингизга таниш бўлар ва эҳтимол, ҳикоянингизнинг катта қисми унга таъсир қилиши мумкин.

Иккинчидан, сиз одамларга Хушxabарни эшитиб унга ишонганингизда, нима сабабдан бу сиз учун бурилиш – кескин ўзгариш нуқтаси бўлгани гапириб беринг. Одатда, бу гуноҳларимиз кечирилиши билан боғлиқдир. Биз ўзимизга ва бошқаларга зарар етказган бўлишимизга қарамасдан, Худо бизни аввалгидай севади ва бизни шу қадар хоҳлаганидан нажот беришни таклиф этади. Кейин эса, Худо бошидан оқ хоҳлаган – биз кечирим топиб, У билан абадий яшашимиз учун Худо қандай қилиб Исо Масихни юборгани ҳақидаги ҳикоя билан бўлишинг.

Учинчидан, одамларга Хушxabарга ва Худонинг кечирилишига ишониш ҳаётингизга қандай таъсир ўтказганини айтиб беринг. Уларга Худонинг севгисини, кечиримини ва абадий ҳаётни ваъда қилганини билиш нимани аниқлашини айтинг. Бу сизнинг ким эканингиз ва нима сабабдан бу ер юзига келганингиз ҳақидага тасаввурларингизни ўзгартирганини гапиринг. Хушxabарга ишониш сизни қандай ўзгартиргани билан ўртоқлашинг.

Айримлар ўзгарган юракнинг исботини кўришни истайдилар. Бу одатий ҳолдир ва бу Исо Масихга янада кўпроқ тақлид қилиш имкониятини очади. Ана шу сабабдан ҳам Муқаддас ҳаёт кечириш муҳимдир. Исо Масих одамларни севди ва уларга хизмат қилди. Одамлар ўзларини севишларини истайдилар ва бошқа одамларда ҳақиқий софликни излайдилар. Бошқалар билан ўзимизни худди Исо Масих каби тутсак, бу кучли таъсир қилади. Улар буни албатта пайқайдилар. Одамлар ўзларининг севилганини ҳис қиладилар ёки аксинча, қабул қилинмаганларини билишади. Хушxabарни ваъз қилаётганингизда сиз уларга ҳақиқатан ҳам қизиқаётганингизни билиб туришади. Исо Масихга ҳамма ҳам ишонавермаган. Хушxabарни бошқалар билан баҳам кўрганингизда ва уларга нисбатан Исо каби муносабатда бўлганингизда, ҳамма ҳам шундай ишонавермайди. Аммо, барибир кўпчилик ишонади.



## Муҳим исмлар ва атамалар (Луғат)

Ушбу рўйхат китобда тушунтирилган атамаларни ўз ичига олмайди. Бош ва тўқ ҳарфлар билан ёзилган атамалар луғат таркибига киради.

**Иброҳим** – Худо исроилликлар ёки яҳудийлар деб танилган халқларнинг аждоди бўлиш учун танлаган одам.

**Одам Ато ва Момо Ҳаво** – Худо яратган дастлабки иккита одам (эркак ва аёл)

**Фаришталар** – Худога хизмат қиладиган ва Исо Масихга ишонадиган имонлиларга ёрдам берадиган самовий мавжудотлар. Рус тилидаги Муқаддас Китобда “ангел” (фаришта) деб таржима қилинган илк яҳудий ва юнонча атамалар “хабарчи” деган маънони англатади. Шунинг учун “фаришта” атамаси иш, юмушнинг тавсифи ҳисобланади. У Худодан одамларга хабар етказадиган Худонинг Самовий Шоҳлиги аъзоси ролини тасвирлайди. Кўпроқ маълумот олиш учун луғатдан кейин келтирилган «Ғайритабий атамаларнинг қисқача талқини»га қаранг.

**Ҳаворий** – юнонча атама бўлиб, “юборилган” деган маънони англатади. Янги Аҳдда ҳаворийликнинг турли кўринишлари мавжуд.

**Оссурияликлар** – Исроилнинг шимолий Мессопотамиядаги тарихий душманлари

**Муқаддас Китоб** – Худо Ўзининг илоҳий ҳузури билан бошқариб, одамлар томонидан ёзилган 66 та қадимий, муқаддас китобларнинг тўплами. Дастлабки 39 та китоб Эски Аҳд деб аталади, қолган 27 та китоб Янги Аҳд деб номланади.

**Иноят** – Худо бизга ўзимиз лойиқ бўлмаганда ниманидир таклиф қилса ёки берса, Худонинг эзгулиги.

**Худо** – ушбу атама рус тилидаги Муқаддас Китобда бирликда ва Бош ҳарф билан қўлланилганда мавжуд бўлган бутун борлиқни яратган ва одамзотни севадиган ноёб, энг олий ва беқиёс ғайритабий мавжудот тасвирланган.

**Ибтидо** – Муқаддас Каломнинг биринчи китоби

**Бобил** – жанубий Мессопотамиядаги (замонавий Ироқ давлати) қадимий Бобил шаҳри

**Бобилликлар** – Исроилнинг жанубий Мессопотамиядаги тарихий душманлари

**Буюк топширик** – Исо Масих томонидан Унинг издошларига берилган бутун дунё бўйлаб Хушхабарни тарқатиш ва шогирд орттириш вазифаси

**Имон** – имонлиларнинг ишончи (кимга ёки нимага).

**Имонли** – Хушхабарга ишонадиган ҳар бир одам

**Эски Аҳд** – Муқаддас Китобнинг биринчи 39 та китоби. Уларнинг таркиби хронологик тарзда Исо Масихнинг туғилишидан олдинги даврни ўз ичига олади.

**Осмонга кўтарилиш** – Исо Масихнинг ўлимдан тирилгандан кейин осмонга қайтиши

**Тирилиш** – (1) умуман олганда, янги ҳаётнинг ўлим устидан қозонган ғалабаси; (2) Янги Аҳдда Исо Масих хочда ўлдирилгандан кейин уч кун ўтиб, танада қайта тирилгани ёки келажакда барча имонлиларнинг янги ерда абадий яшаш учун тирилишига асосланади.

**Синай тоғи** – Исроил халқини Миср қуллигидан озод қилиш учун Худо Мусони чақирган тоғ, шунингдек Худо Исроилга ўнта амр берган жой.

**Гуноҳ** – Худонинг адолати, панд-насиҳати ва одоб-ахлоқ мезонларига қарши чиққан ёки зид келган ҳар қандай ҳаракат ёки муносабат.

**Гуноҳкорлик** – Одам Ато ва Момо Ҳавонинг Адан боғидаги гуноҳи ва унинг оқибатлари

**Довуд** – Худо абадий сулолани ваъда қилган Исроилнинг иккинчи шоҳи. Масих шу насл-насабдан келиб чиқиши керак эди.

**Ўнта амр** – Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин уларга Худо томонидан берилган биринчи ўнта ахлоқий қонун.

**Ҳаворийларга** – дастлабки масиҳийлар ҳақида ҳикоя қилинган Янги Аҳд китоби.

**Худонинг Руҳи** – Муқаддас Руҳнинг яна бир номи.

**Муқаддас Руҳ** – табиатан Худога тенг бўлган Худонинг шахсий Руҳи.

**Руҳий жанг** – Буюк топширикни амалга оширишга қарши бўлган гуноҳ ва ғайритабиий кучларга қарши курашиш.

**Иблис** – шайтон ва илоннинг яна бир номи. Кўпроқ маълумот олиш учун луғатдан кейин келтирилган «Ғайритабиий атамаларнинг қисқача талқини»га қаранг.

**Хушхабар** – Исо Масих орқали нажот топиш ҳақидаги хабар.

**Хушхабарчилик** – Хушхабарни тарқатишга қаратилган турли хилдаги фаолият.

**Яхудий** – исроиллик одамни англатадиган бошқа бир атама.

**Аҳд** – икки томон ўртасидаги келишув. Муқаддас Китобда Худо одамзот билан ваъдалар ва баракалар берадиган аҳдлар тузади. Аҳдларда шартлар бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин.

**Ваъда қилинган ер** – ушбу атама Исроилнинг географик жойига нисбатан қўлланилади. Худо Иброҳимга бу ер унинг авлодлари жойлашадиган ва яшайдиган маскан бўлишини ваъда қилган. Бу ер исроилликлар томонидан қўлга киритилишидан олдин Эски Аҳдда Канъон деб номланган.

**Ёмонлик** – Худого ёки Унинг яратганларига зарар етказадиган ва таҳқирлайдиган, Худо рухий-маънавий ёки ахлоқий жиҳатдан ёмон деб ҳисоблаган барчаси.

**Илон** – Одам Ато ва Момо Ҳавонинг Адан боғидаги душмани. Кейинчалик Муқаддас Китоб илонни иблис ва шайтон деб ҳам атайди. Кўпроқ маълумот олиш учун луғатдан кейин келтирилган «Ғайритабиий атамаларнинг қисқача талқини»га қаранг.

**Ёқуб** – Исҳоқнинг ўғли ва шунингдек Иброҳимнинг набираси. Кейинчалик унинг исми (*Худо томонидан*) “Исроил” деб ўзгартирилган.

**Исроил** – (1) Иброҳимнинг набираси Ёқубга берилган исм; (2) Иброҳим ва Сора орқали Худо томонидан барпо қилинган Эски Аҳд давридаги халқ.

**Ироилликлар** – Исроил халқига тегишли Иброҳимнинг авлоди.

**Исо** – бокира қиз Марямдан туғилган Худонинг ўғли, аммо шу билан бирга тўлиқ Худо ҳамдир. Худонинг инсониятни гуноҳдан қутқариш режасини рўёбга чиқариш учун, Худо Исо тимсолида инсон бўлди.

**Исҳоқ** – Иброҳимнинг Сорадан туғилган ўғли.

**Бузилган** – гуноҳ ва ёвузликка тегишли атама, шунингдек ёвуз ният ва хулқ-атворнинг даражаси ва тез-тез такрорланишини таърифлаш учун қўлланилади.

**Чиқиш** – (1) Муқаддас Китобдаги иккинчи китобнинг номи; (2) Қадимги Исроилнинг Миср қуллигидан чиқишини тасвирловчи атама.

**Яхудийлар** – Иброҳимдан келиб чиққан халқ – исроилликларни англатади.

**Хоч** – Исо Масих ўлдирилган восита. Рим империясидаги хоч вертикал (тик) устун билан кўндаланг тўсиндан иборат бўлиб, қийноқлардан кейин маҳкум қилинган одам унга боғлаб қўйилган ёки михланган ва нафаси қайтиб жон бергунига қадар қолдирилган. Шунингдек, Янги Аҳдда ҳам “хоч” барча

Хушхабарга ишонганлар учун гуноҳ ва нажот топишга тўлов тўланган жойга ҳам тааллуқли.

**Қутқарувчи** – “мойланган” деган маънони англатувчи яҳудийча сўз. У Худонинг халқини душманлардан халос этиб, гуноҳдан қутқарувчи Довуд авлодидан бўлган Шохга тегишли. Исо Муқаддас Китоб ҳикояларида Қутқарувчи ҳисобланади. Ушбу яҳудийча атаманинг юнон тилидаги эквиваленти “Масих”дир. Шундай экан, “Исо Масих” бу “Исо Қутқарувчи”дир.

**Марҳамат** – Худо бизни қилмишимизга яраша ҳукм қилмаса, марҳамат кўрсатган ҳисобланади.

**Мусо** – Исроил халқи Мисрда қул бўлган вақтда туғилган бўлиб, Худо Исроилни бу қулликдан олиб чиқиш учун танлаган исроиллик одам.

**Янги Аҳд** – Эски Аҳддан кейинги 27 та китоб. У Исо Масихнинг ҳаёти ва хизмат даврини, дастлабки масихийлар ва Масих туғилганидан бошлаб биринчи асрда масихийликнинг тарқалиши ҳақидаги ҳикояларни ўз ичига олади.

**Нух** – тўфон бўлган вақтда Худо солиҳ деб ҳисоблаган инсон. Худо Нухга ўзини, оиласини ва ҳайвонларни қутқариш учун кема қуришни буюрган (катта кема).

**Павлус** – мажусийларга (исроилликларга эмас) хизмат қилган Исо Масихнинг хаворийси.

**Бутрус** – Исо Масихнинг дастлабки шогирдларидан бири.

**Кечирим топиш (гуноҳдан)** – Худо кимнингдир исталган жиноятини ва Унга қарши ножўя ишларини кечирishi. Кечирим топиш – иноят, марҳамат ва нажот тушунчалари билан боғлиқ.

**Адан боғи** – азалда Одам Ато ва Момо Ҳаво яшаган дунёда Худо томонидан яратилган маскан. Адан боғида Худо ҳам ҳозир бўлган.

**Сора** – Худо ғайритабиий равишда фарзанд кўриш лаёқатини ато этган Иброҳимнинг хотини.

**Шайтон** – Адан боғида Одам Ато ва Момо Ҳавони алдаган илонга берилган исм. Шайтон Худо яратган дастлабки ғайритабиий мавжудот бўлиб, Худога қарши бош кўтарган. Иблис Янги Аҳдда Худонинг илк душмани дея келтирилади. Луғатдан кейинги «Ғайритабиий атамаларнинг қисқача талқини»га қаранг.

**Шоул** – Исроилнинг биринчи подшоҳи.

**Ғайритабий** – табиий (жисмоний ва моддий) дунё ва коинот чегарасидан ташқарисига тегишли атама. “Ғайритабий мавжудот” деганда табиатига кўра танага эга бўлмаган рухий мавжудот тасвирланади.

**Зулмат кучлари** – Худонинг бутун дунё ва инсониятга оид режасига душман бўлган барча самовий мавжудотлар.

**Сулаймон** – Довуднинг ўғилларидан бири. Сулаймон отаси Довуднинг ўлимидан кейин тахтга эгалик қилган.

**Нажот топиш** – Хушхабарга ишонганларнинг Худодан ажралиш гуноҳидан озод бўлиши. Нажот топиш орқали Хушхабарга ишонганларнинг гуноҳлари кечирилади. Нажот имонли кишини Худонинг оиласига аъзо қилиб, уни қайта тиклайди.

**Ўғил** – Муқаддас Китобда келтирилган “Ўғил” сўзи (Бош ҳарф билан) Исо Масих қиёфасида инсон бўлган Учбирликнинг иккинчи Шахсига тегишли.

**Худонинг ўғиллари** – Эски Аҳдда Худога хизмат қиладиган ёки Худога қарши бош кўтарган самовий мавжудотлар ушбу атама билан таърифланади. Луғатдан кейинги «Ғайритабий атамаларнинг қисқача талқини»га қаранг.

**Учбирлик** – Худода мужассам бўлган Учта Шахс (Ота, Ўғил, Муқаддас Рух). Муқаддас Китоб – Худонинг ягоналиги, аммо Учта Шахсда абадий мавжудлиги ҳақида таълим беради.

**Шогирд** – Исонинг ҳаётига тақлид қилиб, Унинг таълимотига бўйсуниб, Исога эргашадиган киши.

**Масих** – юнонча сўз бўлиб, “мойланган” деган маънони англатади; унинг эквиваленти бўлган “қутқарувчи” сўзи Исо Масихнинг унвонидир.

**Худонинг / Масихнинг / Исонинг / Шоҳлиги** – Худонинг Исо Масих орқали имонлилар билан ер юзидаги бошқаруви. Янги Аҳд ушбу Шоҳликни аллақачон орамизда мавжуд дея таништиради, аммо шу билан бирга келажакда тўла-тўқис амалга ошади.

**Мажусий** – Исроил халқининг бир бўлаги ҳисобланмаган, яъни исроиллик бўлмаган ҳар бир одамни таърифлайдиган атама.

## Ғайритабий атамаларнинг қисқача талқини

Муқаддас Китоб руҳий оламда яшайдиган мавжудотларни тасвирлаш учун турли атамаларни қўллайди. Масиҳий анъана бу атамаларни кўпинча аралаштириб юборади ва шу зайлда чалкашликлар юзага келади. Мен илмий фаолиятимнинг катта қисмини шу каби саволларни ўрганишга бағишладим. Фаришталар, шайтон ва ёвуз руҳлар мавзусига қизикқан барчани таклиф қиламан.

Айни дамда Муқаддас Китобдаги ғайритабий дунё ҳақида айтиб ўтганларимизни қисқа такрорлаб олишимиз фойдали бўлиши мумкин.

Муқаддас Китоб кўринмас дунё – руҳий мавжудотлар олами мавжуд, дея ўргатади. Ушбу мавжудотлар ўз табиатига кўра жисмоний шаклни қабул қила олсаларда, танага эга эмаслар. Руҳлар олами “ғайритабийдир”. Бу дунё жисмоний дунё билан солиштирганда ўзгача табиатга эга. У табиий, жисмоний дунёдан ташқарида жойлашган.

Худо руҳий дунёда яшайди, аммо яратувчи сифатида ундан устундир. Фақат Худо яратилмаган ва абадийдир. У бизга таниш бўлган дунёдаги (яъни жисмоний ва моддий дунёдаги) барча ҳаётни яратганидек, руҳий оламда яшовчи руҳий мавжудотларни ҳам яратди.

Муқаддас Китобда руҳий оламнинг аъзоларини турли атамалар билан таърифланган (масалан, Рим-га 8:38; 1Бутрус 3:22). Ушбу китобда уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтдим. Ушбу атамаларнинг баъзилари ишни, яъни маълум руҳий мавжудот нима иш қилишини тавсифлайди. Бу маънода “фаришта” яхши ўрнак бўла олади. “Фаришта” сўзи “хабарчи (элчи)” деган маънони англатади. Бироқ, Янги Аҳддаги юнон-рим маданиятида Худога қарши бош кўтармаган самовий лашкарнинг ҳар қандай аъзосини тасвирлаш учун ҳам “фаришта” атамаси қўлланила бошланди. “Жин” атамаси қадимги замонда турлича маънога эга бўлсада, ҳар бир исён кўтарганини тасвирлайди.

“Худонинг ўғиллари”ни тавсифловчи ибора – бизга Худо руҳий мавжудотларнинг Отаси (яратувчиси) ҳисобланишини эслатади. Бироқ бу атама ундан ҳам кўпроқ маънони англатади. Ушбу иборани “Кўзга кўринмас” номли китобда янада чуқурроқ муҳокама қиламан. “Худонинг ўғиллари” – Худонинг олий даражадаги “Ишчи кучлари”га тегишли мавжудотлардир. Шоҳнинг фарзандлари ҳокимиятнинг юқори лавозимларига эга бўлганларида қадимги дунёдаги тушунчалар қўлланилган. Муқаддас Китоб ҳикояларида “Худонинг ўғиллари” Бобил минораси ёнида Худо ҳукм қилган халқларни бошқариш учун тайинланган. Бу иш хабарларни етказишдан кўра (фаришталар бажарадиган юмуш) анча муҳим.

Рухий оламнинг барча аъзолари дастлаб Худога содиқ эдилар. Бироқ, ҳамаси ўзгариб кетди. Ушбу китобда ўқиганингиздек, Худо рухий олам мавжудотларини яратганида, Худо уларга Ўз фазилатларидан улашди. Ушбу фазилатлардан бири хоҳиш-ирода эркинлиги эди. Рухий оламнинг айрим аъзолари ўз эркинликларини Худонинг иродаси ва Худонинг одамзот оиласига қарши бош кўтаришда ишлатишган. Худонинг иродаси ва Унинг одамзот оиласига қарши бош кўтарган барча рухий мавжудотлар “зулмат кучлари” деб номланади. Бироқ, Муқаддас Китобда Худонинг одамзот оиласига эга бўлиш истаги ҳақида Худонинг рухий душманларининг турли тоифаси ҳақида ҳикоя қилинади.

Муқаддас Китобда учта исён тасвирланган. Биринчи исён Адан боғида содир бўлган. Рухий оламнинг бир аъзоси Худонинг одамзот оиласига эга бўлиш хоҳишига тўсқинлик қилишни истади. Муқаддас Китобдаги ҳикояда бу мавжудот Момо Ҳавони алдаш учун илон кўринишида келган. Худога қарши бош кўтарган мавжудот кейинчалик “шайтон” (бу атама “душман” деган маънони билдиради) ва “иблис” (бу атама “туҳматчи” деган маънони англатади) деб номланади. Кейинчалик, Муқаддас Китобда Худонинг айрим Самовий Ўғиллари исён кўтаришди. Улар рухий ва жисмоний дунё ўртасидаги чегарани кесиб ўтдилар. Яхудонинг унча катта бўлмаган китобида уларга “ўз кадр-қимматини сақламай уйдан чиқиб кетган”, деб таъриф берилади. Имонлилар жамоати урф-одати охир-оқибат (унчалик аниқ эмас) Худонинг ушбу исёнкор ўғилларининг муқаддасликдан узоқлашганини тасвирлаш учун “бузилган фаришталар” деб, гуноҳкорлигини кўрсатиш учун “жинлар” деб номлади. Шунга қарамасдан, Эски Аҳд китобида Ибтидо 6-боб, 1–4-оятлардаги исёнчиларни тасвирлаш учун ҳеч қачон “фаришта” ёки “жин” сўзлари ишлатилмайди.

Нихоят, Бобил минораси ёнидаги воқеадан кейин халқлар топширилган Худонинг ўғиллари бир муддат бузилган. Забур 81-санода уларга қўйилган ҳукм ҳақида гапирилади. Ушбу худудий ҳокимиятлар (масалан, Эфес-га 6:11-12. Ушбу атамаларнинг барчасида геграфик ҳокимият ҳақида гапирилади ва шунинг учун Бобил минораси воқеасидан кейинги вазиятни тасвирлаш учун жуда мос келади.